

О. ЖУМАНИЁЗОВ



ЎЗБЕК  
ТИЛИДАГИ  
GERMAN  
ТИЛЛАРИ  
ЎЗЛАШМАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
В. И. ЛЕНИН номидаги ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ

О. ЖУМАНИЕЗОВ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ  
ГЕРМАН ТИЛЛАРИ  
ЎЗЛАШМАЛАРИ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1987

Монографияда рус тили воситачилигида ўзбек тилига кириб келган герман (немис ва инглиз) тиллари луғат таркибига мансуб сўзлар сөн ва сифат жиҳатидан тавсифланади. Уларнинг ўзлашиш жараёнида юз берган фонетик-орфографик, морфологик ва семантик ўзгаришлари таҳлил қилиниб, мазкур лексик қатламнинг ўзбек тилидаги ўрни, вазифаси ва бошқа ўзига хос томонлари рус тили билан қиёсланган ҳолда ёритилади.

Китоб тилшунослар, аспирантлар, олий ўқув юртларининг филология ва герман тили бўлимлари ўқитувчиларига ҳамда студентларига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р  
филология фанлари доктори М. УМАРХУЖАЕВ

Т а қ р и з ч и л а р  
филология фанлари доктори О. МАДРАҲИМОВ  
филология фанлари кандидатлари А. АЛИХУЖАЕВ, У. СОТИМОВ

Ж  $\frac{4602010000 — 3520}{М 355(04) — 87}$  177 — 87

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1987 й.

## СУЗ БОШИ

Маълумки, илмий-техник революция жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва улар ўртасидаги муносабатларга, улардаги миқдор ва сифат кўринишларга таъсир қилибгина қолмай, балки у ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ўзгартирувчи фаолият кўрсатмоқда. Бинобарин, бу фаолликнинг асосий омили, аввало, тил ҳисобланади. Чунки ҳаёт ва жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар, дастлаб, тилда ва унинг воситасида амалга ошади.

Ҳар қандай миллий тилнинг луғат таркиби, унинг жами сўз бойлиги мазкур миллатнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. У доимо ҳаракатда ва ўсишда бўлади. Тилнинг ривожланиш самараси эса, асосан икки омилга, унинг ички ва ташқи ўсиш манбаларидан қандай фойдалана билишига боғлиқ бўлади.

Халқаро алоқаларнинг кенгая бориши, миллатлар муваффақият ва ютуқларининг самимий умумлашуви, айниқса, фан, маданият, саноат, сиёсат ва халқ хўжалиги соҳаларидаги илғор тажриба алмашувлар, дунёнинг турли бурчларидан келган хабар ва маълумотларни ҳар ким ўз она тилида қайта ишлаб чиқиши каби объектив ва зарурий омиллар тиллар ривожига, улар луғат таркибининг ташқи манбалар ҳисобига бойиб боришига баракали таъсир қилмоқда.

Мазкур ишда асосан ташқи манбалар таъсирида юз берган ўзбек тилидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини ўрганишга ҳаракат қилинди. Унда инглиз ва немис тилларидан рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган ўзлашмаларни дифференциал таҳлил қилиш кўзда тутилди. Зеро, ўзбек тилининг луғат таркиби, ундаги сўзларнинг этимологияси, имло, талаффуз ва англатадиган маънолари билан қизиққан ҳар бир киши, миллий тилимиз ва сўзлашув нутқимизда герман

(немис ва инглиз) тилларига оид бўлган бир қатлам тил бирликларини пайқашни қийин эмас.

Ўзбек халқи бу лексик бирликлардан ўзининг оғзаки ва ёзма нутқида актив фойдаланиб келаяпти.

Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмаларининг тахминий ҳажми тўғрисида шунини айтиш мумкинки, «Ўзбек совет энциклопедияси»да 200 га яқин немис, 130 дан ортиқ инглиз, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 170 дан ортиқ немис, 150 га яқин инглиз сўзлари қайд этилган. Мазкур қомусларда келтирилган герман тилларига оид тил бирликлари ва ҳали луғатларда қайд қилиб улгурилмаган, аммо тилимизда тез-тез учраб турувчи (*компьютер, гангстер, дизайн* каби) айрим сўзлар ҳисобига жами 530 ўзлашма йиғилди. Ишда улар, аввало, тематик группаларга ажратилиб, кейин уларнинг ўзбек тилидаги имло, талаффуз ва маъно ўзгаришларига дифференциал анализ берилди. Мисоллар бадиий адабиёт, асосан вақтли матбуот (газета, журналлар)дан олинди. Ўзлашмалар мазкур манбалардан ўзлари бирга қўлланилиб келган ибора, гап ва контекст ҳолатида кўчириб олинди. Бундан асосий мақсад уларнинг имло, талаффуз, янги сўзлар ясашлари ва ўзбек тилида актуаллашган маъноларини жонли тилимиз асосида кузатиш эди. Чунки сўз (ўзлашма) фақат гап ёки контекстагина ўз шакли ва мазмунини тўла намоён қилади.

## СЎЗ ЎЗЛАШУВИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз буюк бурилишлар даврини бошидан кечирмоқда. Ҳар бир йирик бурилиш ясовчи тарихий маррада бошланаётган босқичнинг моҳиятини шу давргача қилинган ишлар ва янги вазифаларнинг ўзига хослигини ифодаловчи қисқа, аммо сермазмун назарий формаларини амалий фаолият билан, партиянинг ғоялари ва иродасининг ўрганилишини миллионларнинг орзу-ҳаваси билан боғлаш бизнинг ленинча партиямизнинг ягона мақсади ва тарихий анъанасидир.

Коммунистлар партияси учун буюк Ленин таълимоти ҳамisha йўлни белгилаш учун компас, ҳаракат учун қўлланма бўлиб қелди. Партия, бутун совет халқи бугунги кунда, КПССнинг тарихий XXVII съезди белгилаб берган йўл ҳамма жойда қарор топиб, янгиланиш ва бунёдкорлик ғайратини, миллионларнинг фидокорона ижодий меҳнати ҳаётбахш кучини жўш урдирган бир пайтда ўз режалари ва орзу-умидларини Ленин, унинг мангу ғоялари билан қиёсламоқдалар. Партия эришилган ютуқларга реалистик баҳо бериб, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кўп қиррали вазифаларини белгилаб бермоқда. Партия ва ҳукуватимиз совет кишиларининг жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга эришиш, коммунистик қурилиш йўлида олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини берадиган ўзгартиришлар ва янгиланишларга қаратилган иродаси ва интилишларига таяниб иш тутмоқда<sup>1</sup>.

Партиянинг фан соҳасидаги сиёсати билимнинг барча соҳаларини жадал равнақ топтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, кадрларни, моддий ва молиявий ресурсларни мўлжалланаётган иқтисодий ва

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони», 1986 йил 26 февраль.

социал мақсадларга эришишни, жамиятнинг маънавий ривожланишини жадаллаштиришни, мамлакатнинг ишончли мудофаа қудратини таъминлаши лозим бўлган энг истиқболли йўналишларга жамлашга қаратилгандир<sup>2</sup>. КПСС XXVII съезди материалларида «фан-техника революцияси фақат истиқболнигина очиб қолмай, балки бутун ички ва халқаро ҳаётни ташкил этишга нисбатан талабчанликни кучайтиради, ...дунёда содир бўлаётган барча жараёнларга, жаҳондаги зиддиятларга жуда катта таъсир кўрсатади»<sup>3</sup>, — дейилган. Совет фани фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишлари бўйича етакчи позицияларни эгаллашга, перспектив ҳамда жорий ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий проблемаларнинг самарали ва долзарб ечимларини топишга даъват этилган. Дарҳақиқат, КПСС халқ билан мустаҳкам бирликдан куч-қувват олиб, фаннинг энг илғор ютуқлари асосида, омманинг ғайратини ижтимоий тараққиётнинг етилган проблемаларини сира кечиктирмай, дадил ҳал этишга юксак масъулият, чинакам революцион шижоат билан сафарбар этмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётига назар ташласак, фикримизнинг далили сифатида, совет халқларининг ҳаёти ягона асосда қурилгани, турли миллатларга мансуб совет кишилари маънавий қиёфасида янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлгани, маданият борасида миллийлик ва интернационалик бирикуви тасдиқланганини кўрамиз ва фан-техника мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритганининг гувоҳи бўламиз.

Совет халқининг бу ютуқ ва муваффақиятлари табиий равишда миллий тилларнинг ривожиди, уларнинг луғат таркибининг кенгайишида, ўзаро таъсири ва ҳамкорлигида ўз аксини топмоқда. Зеро, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган барча янгиликларнинг тилда ўз аксини топа бориши ҳам, тилнинг тузилиш ва вазифа жиҳатидан такомиллашуви ҳам, унинг ўз имкониятлари ҳисобига бойиши ҳам, тиллар ривожланишининг асосий қонуниятларидан бири — тилларнинг ўзаро алоқаси ва муносабатларининг ижодий характери — асосида воқе бўлади<sup>4</sup>.

СССРда ленинча миллий сиёсатнинг амалга ошиши, барча қардош тиллар қатори ўзбек тилининг ҳам струк-

<sup>2</sup> «Партия турмуши», 1985, 2-сон, 49-бет.

<sup>3</sup> «Совет Ўзбекистони», 1986 йил 26 февраль.

<sup>4</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбекистонда тилшуносликни ривожлантиришнинг актуал проблемалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 5-сон, 3-бет.

туал ва функционал жиҳатидан ўсиб ва ривожланиши га кенг йўл очди. Ўзбек тили янги-янги сўзлар, ибора лар ва ифода воситалари билан бойиди. Унда миқдор ўзгариши эмас, балки сифат ўзгаришлар ҳам юз берди. «Бу ўзгаришлар тилнинг барча томонларида — фонетик таркиби ва алфавитида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфологик ва лексико-семантик тузилишида ҳам, стилистик ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўнми ўз аксини топди»<sup>5</sup>. Тилларнинг ўзаро алоқаси қизғин тус олиб, ўзбек тилига қардош халқлар тилларидан, биринчи навбатда, рус тили ва у орқали бошқа (айниқса Фарбий Европа) тилларидан жуда кўп миқдорда сўз ўзлашди. Бу объектив факторлар тилда ва тил воситасида амалга ошиши сабабли, уларни марксча философик нуқтаи назардан туриб ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳозирги замон совет тилшунослигида энг актуал масалалардан биридир. Бинобарин, тилда ўзлашган сўзлар проблемасини атрофлича ўрганмасдан туриб, тилларнинг турли ривожланиш босқичларидаги ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш масалаларини ечиб бўлмайди<sup>6</sup>.

Сўз ўзлашувида муайян тил ва тил эгаларининг бошқа тил ва халқлар билан бевосита алоқаси бирламчи ҳодиса эканлиги, аммо ўзбек тилининг герман тиллари билан алоқаси ва бошқа объектив заруриятлар, асосан рус тилининг воситачилигида амалга ошганлиги, ўзбек тилининг бошқа (қўшни) тиллар билан алоқаси масаласига қисқача бўлса ҳам тўхталиб ўтишни тақозо қилади.

**Ўзбек тилининг бошқа (қўшни) тиллар билан алоқаси.** Ўзбек тили қадимги ва қадимдан ёзувга эга бўлган тиллардан ҳисобланади. Унинг дастлабки намуналари қадимги туркий тил (V—XI асрлар) ёдгорликларига бориб тақалади. У туркий тиллар оиласининг жанубий-шарқий (Ўрта Осиё) ёки қарлуқ гуруҳига мансуб бўлиб, тарихан узоқ ва кўп қиррали ўсиш ва ривожланиш этапларини бошидан кечирган. Ўзбек тили ўзининг уруғ, қабила, халқ, миллий ва социалистик миллат тили даврларида бир қатор қардош ва қардош бўлмаган (чет) тиллар билан алоқада бўлган. Шу алоқалар на-

<sup>5</sup> Ақобиров С. Яқунлар ва режалар.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1984, 1-сон, 5-бет.

<sup>6</sup> Филин Ф. Н. Заметки о состоянии и перспективах современного советского языкознания.—«Вопросы языкознания», 1965, № 2, с. 24; Звегинцев В. А. Очерки по общему языкознанию. М., 1962, с. 246.



тижасида юз берган бошқа тилларнинг ўзбек тилига таъсирини асосан ўзбек халқи билан бевосита иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқада бўлган қўшни халқлар тилларидан изламоқ керак.

Бу борада ўзбек тилига дастлабки даврларда форс-тожик, араб, монгол ва хитой тилларининг баракали таъсири ва шу тилларнинг элементларини ўзбек тили ўзида бирлаштирганлиги фикримизга исбот бўла олади. Чунончи, ўзбек халқи билан тожик халқи Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва маҳаллий халқларидандир. Бу икки халқнинг турмуш шароити бир хил ва улар умумий территорияга эга бўлганлиги сабабли ҳаётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиб келдилар. Бу ҳамкорлик ўзбек ва тожик халқларининг тилларида, унинг фонетика, грамматика ва луғат таркиби қурилишида ўз аксини топди<sup>7</sup>.

Ўзбек тили қадимий туркий қабила ва уруғ тили даврида олтой-монгол тиллари билан ҳам алоқада бўлди. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида учровчи бир қатор монголча сўзлар ёки турк ва монгол тиллари учун умумий бўлган лексик қатлам шу алоқалар натижасидир.

Ўзбек тили ўтмишда қардош бўлмаган бошқа системадаги бир қатор тиллар билан ҳам алоқада бўлган. Бу тиллар араб, қадимги грек, ҳинд ва хитой тилларидир.

Ўзбек тилининг чет тиллар билан бўлган алоқаси турли даража ва сифатий кўринишларга эга. Форс-тожик ва араб тилларининг ўзбек тилига таъсири салмоқли бўлса, хитой, ҳинд, монгол ва грек тилларининг луғат таркибидан ўзбек тилига саноқли сўзларгина ўзлашган. Профессор А. К. Боровковнинг таъкидлашича, форс-тожик тилидан қабул қилинган сўзлар ўзбек тилининг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олди, чунки улар реал нарса ва предметга тегишли сўзлар ҳисобланади<sup>8</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги давр эса, ўзбек тилининг рус тили билан яқиндан муносабати, айтиқса, унинг ўзбек тилига совет давридаги баракали таъсири билан характерланади.

**Икки тиллик (билингвизм) ҳақида.** Ўзбек тили ўзаро алоқада бўлган тиллар ичида, унга катта таъсир

<sup>7</sup> Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 78—82-бетлар.

<sup>8</sup> Боровков А. К. Таджико-узбекское двуязычие и вопросы о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков. Ученые записки Института востоковедения. Т. IV. М., 1952, с. 188.

қилган ва унинг луғат таркибида ўчмас из қолдирган тилларга форс-тожик, араб ва рус тили киради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Маълумки, бир тилдан иккинчи бир тилга муайян бир сўз ўтиши учун шароит лозим. Бу шароит икки тилнинг шунчаки алоқаси, ёнма-ён, қўшни бўлиб яшаши, территориал бирлиги каби омиллар билан бир қаторда, уларнинг ўзаро таъсир даражаси, ҳамкорлик кўлами ва шуларнинг ижобий самараси асосида юзага келувчи икки тиллилик ҳодисаси билан боғлиқдир. Икки тиллилик кишилик ҳаёти ва жамиятининг зарурий факторларидан бири бўлиб, бу ҳақда қатор совет ва чет эл олимлари ўз фикрларини билдиришган. «Менимча, ўзлашган сўзларни ўрганишда асосий методик принцип қилиб икки тиллиликни олмоқ керак. Чунки икки тиллилик сўзларнинг ўзлашишига асос ва воситачи бўла олади. Бирор сўзнинг чет тилдан ўзлашиши ва янги тилга мослашиши учун уни қабул қилаётган тил эгалари сўз олинаётган тил билан озми-кўпми таниш бўлмоқликлари керак. ...чет сўзни, аввало, икки тилда гаплаша оладиган одамлар қўллайди, кейин эса у тилнинг кенг доирасига ёйилади. Ниҳоят, сўз ёзма нутққа ўтади ва тилда бутунлай ўрнашиб қолади»<sup>9</sup>,—деб ёзади венгер олими Б. Шулан.

Ўзбекистон территориясида яшовчи халқлар, жумладан ўзбеклар орасида икки тиллилик ҳодисаси қадимдан мавжуд. Ўзбек ва тожик тилларида гаплашувчи аҳоли Амударё ва Сирдарё ўрталарида VI асрда ва ундан ҳам олдин истиқомат қилган. Ўзбек-тожик икки тиллиги ўзбеклар ўртасида ҳозир ҳам бор. Бухоро шаҳри ва шу областнинг баъзи районлари аҳолиси ҳозир ҳам ўзбек ва тожик тилларида бемалол гаплаша олади.

Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Ўзбек тилига араб тилидан сўз ўзлаштириш, асосан, ўзбек-араб икки тиллиги даврида (VII—IX асрлар) кучли бўлди.

Ўзбек халқининг социализм давридаги ҳаётида ўзбек-рус икки тиллиги юзага келди. У ўзининг миқдори ва сифати, мазмуни ва мақсадлари билан ўзбек-тожик, ўзбек-араб билингвизмидан тубдан фарқ қилади. Чу-

<sup>9</sup> Sulan B. Zu einigen Fragen des Bilinguismus.— «Slavica», 1963, Siehe die Seite 14.

нончи, ўзбек-тожик икки тиллилиги шу иккала миллат аралашиб яшовчи ёки жуда яқин қўшни территориялар учун хос эди. Бу ҳолат Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсининг баъзи районларида ҳозир ҳам мавжуд. Ундан ташқари, форс тилининг дунёда мавқеи баланд бўлганлиги сабабли, кўпчилик юқори табақа вакиллари форс тилини ўрганишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Икки тилда ижод қилган — зуллисонайн шоирлар ҳам ўзбек халқи тарихида анчадир.

Араб тилида эса юқори табақа, аристократ хонадонлар, шоирлар, олимлар, давлат арбоблари сўзлаша олган. Бу, бир томондан, араб босқинчиларининг сиқуви остида юз берган бўлса, иккинчи томондан, фан муваффақиятлари арабча, арабий китобий тил анъаналари остида ёзилган бўлсагина нашр қилинган.

Оддий авом халқ араб тилида сўзлаша олмаган. Улар қуръон сураларини ёдлашга мажбур бўлишса-да, уларнинг мазмунини тушунишмаган.

Рус тилининг ўзбек тилига таъсири, ўзаро алоқаси ва юзага келган ўзбек-рус икки тиллилиги мутлақо самимий ва қардошлик омилларига асосланган. У тазйиқ ва зўравонлик асосида эмас, балки уни иккинчи она тилимиз сифатида ўрганиш ва ундан сўз ўзлаштириш жараёнида юзага келди. Бу жараён доҳиймиз В. И. Лениннинг «Қимки миллатларнинг ва тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қандай миллий зулмга ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмаса, ундай киши марксист эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас»<sup>10</sup>,— деган кўрсатмаларига изчил амал қилингани ҳолда рўёбга чиқмоқда.

Ўзбек-рус икки тиллилиги ўзбек тилига жуда самарали таъсир кўрсатди. Рус тилини ҳавас билан ўрганиш, фан ва техникани эгаллашда унинг чексиз имкониятларидан фойдаланиш ўзбек халқининг жуда кўпчилигини рус тилини пухта ўрганиб олишга, тўла эгаллашга олиб келди. Бунда рус миллатига мансуб, рус тилини ўзининг она тилиси деб ҳисобловчи аҳолининг республикамизда маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшаши ва бирга меҳнат қилиши ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Булар ҳаммаси ўзбек-рус икки тиллилигининг истиқболли, келажакда яна кенгайиб ва активлашиб борувчи эканлигини тасдиқламоқда.

Ўзбек-рус икки тиллилигининг яна бир ўзига хос томони шуки, бу иккала тилнинг яқин алоқаси ва ба-

<sup>10</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 144-бет.

ракали ҳамкорлиги натижасида, ўзбек тилига жуда кўп миқдорда Ғарбий Европа тилларидан сўзлар кириб келишига олиб келди.

## Сўз ўзлашуви ва унинг ўрганилишининг қисқача тарихи

Қарийб уч юз йилдирки<sup>11</sup>, тилларнинг ўзаро таъсири қонуниятларини аниқлаш, чет сўзларнинг бошқа тилларга ўзлашиш сабаблари ва хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзлашган тиллардаги роли ва функцияларини белгилаш каби бир қатор масалалар дунё тилшунослари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Бинобарин, дунёдаги мавжуд ривожланган тилларнинг деярли ҳаммасида озми-кўпми ўзлашган сўзлар, иборалар учраши, ҳатто айрим тилларнинг аралашиб кетганлик хусусиятлари, аввало, тилшуносларнинг, қолаверса, тилга эътибори бўлган ҳар бир кишининг ҳам диққатини ўзига жалб қилади. Айниқса, чет сўзларнинг ўзлашаётган тилнинг адабий ва сўзлашув нутқига ўтиб, ҳаётий ва илмий-зарурий нарса ва ҳодисаларни номлаши, қабул қилувчи тил қонуниятларига тезда бўйсунishi, ўзлашган тил эгаларига ётлиги билинмай худди она тилиникидай бўлиб, мослашиб кетавериши каби объектив фактлар сўз ўзлашуви масаласини тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди.

Кейинги эллик йил ичида бу масалага жиддий ёндашилди. Сўз ўзлашувига бағишланган катта илмий ишлар, йирик тадқиқотлар юзага келди, этимологик ва чет сўзлар лугатлари чоп этилди<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Heller K. Das Fremdwort in der deutschen Sprache der Gegenwart. Leipzig, 1966, S. 7.

<sup>12</sup> Қаранг: Back E. Wesen und Wert der Lehnübersetzung. Diss., Gießen, 1966; Berndt R. Muttersprache und Fremdwort, Graz, 1928; Behaghel O. Geschichte der deutschen Sprache, 5 Auflage, Berlin—Leipzig, 1928; Beheim-Schwarzbach S. Fremdwörter—nur Feinde?, Muttersprache, 1951; Campe J. H. Wörterbuch zur Erklärung und Verdeutschung der unserer Sprache aufgedrungenen fremden Ausdrücke, Braunschweig, 1813; Debrunner A. Moderne Gallizismen und Anglizismen im Deutschen. in: Sprachspiegel, Zürich, 1959, Heft 1—4; Geissler E. Unsere Muttersprache und die Fremdwörter. Leipzig, 1916; Josten F. Eindeutschung der Fremdwörter., in: Muttersprache, 1952; Kirchbach W. Zur Fremdwortfrage. Dresden, 1889; Kluge F. Etymologisches Wörterbuch der deutschen Sprache, 18. Auflage, 1960; Pezely H. Undeutsches Deutsch, in: Der Sprachwart, Stuttgart 1959/6 Schulz-Basler. Deutsches Fremdwörterbuch, Straßburg und Berlin, 1913; Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache., hg. von R. Klappen-

Совет тилшунослиги ҳам бу масалаларни марксча-ленинча философик нуқтаи назардан туриб изчил ўрганиб келмоқда, чунончи, чет ва ўзлашган сўзлар сони ва ҳажми, характери ва тематикаси, структураси ва семантикасидаги ўзгаришлар, ассимиляция хусусияти ва стилистик функциялари каби бир қатор проблемалар совет тилшунослигида ҳам тадқиқот объекти бўлиб, сўз ўзлашуви сабабиятлари ва қонуниятлари кенг таҳлил қилинди.

Ғарбий Европа тилларининг рус тилига<sup>13</sup> шу тиллар ва уларнинг рус тили орқали СССР халқлари тиллари<sup>14</sup> ва бевосита ўзбек тилига<sup>15</sup> таъсири ҳақида улкан ишлар қилиниб, сезиларли муваффақиятларга эришил-

---

bach und W. Steinitz, Berlin, 1969—77; Wahrig G. Großes Deutsches Wörterbuch. Berlin—München—Wien, 1966.

<sup>13</sup> Гальди Л. Слова романского происхождения в русском языке. Из докладов венгерской делегации. М., 1958; Ушаков М. С. Латинизм в русском языке. Свердловск, 1977; Аристова В. М. Англо-русские языковые контакты и заимствования XIV—XX вв. Л., 1980; Гаврилова Т. П. История арабской по происхождению лексики в русском языке. (На материале памятников XII—XVIII вв.). М., 1981; Сулова И. П. Немецкое-русские параллели в области общественно-политической интернациональной лексики. АКД. М., 1980; Пылакина О. А. Слова французского происхождения в памятниках русской письменности. М., 1976; Эфендиева А. Дж. Заимствования из восточных языков в русском языке позднего средневековья (XIV—XVII вв.). Л., 1975.

<sup>14</sup> Булько А. Н. Лексические заимствования в белорусском языке XIV—XVIII вв. Минск., 1980; Ахунзянов Э. М. Русские лексические заимствования, вошедшие в словарный фонд и состав татарского языка. АДД. М., 1955; Хайруллин М. Б. Интернациональная терминология в татарском языке. Казань, 1975; Исмаилов И. А. Русско-интернациональная лексика в уйгурском языке. АКД. Л., 1951; Аракин В. Д. Русские заимствованные слова в якутском языке.—Сборник «Академику В. А. Гордлевскому». М., 1953; Назаров О. Функционирование русского языка в Туркмении.—В кн.: Русский язык в национальных республиках Советского Союза. М., 1980; Слепцов П. А. Русские лексические заимствования в якутском языке. М., 1975; Татаринцев В. И. Русские лексические заимствования в современном тувинском языке. Кизыл, 1974; Терегулова Р. Н. Русские заимствования в башкирском языке. Уфа, 1957.

<sup>15</sup> Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг. Ташкент, 1940; Хамдамов Ж. Из истории русского лексического заимствования в узбекском языке (вторая половина XIX века). АКД. Ташкент, 1963.; Тихонов А. Н. Роль русского языка в обогащении лексики узбекского языка. М., 1977.; Пулатов А. Роль русского языка в развитии и обогащении словарного состава узбекского языка. Ташкент, 1956.; Гулямова Н. Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. АКД. Ташкент, 1975.; Асфандияров И. У. Русские лекси-

ди. «Ўзбек совет тилшунослигида бу масалаларнинг ўрганилишига келсак, чет сўзларнинг фонетик, морфологик хусусиятлари кенгроқ ўрганилди. Лекин уларнинг мазмуни планида юз берадиган ўзгаришлар, яъни чет сўзларнинг семантик адаптация масаласи ҳали жиддий тадқиқотлар объекти бўлгани йўқ»<sup>16</sup>.

Қўшимча қилиб яна шуни айтиш керакки, тилларнинг ўзаро муносабати ва сўз ўзлашуви фақат оғзаки муомалада эмас, балки қардош ва чет эл адабиётининг (китоб ва газеталари) мутолаасида ва таржимачилик фаолиятида ҳам кенг миқёсда иштирок этишни тақозо этади. Бундан ташқари, ўзбек тили билан яқин алоқада бўлган тилларнинг ўзбек тили тараққиётига таъсири, ўша тиллардан «...ўзбек тилига қабул қилинган сўз ва формалар, маъно ва стилистик бўёқларнинг миқдориди эмас, балки ўзбек тилининг ўз имкониятларини ҳам активлаштирганида, ижодий кузатганида ҳам»<sup>17</sup> кўринмоқда.

Бу масалалар ўзбек тилшунослигида анчадан бери олимларимизнинг диққатини ўзига тортиб келди. Шарқшунос А. К. Боровковнинг «Ўзбек адабий тили 1905—1917 йилларда» номли йирик асарида олим сўз ўзлаштирилиши масалаларига ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб катта эътибор берди: «...бирон бир халқнинг ақлий камолатини аниқлаш учун унинг тилини ўрганишнинг ўзи етарлидир, агар тилда бирор фан соҳасига оид социал иборалар бўлса, бу фан айти шу тилда гапирадиган халқ томонидан яратилган деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Ва аксариси, агар бирор бир нарса номи мазкур халқнинг ўзиники бўлмай, бошқа халқ тилидан олинган бўлса, демак, ўша предметнинг ўзи ҳам шу халқда бўлмаган»<sup>18</sup>. М. Мирзаев, М. Пўлатов, Р. Дониёров, И. Расулов, Г. Муҳаммаджонова ва С. Ақобировлар ўзларининг юқорида номланган илмий ишларида рус тили ва ўзбек тилининг ўзаро алоқаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, рус тили орқали тилимизга бошқа тиллардан кириб келган тил

---

ческие заимствования в узбекском языке.—«Вопросы языкознания», 1982, № 2.

<sup>16</sup> Қўчқортоев И. Ўзбек тили лексик семасиологияси ва унинг актуал масалалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 6-сон, 28-бет.

<sup>17</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбекистонда тилшуносликни ривожлантиришнинг актуал проблемалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 5-сон, 4-бет.

<sup>18</sup> Боровков А. К. Кўрсатилган асар, 10-бет.

бирликларини ўрганишни алоҳида таъкидлашди. Бу борада дастлабки ишлардан бири У. Усмонов ва Р. Дониёровнинг «Русча-интернационал сўзларнинг луғати» ўзлашма сўзларнинг луғавий маъноларини талқин этишда катта воқеа бўлди. О. Усмонов ва Ш. Ҳамидовнинг «Ўзбек тили лексикаси тарихидан» (1981) номли асари чоп этилди. Бу йирик тадқиқот XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида ўзбек тили луғати таркибида юз берган ўзгаришларни, хусусан рус тилининг ўзбек тили тараққиётига кўрсатган таъсирини ёритиш масаласига бағишланди. И. Асфандиёров «Ривожланган социализм шароитида Ўзбекистонда рус тили» (1982) номли монографиясида рус ва ўзбек тиллари ўртасидаги икки томонлама таъсирнинг ривожланиши каби масалаларни бой материаллар асосида ёритиб берди.

Қайд қилинган ишларда асосан рус тилининг ўзбек тилига таъсири ва ҳамкорлиги масалалари ўрганилган. Ўзбек тилига рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан кириб келган сўзлар атрофлича ўрганилмаган. Ўзбек тилшунослиги учун «бу масалалар актуал бўлиб, уларга илмий жамоатчиликнинг диққат эътиборини жалб қилиш керак. Улар илмий-назарий нуқтаи назардан ҳал этилиб, ўзбек тилига четдан кирган сўзларнинг ўзлаштирилишини тартибга тушириш лозим»<sup>19</sup>. Бу эса, аввало, сўз ўзлашуви сабабларини ўрганишни тақозо қилади.

**Сўз ўзлашувининг сабаблари.** Дунё тиллари орасида биронта ҳам тил йўқки, унда озми, кўпми ўзлашган сўз учрамасин ёки «маълум даражада аралашган бўлмасин»<sup>20</sup>. Дунё тилларининг умумий сони ҳам оз эмас. Ҳозирги даврда 2500—3000 тил борлиги қайд этилади. Бу тилларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, тақдири, жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи бор. Бундан ташқари, улар ўзаро муносабат, ҳамкорлик, бир-биридан сўз қабул қилиш ва ўзлаштириш каби характерловчи белги ҳамда хусусиятларга эга. Бу масалалар, айниқса, қайси сабабларга кўра бир тил луғат таркибидаги сўз иккинчи бир тилга ўтади, қандай қилиб у қабул қилувчи тил луғат таркибига ўзлашиб, сингишиб кетади? каби саволлар тилшуносларни қизиқтириб келди ва уларга бир қатор илмий-умумназарий ва амалий иш-

<sup>19</sup> Шоабдураҳмонов Ш. Кўрсатилган асар, 4-бет.

<sup>20</sup> Seiler A. Entwicklung der deutschen Kultur im Spiegel des deutschen Lehnwortes. 4. Teil, Halle/Saale, 1925, S. 7.

ларда етарлича жавоб берилди<sup>21</sup>. Шу ишларга асосланган ҳолда сўз ўзлашувининг асосий сабабларини номлаб ўтамиз.

Узоқ ўтмишга назар ташланса, чет сўзлар асосан ўзга тилларга оғзаки муомала йўли билан (чунки ёзув бўлмаган) ўтганлигини кўрамиз. Оғзаки муомала эса яқин қўшничиликда, халқларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиб ўтишида (миграция), савдо ва олди-сотди ишларида ёки жуда бўлмаса бир-бирлари билан урушлар олиб борганларида юз берган. Булар сўз ўзлашувининг сабаблари хусусиятининг бир томонини характерласа, улар, иккинчи томондан, халқлар руҳига ҳам боғлиқ бўлган. Чунки «одамнинг қўли ва кўзига қараганда, унинг қулоғи ва тили тез ҳамда активроқдир»<sup>22</sup>.

Ҳозирги кунги ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, цивилизация ва илмий-техник революциянинг дунёнинг ҳамма бурчларига шахдам қадамлар ташлаб кириб бориши, халқ ва тилларнинг бир-биридан ажралиб, алоқасиз яшашига бўлган имкониятларини бутунлай йўққа чиқарди. Ундан ташқари, ер юзида бирорта ҳам халқ йўқки, ўз тараққиёти давомида ташқи дунё халқлари муваффақиятларига эътиборсиз қарасин ва улардан ўрганмаган бўлсин. Табиийки, булар ҳаммаси, аввало, ўз аксини тилда ва тил орқали намоён қилади. Тилшуносларнинг ҳисобларига кўра (ҳозирги кунда ўлик тил ҳисобланган) латин тилида 7000 дан ортиқ, немис тилида бир неча ўн минглаб, инглиз тилининг ярмидан кўпи, рус тилида 10 процентдан ошиқ<sup>23</sup> ўзлашган сўзлар мавжуд экан. Ўзбек тили бўйича Ф. Абдуллаев қуйидаги фактларни келтиради: «Ўзбек адабий тили лексикаси юзасидан турли авторлар томонидан турли даврлар бўйича олиб борилган статистик ҳисоб натижалари (1920—1970 йиллар оралиғи) рус-интернационал лексикасининг тадрижий суратда ўсишини ва, айниқса, араб тилидан олинган сўзлар миқдорининг аста-секин миқдорий камайишини кўрсатди. Бизнинг ҳисобимиз бўйича, вақтли матбуот тили («Қизил Ўзбекистон», 1944 йил, январь) лексикасида ўзбек сўзлари газетада бор сўзларнинг 50 процентидан кўпроғини, араб сўзлари 22 процентдан кўпроқ, тожик сўзлари 10 процент, совет-интернационал

<sup>21</sup> Микитич Л. Д. Иноязычная лексика. Л., 1967; Қрыс и н Л. П. О причинах лексического заимствования.—«Русский язык в школе», 1965, № 3.

<sup>22</sup> Зейлер А. Кўрсатилган асар, 6-бет.

<sup>23</sup> Микитич Л. Д. Кўрсатилган асар, 8-бет.



лексикаси умумий лексик составнинг 14 процентини ташкил қилган. 1920 йилларда эса араб сўзлари 30—32 процентни ташкил этган, совет-интернационал сўзлари эса атиги 2 процентдан кўпроғини ташкил этган. «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1972 йил 15 март сонида ўзбек сўзлари 50,2 процент, тожик сўзлари 10,1 процент, арабча сўзлар 23,9 процент, интернационал сўзлар умумлексик қатламнинг 15,8 процентини ташкил этган»<sup>24</sup>.

Агар сўз ўзлашувининг конкрет сабабларига тўхталинадиган бўлинса, биринчи навбатда, шуни айтмоқ керакки, бир тил иккинчи бир тилдан бирорта сўз ўзлаштириши учун шу ўзлашаётган сўз қабул қилувчи тилда бўлмаганлиги, у ўша тилда зарур ва ҳаётий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган нарсани англатиб ва ифодаб келганлиги асосий омилдир. Бу ҳолатлар учун, одатда, ўзга тилдан қабул қилинаётган нарсани, предмет, ҳодиса ва тушунчалар билан уларнинг номларининг ўзлашуви характерли ҳисобланади. Бундай пайтларда қабул қилувчи тил жуда тежамкор бўлишга интилади, бинобарин, кириб келаётган янгиликларни, иложи борича, бир сўз тарзида ўзлаштиради. Унга маҳаллий тилда изоҳ берилиб ўтирилмай, ўша янги нарсани, ҳодисани ёки янги тушунча ўз ҳолича қабул қилинади. Масалан, *бифштекс, дизель, жерси, свитер, трамвай, футбол, контейнер, компьютер* ва бошқалар.

Географик терминлар, ижтимоий-сиёсий соҳа сўзлари, тил эгаларининг миллий, бошқаларда йўқ ва хос бўлмаган нарсани ҳамда ҳодисаларни англатувчи сўзлари ҳам сўз ўзлашувининг конкрет сабабларидан ҳисобланади. Чунки биз шу тил эгалари билан муносабатда бўлар эканмиз, мазкур сўзларни четлаб ўта олмаймиз, уларсиз фикримиз ифодаланмайди. Масалан, *лейбористлар, тред-юнионлар, нъю-фоундленд ороллари, бундестаг, бизнес, колледж, фирма* ва бошқалар.

Сўз ўзлаштирилаётган тилда ўзлашаётган сўзнинг синоними (эквиваленти) бўлиши ва унинг параллел қўлланилиш ҳолати ҳам объектив жараён дур. Масалан, *бухгалтер* — ҳисобчи, *лайнер* — самолёт, *снайпер* — мерган, *гандбол* — қўл тўпи ва бошқалар. Аммо бу ўзлашмалар бир хил денотатни англатади, деган гап эмас. Улар ўзларининг жузъий маъно бўёқлари, қўлланилиш

---

<sup>24</sup> Абдуллаев Ф. А. Рус тилининг ўзбек адабий тилига кўрсатган таъсир доираси ҳақида.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1980, 3-сон, 5-бет.

ўрни ва мақсадлари билан бир-биридан фарқ қилишадди. Асосан шу фарқларга кўра улар ўзлашадилар ҳам<sup>25</sup>.

Айрим ўзлашмаларнинг маъноси ўзлашаётган тилда яна бир сифатловчи (эпитет) талаб қилади. Шу ортиқчалик кўпинча ўзлашманинг ўзи қўлланилишига олиб келади. Масалан, *митинг* — катта йиғин, *бройлер* — гўштдор жўжа ва бошқалар.

Кўпчилик ўзлашмаларнинг туб маъносини бериш учун иборалар ёки бутун бошли гап тузмоқ керак. Бундай ҳолларда ўзлашманинг ўзини қўллаш афзалроқдир, масалан, *бутерброд* — устига сариеғ суртилган ёки пишлоқ, колбаса бўлаги қўйилган бир бўлак нон; *гол* — рақиб команда дарвозасига тўпнинг уриб киритилиши.

Бундан ташқари, ўзлашаётган сўзлар маъноларининг қабул қилувчи тилдаги семантик ўзгаришлари, яъни уларнинг маъноларидаги конкретлашув ёки умумийлашув, маънодаги торайиш ёки кенгайиш, салбий ёки ижобий маъно (оттенка) олиш, полисемик сўзнинг моносемик ёки аксинча, моносемик сўзнинг полисемик бўлиб ўтиши, нутқ ранг-баранглигини ошириш учун қўлланилиш каби бир қатор томонлари борки, булар ҳам сўз ўзлашувининг объектив сабаблари ҳисобланади<sup>26</sup>.

Юқорида қайд қилинган сўз ўзлашуви сабаблари қаторига ҳозирги кунда яна бир манба қўшилди. Бу дунёнинг ҳамма мамлакатларида жуда кўплаб ахборот бюроларининг ташкил қилиниши ва бу бюроларнинг жуда кўпчилик тиллар билан иш кўришидир. Улар дунёнинг турли бурчакларидан турли тилларда келган хабарларни ўз она тилида қайта ишлаши ва уни ўз халқига муфассал равишда тез ва аниқ етказиб беришлари керак бўлади. Фикримизни СССР мисолида олиб, унга мисол келтирадиган бўлсак, ТАССнинг бир суткада 1,5 миллион сўздан ошиқ бўлган ҳажмдаги хабарларни ҳар хил тилларда қабул қилишини ва уни рус ва қардош тилларда қайта ифодалаши кераклигини эслатишнинг ўзи kifоядир. Москвадаги иккиталина босмахона рус тилидан 30 та дунё тилларига, 43 та тилдан эса рус тилига қилинган таржималарни чоп қилади. Бунинг устига яна радио, телевизор ва бошқа оммавий информация воситалари қўшиб тасаввур қилинадиган бўлинса, тилларнинг ўзаро алоқаси ва ҳам-

<sup>25</sup> Конкрет мисоллар «Ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар» бобида берилган.

<sup>26</sup> Бу ҳолатлар учун ҳам мисоллар ишимизнинг юқорида номланган бобида бафуржа келтирилади.

корлигини мисли кўрилмаган даражада ошиб бораётганига ортиқча исбот керак бўлмай қолади. Бу оммавий ахборот воситалари ҳам сўз ўзлашувини уч хил йўсинда: 1) ўзгаришсиз, яъни ўзича; 2) калькалаб, яъни сўзма-сўз таржима қилиб; 3) ярим калькалаб, яъни аралаштириб олиш асосида халққа етказиб беради.

Янги кириб келган сўзларнинг тақдири, яъни у тўла ўзлашадими ёки бир марта айтилиб, қўлланилиб кетаверадими, мазкур сўзнинг мавқеига, сўз қабул қилган халқнинг ҳаётий ва кундалик эҳтиёжларини ифодалаш кучига ва, қолаверса, ўзлаштирувчи тилнинг ички имкониятларига боғлиқ бўлади. Буларнинг таҳлили, аввало, сўз ўзлаштириш ва ўзлашмалар масаласига тўхталиб ўтишни тақозо қилади.

**Сўз ўзлаштириш ва ўзлашмалар.** «Ўзбек тили лексикологияси» китобида совет тилшуносларидан Л. П. Крисин, Н. М. Шанский, А. В. Калинин, М. И. Фомина, В. В. Акуленко, Н. Шароповларнинг ишларига мурожаат қилингани ҳолда сўз ўзлаштириш таърифига қуйидагича фикр билдирилади: «Ўзлаштириш — бир тилдан иккинчи тилга маълум тил элементларининг кўчиши, киришидир»<sup>27</sup>. М. Д. Степанова ва И. И. Чернишевлар сўз ўзлаштириш деб, чет сўзларнинг тилларга кириб келиши (жараёни), уларнинг ўзлашиш натижаси ва уларнинг умумий мажмуини тушунадилар<sup>28</sup>.

Маълумки, чет тилидан кириб келган ҳар бир янги сўз табиий равишда ўша тилнинг фонетик, орфографик, грамматик элагидан ўтади. Бунда сўз ўқилиши, ёзилиши ва тузилиши бўйича ўзлашаётган тилнинг муайян қонуниятлари таъсири остида айрим ўзгаришларни бошидан кечиради, яъни чет сўзлар қабул қилувчи тил измига маълум даражада бўйсунди. Улар бошқача ўқилиши, бошқача ёзилиши, айрим ҳарф ва товушларнинг тушириб қолдириш ёки ортиқча қўшиб айтилиши, ҳатто шакли ва қиёфасини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Ўзбек тилшунослигида бу хусусиятлар 7 хилга бўлиб ўрганилади:

1. Ўзлашма сўз уни қабул қилган тилнинг практик ёзув хусусиятларига мослашган бўлиши.
2. Чет сўз ўзлаштирувчи тил грамматик класслари, категорияларига мос келиши.

<sup>27</sup> Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 83—84-бетлар.

<sup>28</sup> Stepanova M. D., Chernysheva I. I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Moskau, 1975, S. 47.

3. Сўз уни қабул қилган тилда қайта фонетик шаклланиши.

4. Чет сўз уни қабул қилувчи тилга грамматик сингиши.

5. Чет сўз уни қабул қилувчи тил сўз яшаш системасида актив иштирок этиши.

6. Чет сўз уни қабул қилган тилга семантик жиҳатдан сингиши:

а) ўзлашма сўз маъноси аниқ бўлиши;

б) ўзлашма сўз маъноси уни қабул қилган тилда дифференциация қилинган бўлиши.

7. Чет сўз уни қабул қилган тилда узлуксиз ишлатилиши керак<sup>29</sup>. Бу юқорида номланган хусусиятлар борасида тилшунослар яқдил, яъни чет сўз ўзлашаётган тилга қабул қилиниб унда мустаҳкам ўрнашиб, сингишиб кетиши учун қўйиладиган талаблар бўйича улар деярли бир хил фикр билдирадилар. Аммо чет сўзларнинг улар ўзлашган тилларда помланиши, дифференциация қилиниши, терминологик бирликларнинг қўлланилиши назарда тутилиб, бу объектив ва зарурий фактор ўрганиладиган бўлинса, шу пайтгача қилинган ишларда чет сўзлар (ўзлашмалар) турлича терминлар, дифференциациялар остида таҳлил қилинганини кўрамыз.

**Чет сўзми ёки ўзлашма?** Бир тилдан иккинчисига кириб келиб, чет сўзнинг қай даражада қабул қилувчи тилга ўзлашиб кетганлигини аниқлаш, айтиқса уларни чет сўз ва ўзлашмаларга ажратишнинг қийин эканлиги илмий адабиётларда қайта-қайта таъкидланиб келинмоқда<sup>30</sup>. Бу масала билан биринчилар қатори шуғулланган немис тилшунослари ўзлашган сўзларни «аниқ қилиб чет сўз ёки ўзлашма эканлигини фарқлаб бериш баъзи бир сабабларга кўра қийин эканлиги»<sup>31</sup>, «чет сўзлар масаласи чўғ темир эканлиги, кимки унга қўл урмоқчи бўлса осонгина бармоқларини куйдириб олиши»<sup>32</sup> мумкинлигини уқдиришган эди. Таъкидланган қийинчиликларга, «огоҳлантиришларга» қарамай, тилшуносликда ўзлашган сўзлар классификацияси бўйича

<sup>29</sup> Қаранг: Узбек тили лексикологияси, 85-бет.

<sup>30</sup> Асосий адабиётлар рўйхати М. М. Маковский мақоласида берилган. Қаранг: К проблеме так называемой «интернациональной лексики».—«Вопросы языкознания», 1960, № 1.

<sup>31</sup> Schmidt W. Deutsche Sprachkunde, Berlin, 1968, S. 79.

<sup>32</sup> Scharnhorst J. Das Fremdwort—ein heißes Eisen in des Sprachpflege. In: Sprachpflege, 1967/4, S. 80.

катта ишлар қилинди, илмий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзлашган сўзлар олимлар томонидан, аввало, икки кўринишда, яъни **чет сўз** ва **ўзлашмаларга** бўлиниб, таҳлил қилинди. Агар ўзлашган сўз ўзи қабул қилинган тилга сингишиб, фонетик, орфографик, грамматик жиҳатдан мослашиб кетса, уни ўзлашма, бегоналигича қолаверса, уни чет сўз деб номлашнинг ўзи кифоя бўлган бу жараён олимлар томонидан турлича изоҳланилди.

Немис олими Е. Вассерциер 15 асргача ўзлашган сўзларни «ўзлашма», 16 асрдан кейин кириб келган сўзларни «чет сўзлар» деб олмоқ керак<sup>33</sup>,— дейди. Рус тилшуноси А. П. Майоров ҳам бу фикрни қувватлайди. У чет сўзларнинг немис тилидаги лексик-семантик ассимиляцияси масалаларини ўрганаётиб: «Чет сўзлар остида немис тилига тахминан 15 асрдан кейинги кириб келган ва ўзларининг чет тилларидан кириб келганлигини (ўқилиши, ёзилиши ва урғуси билан) билдириб турувчи сўзлар тушунилади»<sup>34</sup>,— дейди. Таърифлардан кўриниб турибдики, Е. Вассерциер ва А. П. Майоровлар чет сўзларни дифференциация қилишда мезон қилиб вақтни олишган ва бир асрни (15 аср) белгилашган. Фикримизча, бу критерия ишонтирарли эмас, бунинг устига кўп чалкашликлар билан боғлиқ. Биринчидан, бу масалада келишиб, яъни бир асрдан у ёғи ўзлашма ва бу ёғи чет сўз бўлсин деб классификация қилиб бўлмайди. Зеро, бу тилларнинг ривожланиш ва ўзаро таъсири қонуниятларини чуқурроқ ўрганишдан қочиш, демакдир. Тўғри, бирор тилга қарашли бўлган сўзнинг иккинчи бир тилга ўтиб, унга мослашиб кетиши учун вақт керак. Аммо бирор асрни чегара қилиб белгилаш, тил луғат таркибидаги ўзгаришларни, сўз ўзлаштиришнинг ўзига яраша хусусиятларини даражабадаража, тадрижий ўрганишдан кўз юмиш ёки четлаб ўтишни англатади.

Бу фикримизни айрим мисоллар асосида далиллашга ҳаракат қиламиз. Юқоридаги фикрни олимлар немис тилига асосланиб айтишгани учун, биз ҳам ўша тилга мурожаат қиламиз. Немис тилининг ўзида 15 асрдан кейин кириб келган бир қатор сўзлар борки, улар ҳо-

<sup>33</sup> Wasserzieher E. Woher? Ableitendes Wörterbuch der deutschen Sprache. Bonn, 1960, S. 26—30.

<sup>34</sup> Majorow A. P. Zur lexikalisch—semantischen Assimilation der Fremdwörter im modernen Deutsch. In: Deutsch als Fremdsprache, 1971/2, S. 117—118.

зир бу тилда ўзлашган, ҳатто немисчалашган ҳисобланади. Немис тили луғатлари ва қўлланмаларида уларга характеристика берилганда, мазкур сўзларнинг чет тилларга оид эканлиги ҳақида изоҳ йўқ. Улар немис сўзлари қатори тавсифланган. Аслида эса улар ўзлашиб олган чет сўзлардир. Мисоллар келтирамиз: *бомба* немис тилига 17 аср бошларида француз тилидан кириб келган; *бункер* — 19 асрда инглиз тилидан немис тилига «кемаларда кўмир солиб қўйиладиган, кўмир сақланадиган жой» маъноси билан кириб келган; *газ* — Брюсселлик олим, химик фон Хельмонт (1577—1644) томонидан грекча «хаос» сўзидан олиниб, фанга ва ҳаётга киритилди; *локомотив* — «қўзғолиб юриб кетувчи машина» маъноси билан инглиз тилидан немис тилига қабул қилинган, 1838 йилдан кейин немис матбуотида учрай бошлайди; *луна* — немис тилига тахминан 1800 йилларда кириб келган, «катта қилиб кўрсатувчи шиша» маъноси билан ўзлашган; *марш* — француз тилидан немис тилга ўттиз йиллик уруш (1618—1648) даврида кириб келган<sup>35</sup>.

Сўзлар этимологиясига катта эътибор берилиб тузилган олти томлик «Ҳозирги замон немис тили луғати» да ҳам юқоридаги келтирилган сўзлар немис тилининг ўз тил бирликлари сифатида изоҳланган.

Чет сўзларнинг ўзлашуви борасида 19 аср охирида немис олими Ф. Миклозих томонидан иккинчи бир фикр ўртага ташланган. У ёзади: «Тил тарихида икки давр (период) фарқланмоғи керак. Биринчи даврда (қадим замонда) бошқа тил эгалари билан муносабат кам, сўз ўзлаштириш оз, тил эса ўзининг ички қонуниятларига зид бўлган ҳар бир жараёнга нисбатан ўта сезгир бўлган, қабул қилинган четки материални ўз қатламига мослаштирган. Иккинчи даврда эса, чет сўзлар кўплаб, ялпи равишда кириб кела бошлаган, тил бегона таъсирга ўз сезгирлигини йўқотган, натижада қабул қилинган янги материал ўз бегона шаклини сақлаб қола бошлаган»<sup>36</sup>. Ф. Миклозих фикрида илмийлик бор. Чунки сўз ўзлашуви ўзлашган сўзлар сони ва ҳажмига албатта ва бевосита боғлиқ бўлади. Лекин дунё тиллари ривожланишининг характерли хусусиятларидан бири борки, у ҳам бўлса тилларнинг ташқи таъсирга нисбатан, айниқса, ундан қабул қилинадиган

<sup>35</sup> Shumanijasow A. Umgangssprachliche Wörter und Wendungen in der Presse der DDR. Diss. A. Leipzig, 1979, S. 97

<sup>36</sup> Miklosich F. Über Fremdwörter. Archiv für slavische Philologie. 1888/11, S. 108.

сўзларни, иложи борича, сайлаб олишга интилади. Тил халқнинг ҳаётий зарур, моддий ва маънавий эҳтиёжларини ифодаловчи сўзларни тез қабул қилади, ўзлаштиради ва ўзига мослаштиради.

Чет сўз ва ўзлашмаларни аниқ дифференциация қилишга ҳаракат қилган олимлардан яна бири В. Шмидтдир. У қизиқ, аммо қисқа ва аниқ фикр айтган: «Ўзлашган сўзлар деб, тилга мослашиб олган, келиб чиқишини фақат этимологик таҳлил орқалигина билса бўладиган сўзларга айтилади. Улар тилга ташқи кўриниши, урғуси ва флексияси бўйича мослашиб олган бўладилар. Ўзларининг бегона хусусиятини сақлаб қолган сўзлар эса чет сўзлар деб юритилади»<sup>37</sup>. Бу фикр яқин-яқинларгача тилшуносликда умумий ва кенг тарқалган фикр эди. Кейинги йилларда чет сўзлар ҳар томонлама (фонетик, морфологик, семантик жиҳатлардан) ўрганила бошланди ва яна айрим қўшимча мулоҳазалар айтилди.

Ўзлашмаларни фонетик жиҳатдан ўрганган чех олими Б. Трнка чет сўзларни 5 та фонологик кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш кераклигини уқдиради. Б. Трнка изланишни инглиз тили асосида қилиб, қуйидаги ҳолатларга тилшунослар эътиборини тортади:

- 1) инглиз тилига хос бўлмаган фонемалар борлиги ёки туб сўздаги фонема вариантлари ҳисобланган товушларнинг фонема сифатида қўлланилиши;
- 2) урғусиз бўғинларда унлиларнинг тўла шакли сақланиши;
- 3) инглиз тилига хос бўлмаган фонемалар бирикуви ва сўздаги фонемалар сони;
- 4) фонологик зидликлардан морфологик фойдаланиш, масалан, урғунинг алмашуви ёки ўрни, товушларнинг алмашуви;
- 5) маълум дифтонгларнинг қўлланилиши<sup>38</sup>.

1950 йили Э. Хауген ўзлашган сўзларнинг морфологик тузилишини ўрганиш ғоясини илгари суради. У чет сўзларни уч гурпуага ажратиб анализ қилишни тавсия этади:

1. Морфологик ўзгаришларсиз, ўзларининг манба тилдаги прототипига айнан ўхшаш сўзлар.

<sup>37</sup> Қаранг: Шмидт В. Кўрсатилган асар, 78—79-бетлар.

<sup>38</sup> Трнка В. A phonological analysis of present-day standard English. Praha, 1935. S. 49, Хауген Е. The analysis of linguistic borrowing, «Language», vol. 26, N. 2, S. 210 ff.

2. Морфологик жиҳатдан қисман ўзгарган (ёки гибридар), манба тилдаги шаклига қисман ўхшаш сўзлар.

3. Морфологик жиҳатдан тўла ўзгарган сўзлар (ёки калькалар) ва семантик ўзлашмалар.

К. Хеллер эса ўзлашган сўзлар классификациясида В. Шмидт фикрига қўшилади ва унга қўшимча қилиб «сўзнинг ёзилиши, айтилиши, уни ўзлаштирган тил эгаларига танишлиги, ўзлашган тилда янги сўзлар ясай олиш қобилияти ва янги олган суффиксларига қараб ўзлашган сўзлар фарқламоғи керак»<sup>39</sup>,— дейди. Немис олимнинг бу фикрини совет олимларидан О. Б. Шахрай қувватлайди ва унга яқин иккинчи бир фикрни айтади: «...сўз ўзлашувининг чет сўзлар («иностранные») ва ўзлаштирмалар («заимствованные») группаларига бўлиб ўрганиш ёки уларни ўзлашган («освоенные») ва ўзлашмаган («неосвоенные») деб номлаш масала моҳиятини аниқ оча олмайди. ...чет тиллардан қабул қилинган сўзларни қай даражада шаклан ёки функционал, қай даражада морфологик, фонетик ва орфографик мослашганини аниқлаш ва морфонологик ҳамда акцентологик, ҳарф-товуш мутаносиблиги ҳамда сўз ясаш ва семантик хусусиятларини фарқламоқ керак»<sup>40</sup>. И. Крейн инглиз тилидаги французча сўзларни ўргана туриб, ишида янги «ассимиляциялашган» ва «ассимиляциялашмаган» терминларини қўллайди. У инглиз тилидаги французча сўзларни луғат<sup>41</sup> асосида статистик ҳажмини аниқлаб, уларнинг фонема, графема-фонема ва морфологик ўзлашнинг хусусиятларини солиштириб ва таққослаб чиқади. У ҳам ўзлашган сўзларни учга бўлган: 1) тўла ассимиляциялашган; 2) ярим ассимиляциялашган; 3) ассимиляциялашмаган сўзлар<sup>42</sup>. И. Крейн бу борада конкрет ва статистик натижаларни айтса-да, иши луғатга асосан бўлгани учун французча сўзларнинг инглиз тилида, айниқса, сўзлашув нутқида қай даражада учраши, уларнинг луғат билан бўлган семантик-синтактик мулоқоти тўғрисида кам тўхталган.

Энди чет сўзларнинг ўзбек тилшунослигидаги классификация масаласига келсак, улар икки катта группага бўлиб ўрганилиб келинмоқда: 1. Ўзлашма сўз-

<sup>39</sup> Хеллер К. Кўрсатилган асар, 14-бет.

<sup>40</sup> Шахрай О. Б. К проблеме классификации заимствованной лексики.—«Вопросы языкознания», 1961, № 2, с. 55.

<sup>41</sup> Смит У. Большой этимологический словарь.

<sup>42</sup> Қаранг: Крейн И. Французские заимствования XIX века в английском литературном языке. М., 1963.



лар ва ўзлашмалар; 2. Қўлланма сўзлар ва қўлланмалар<sup>43</sup>. Қўлланма сўзлар коммуникатив ва стилистик функциясига кўра, ўз навбатида, яна икки типга бўлиб ўрганилади: 1) экзотик лексика ёки экзотизмлар; 2) киритма сўз ва иборалар, яъни чет тил киритмалари (иностранные вкрапления)<sup>44</sup>. Иккинчи бир хил классификация ва таърифни М. Мукаррамов билдиради: «Оғзаки ва ёзма нутқлар орқали ўтиб, янги тушунчаларни ифодалайдиган ва луғатларда қайд этиладиган тил бирикмалари ўзлашган... бунинг акси ёзма ва оғзаки нутқ формалари орқали бир тилдан иккинчи бир тилга ўтмаган, яъни маъно ва тушунчаларни ифодаламайдиган, луғатларда қайд этилмайдиган ўзга тил бирикмалари ўзлашмаган сўзлар саналади»<sup>45</sup>. Чет сўзлар классификацияси, уларни чет сўз ва ўзлашмаларга бўлиб ўрганиш борасида айтилган фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, тилшунослар тилнинг бу объектив ва зарурий қонуниятини турли даврда ва турли нуқтаи назардан туриб таҳлил қилганлар, ишларида турлича атама ва терминлар қўллаганлар. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар бир тилнинг чет сўзларга муносабати, уларни қабул қилиши ва ўзига мослаб олиши турлича ўзига хос кечади (қолаверса, ҳар бир тилшунос олим ҳам бу ҳодисани ўзича ва ўз тилига асосан шарҳлайди).

Масаланинг ўзбек тилшунослигида ўрганилишига келсак, бу борада айрим фикр-мулоҳазалар билдиришга тўғри келади. Аввало, бу ҳодисанинг помланиши (терминологияси)нинг «исми жисмига монандлиги» ҳақида. Тилимиздаги ўзга қатлам элементларини **чет сўзлар** деб помланиши тўғри, чунки бу сўзлар бегона, ёт, хорижий тиллардан бўлиб, бизга сиртдан, четдан келганлар. Аммо уларнинг кейинги классификацияси, яъни **ўзлашган сўзлар ва ўзлашмалар, қўлланган сўзлар ва қўлланмалар** деб аталиши ва мазкур группаларга бўлиниб ўрганилиши эътирозлидир. Маълумки, «ўзлашма» сўзи *ўзлашмоқ* ва *ўзлаштирмоқ* феълининг ўзаги ва *-ма* юкламасидан ясалган бўлиб, *ўзлашмоқ* сўзи қуйидаги маъноларга эга: 1. Ўз кишиси (нарсаси) бўлиб қолмоқ, жуда иноқлашмоқ. 2. Онгига етиб бормоқ, тушунарли бўлмоқ; сингмоқ.

<sup>43</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 84-бет. Шу жойда мазкур терминлар таърифлари ҳам берилган.

<sup>44</sup> Уша асар, 88—94-бетлар.

<sup>45</sup> Мукаррамов М. Бадний стилда «ўзлашмаган» сўзларнинг қўлланилиши.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1979, 4-сон, 33-бет.

*Ўзлаштирмоқ* сўзи эса қуйидаги маъноларда қўлланилади. 1. Ўзлашмоқ. 2. Фойдаланса бўладиган қилмоқ, ишига яроқли ҳолатга келтирмоқ. 3. Бошқага қарашли нарсани ўзиники қилиб олмоқ, эгалламоқ.

«Ўзлашма» термини маъносини *ўзлашмоқ* ва *ўзлаштирмоқ* феълларининг англатадиган маънолари билан таққослайдиган бўлсак, у асосан биринчи ва учинчи пунктларга ва қисман (кўчирма маънода) қолган бошқа пунктдагиларга ҳам тўғри келади. Лекин ҳар қандай чет сўз ўзи ўзлашаётган тилда қанчалик даражада «яроқли ва фойдаланса бўладиган қилинмасин», қанчалик даражада «тил эгалари онгига етиб бориб, улар учун тушунарли бўлмасин», қанчалик даражада «иноқлашиб, сингишиб, ўзиники бўлиб олмасин», қанчалик даражада «шаклан ва мазмунан ўзгармасин», у этимологик жиҳатдан бари бир чет сўздир.

Табийки, чет сўз қабул қилувчи тил таъсири остида ўзининг айтилиши, ёзилиши, сўз ясаш хусусиятлари ва маъно оттенкаларини, озми-кўпми, ўзгартиради. Шу ўзгаришлар, чет сўзни қабул қилаётган тилнинг бевожита таъсири остида содир бўлганлиги сабабли, уни ўзлаштираётган тилга дахлдор ва уиники (унинг ўзиники) ҳисобланади. Демак, чет сўз бизникига айланмайди, балки унинг ўзгарган имлоси, ўзгарган талаффузи, янги сўз ясаш имконияти ва янги касб этган маъносигина ўзлашган бўлади. Ваҳолонки, чет сўзнинг бу янги хусусиятлари уни ўзлаштираётган тилнинг (ўзининг) маҳсулидир. Шунинг учун тилда **ўзлашма** терминининг қўлланилиши, чет сўзнинг у кириб келган тил таъсири остида юзага келган янги сифат ва белгиларига, янги маъно ва мазмунларига алоқадор бўлиши керак. Наинки, чет сўзнинг ўзига нисбатан, айниқса, у қабул қилиниш жараёнида бирон-бир ўзгаришга учрамаган бўлса ёки учрамаса, энди уни **ўзлашди**, бизникига айланди, деб бўлмайди. У фақат ўзи кириб келган тилдаги **аввалдан қўлланилиб келётган чет сўзлар қатламидан** ўрин олган бўлади, холос. Зеро, у айнан ўзлаштирилмайди, балки қабул қилинади ёки кириб келади.

Демак, «ўзлаштириш ҳодисаси, асосан сўз ўзлаштиришдан иборат»<sup>46</sup> эмас, балки чет сўзларнинг имло ва талаффузи, сўз ясаш хусусиятлари ва маъноларини ўзлаштиришдир. Энди қўлланма сўз (экзотизм ва киритмалар) ҳақида. Бу терминларга берилган таъриф, яъни уларнинг ўзи қўлланилаётган тилники эмаслиги, фақат

<sup>46</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 84-бет.

бу тил текстларида ишлатилаётганлиги»<sup>47</sup>нинг ўзи қўлланма сўзлар иборасини инкор қилиб, уларни чет сўзлар дейишни тақозо қилади. Қолаверса, чет сўзларнинг экзотиклиги, яъни уларнинг узоқ мамлакатларга хос бўлиб, бошқаларга ғалати туюлиши, қизиқ урф-одатларни англатиши ёки экзотик эмаслигининг сўз ўзлаштириш масалалари билан бевосита алоқаси кам.

Чет сўзларнинг қўлланилиш сабабларини асосан мазкур сўзлар ифодалаб келаётган коммуникатив ва функционал вазифалардан изламоқ керак (Масалан, нотик ёки ёзувчининг мақсади, хабар ёки ҳикоянинг мазмуни, индивидуал стил ва бошқалар).

Фикримизча, чет сўзлар классификация қилинганда, уларнинг қабул қилувчи тилга қай даражада сингишиб (ассимиляциялашиб) кетганлиги, яъни уларнинг айтилиши, ёзилиши, янги қўшимчалар олиши ва сўз ясай билиши, маъно ўзгаришлари (кўчма маънолар касб этиши) каби хусусиятларини қай даражада ўзгариб, ўзлашиб кетганлигини фарқлаб ўрганмоқ керак. Булар учун асосий мезон — чет сўзларнинг ўзлашган тилларидаги ўрни, тил эгалари учун ҳаётий муҳим нарса ва ҳодисаларни ифодалай олиш кучи, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қоплай олиш даражаси бўлмоғи лозим.

Шундагина чет сўзлар кўп қўлланилади, тилнинг структурал-семантик қоидаларига тез мослашади, қўшилиб, сингишиб кетади ва яна равнақ топади.

**Интернационал сўзлар.** Маълумки, илмий-техник революция жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва улар ўртасидаги муносабатларга, улардаги миқдор ва сифат ўзгаришларига таъсир қилибгина қолмасдан, балки у ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳам ўзгартирувчи фаолият кўрсатмоқда. Бинобарин, бу фаолликнинг асосий омили тил ҳисобланади. Чунки ҳаёт ва жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгилик, аввало, тилда ва у орқали амалга ошади.

Халқаро алоқаларнинг дунё миқёсига кенгайиб бориши, миллатларнинг муваффақият ва ютуқлари борасидаги умумлашувлар, айниқса, фан, маданият, санъат, сиёсат, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги илғор тажриба алмашувлар, дунёнинг турли бурчакларидан келган хабарлар ва маълумотларни ҳар ким ўз она тилида ишлаб чиқиши каби объектив ва зарурий факторлар тиллар ривожига ва ўзаро сўз алмашувига

<sup>47</sup> Ўша асар, 88-бет.

баракали таъсир қилмоқда. Эътиборлиси шундаки, бир тилдан иккинчи тилга қабул қилинган лексик birlikлар орасида бир хил (ўхшаш) товуш ва имлоли, бир хил ва ўхшаш маъноли сўзлар салмоғи оз эмас. Бу сўзлар тилшуносликда интернационал (халқаро) сўзлар ёки интернационализмлар деб аталади<sup>48</sup>.

Тилшуносликда интернационализмлар шу пайтгача махсус ўрганиш ва изланиш объекти қилиб фундаментал ўрганилмаган, деса бўлади. Бу масалага бағишланган рисоаларнинг кўпчилигида асосан сўз ўзлашуви муаммолари билан боғлиқ равишда, унинг бир кичик қисми сифатида таҳлил қилинган. Қилинган ишларга терминологик нуқтаи назардан қаралса, бу ҳодиса турли хил: «интернационализм», «интернационал лексика», «интернационал терминология», «интернационал сўзлар», «интернационал терминлар» ёки мазкур терминга эквивалент сифатида рус тилида «международные слова», ўзбек тилида «халқаро сўзлар» каби атама ва номланишлар учрайди. Тилшуносликдаги азалдан келаётган анъанага мувофиқ, сўзлар фонетик, график ва семантик жиҳатдан турли тилларда бир хил ёки ўхшаш учраб қолинса, улар интернационализмлар деб номланилаверилган. Аммо таҳлил предмети ва соҳасининг турличалиги ҳамда бу масала турли нуқтаи назардан туриб ўрганилганлиги юқорида келтирилган ҳар хил терминларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Интернационализмга берилган таърифларга чуқурроқ назар ташланадиган бўлса, интернационал сўз учровчи тилларнинг сони, у келиб чиққан тилнинг дунё тиллари орасидаги ўрни, унинг бошқа тиллар билан алоқаси, қўлланилиш соҳаси ва чегараси каби бир қатор масалаларда тилшунослар турлича баъзи ҳолатларда эса баҳсли фикрлар билдирганликлари кўзга ташланади.

Шулардан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

Интернационал сўзлар учраши зарур бўлган тиллар сонини уч (А. А. Белецкий<sup>49</sup>, В. В. Акуленко<sup>50</sup>), уч ва ундан кўп, аммо яқин қардош бўлмаган тиллар (Л. Д. Микитич<sup>51</sup>), иккидан оз бўлмаган дунё тиллари

<sup>48</sup> Schmidt W. Deutsche Sprachkunde. Berlin, 1968, S. 80.

<sup>49</sup> Белецкий А. А. Об интернационализмах. Науч. зап. Киевск. универс. Т. XIV. 1955.

<sup>50</sup> Акуленко В. В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. Харьков, 1972.

<sup>51</sup> Микитич Л. Д. Иноязычная лексика. Л., 1967.

(В. Фрид<sup>52</sup>), кўп тилларда (К. Хеллер)<sup>53</sup>, ҳамма ривожланган (культурный) тилларда (А. Фринта<sup>54</sup>), бир қатор тилларда (О. Б. Шахрай<sup>55</sup>), дунёнинг кўп тилларида (М. Д. Степанова, И. И. Чернышева<sup>56</sup>) учрайдиган сўзлар бўлмоғи кераклиги ҳақида изоҳ берадилар. Немис лингвистлари эса интернационал сўз ўзаги лотин ёки грек тилига бориб тақалиши керак<sup>57</sup>,— деб таъкидлайдилар. Айрим тилшунослар эса бешта дунё тили — инглиз, немис, француз, испан ва итальян тилларида бир хил учрайдиган сўзларни интернационал сўз деб номласа бўлади, деб айтишади<sup>58</sup>. Шу аснода немис тилшуноси К. Хеллер қизиқ изланиш қилган. У немис тили учун интернационал сўзларга мезон сифатида бешта тил — инглиз, француз, рус, швед ва немис тилининг ўзини — белгилаб, шу номланган тилларда имлоси, таълаффузи ва англатадиган маънолари яқин бўлган 600 сўзни йиғади. К. Хеллер бу сўзларни немис тилида мавжуд бўлган интернационал сўзлар учун минимум деб ҳисоблайди. Унинг рўйхати билан танишиладиган бўлинса, келтирилган мисолларнинг жуда кўпчилиги ўзбек тили луғатларида қайд этилган ва деярли ҳаммаси ўзбек тилида сўзлашувчиларга танишдир. Бу сўзларнинг ўзбек луғатларида тўла қайд этилмаслигига сабаб, уларнинг бизга нотанишлиги эмас, балки уларга ўзбек тилида яхши эквивалент борлигидир. Масалан, *серьёзный, солидный, специальный, культурный, критика, культ, герой, ориентировка, организатор* ва шунга ўхшаш бир қатор сўзлар борки, ўзбек тилида уларнинг ўзларини эмас, балки эквивалентларини қўллаймиз. Шу сабабли улар луғатларда ҳам қайд қилинмайди. Чунки *серьёзный* сўзининг ўрнига *жиддий*, *бамаъни*, *мулоҳазали*, *оғир*; *солидный* сўзининг ўрнига *улуғвор*, *савлатли*, *салобатли* каби лексик бирликларни ўрнига қараб иш-

<sup>52</sup> Fried V. Mezinardni slova, jejich shoda a uskali, «Casopis pro moderni filologii», rocn. XXXVIII, cislo 4—5, 1956.

<sup>53</sup> Heller K. Das Fremdwort in der deutschen Sprache der Gegenwart. Leipzig, 1966.

<sup>54</sup> Frinta A. Neologismy v hornoluzicke poroce. 1945. «Славянская филология». — Сб. статей, I. М., 1958.

<sup>55</sup> Шахрай О. Б. К вопросу о смысловых взаимоотношениях интернациональных слов в разных языках. — «Иностранные языки в школе», 1955, № 1.

<sup>56</sup> Stepanova M. D., Chernyševa I. I., Lexikologie der deutschen Sprache. Moskwa, 1975, S. 75.

<sup>57</sup> Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie, Leipzig, 1969, S. 525.

<sup>58</sup> Маковский М. М. К проблеме так называемой «интернациональной лексики». — «Вопросы языкознания», 1960, № 1, с. 45.

иатиш жойздир. Лекин ўзбек тили сўзлашув нутқида *герьезный киши, солидный одам, культурный оила, ама-сим герой, организатор йигит* каби ибораларни тез-тез учратамиз.

Palette, Engagement каби айрим сўзларни олмаганда, К. Хеллер рўйхатидаги сўзларнинг ҳаммасини рус тили орқали ўзбек тилига кириб келганлигини ва шундай қилиб улар қўлланилаётган тиллар сони яна биттага ошганини таъкидласа бўлади.

Инглиз олими О. Есперсен юқоридаги фикрларга қарши ўлароқ, сўз интернационал бўлмоғи учун, у қўлланилаётган тилларнинг сони эмас, балки шу сўзларни нутқида қўлловчи одамлар сони мезон бўлмоғи керак, деган фикрни ўртага ташлайди<sup>59</sup>.

Айрим тилшунослар интернационал сўзларга таъриф беришаётганларида, уларни ўзлашмалардан кам фарқлашади. Масалан, А. Искос ва А. Ленкова интернационал сўзларни кўпчилик дунё тилларига тарқалган ва шу тилларда умумтушунарли бўлган ўзлашмалардир<sup>60</sup> деб таъриф беришади. М. М. Маковский<sup>61</sup>, агар **нет** сўзлар муайян бир тил ичида (вертикал) олиб ўрганиладиган бўлса, ўзлашмадир, бир неча тил миқёсида (горизонтал) таҳлил қилинадиган бўлса, «интернационал сўзлар» деб номламоқ кераклигини айтади.

Ўзбек тилшунослигида бу терминлар аралаштиришиб (?) «ўзлашма интернационал сўзлар» сифатида ҳам учрайди. У қуйидагича изоҳланган: «Интернационал лексика синхроник кўриниш (плоскость)даги ҳодисадир. Ўзлашмалар эса тилнинг диахроник кўринишдаги ҳодисадир. Ўзлашмага айланган интернационал сўзларгина, яъни ўзлашма интернационализмлар, диахроник ҳодисага ўтади... ..Ўзлашмалар ва ўзлашма қатлам кенг тушунча. Бунга ўзлашма интернационал сўзлар ҳам киради. Аммо ҳамма интернационал қўлланмалар ўзлашма сўз бўлавермайди»<sup>62</sup>.

Интернационал сўзлар ва уларнинг таърифлари борасида юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳулосалаб шуни айтиш мумкинки, уларда айрим нонақиқлик ва чалкашликлар мавжуд, бирлик йўқ. Бундан ташқари, муайян бир сўз интернационализмга ай-

<sup>59</sup> Jespersen Q. Papers in international language. London, 1921.

<sup>60</sup> Iskos A. Deutsche Lexikologie, Leningrad, 1970, S. 111. 1970. S. 111.

<sup>61</sup> Маковский М. М. Кўрсатилган асар, 45-бет.

<sup>62</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 87-бет.

ланиши учун, унинг қўлланилиши лозим бўлган тиллар ва уларнинг мезонлик сони ҳақида фикр борганда, тилшунослар мазкур тиллар остида асосан Ғарбий Европа тилларини кўзда тутаётганликлари кўриниб турибди. Чунки келтирилган мисоллар ва таққосланган сўзлар асосан Ғарбий Европа тилларига мансуб ва шу тиллар қиёсида таҳлил қилинган. Агар ҳақиқатан ҳам Ғарбий Европа тиллари сўзнинг интернационал бўлиши учун асосий омил бўладиган бўлса (буни асосий омил қилиб олиш мақсадга мувофиқ ҳам бўлар эди, чунки илмий-техник революция таъсирида интернационал характерга эга бўлган сўз ва терминларнинг деярли ҳаммаси Ғарбий Европа тилларига мансуб ва дунёнинг кўп тиллари сўз бойлигининг ошишида уларнинг роли катта), юқоридаги таърифларга яна битта шарт, яъни интернационал сўзлар Ғарбий Европа тилларига оид бўлмоқликлари керак, деган қўшимча сифатловчи бермоқ керак. Ёки шу пайтгача интернационал сўзлар тилшунослар томонидан зикр қилинганда, кўпинча, Ғарбий Европа тилларидан кириб келган ўзлашмалар таҳлил қилинганлиги ва шунинг натижасида бу тиллар юқорида номланган сабабларга кўра бошқа тиллар учун қиёслаш манбаига айланиб, сўзларнинг интернационал характери учун муҳим омил бўлиб қолганликларини етарлича изоҳланмоқ керак. Акс ҳолда, берилган таърифлар ва улардаги интернационаллик шартлари қуруқ ва сохта бўлиб қолади. Зеро, тилларнинг ривожланган бўлиши, сони ва бир-бири билан қардош бўлмаслиги каби шартлар асосида интернационал сўзлар ўрганиладиган бўлса, бу мезонга **араб**, **форс** ва **турк** тилларида бир хил имло ва талаффуз ҳамда маъно билан қўлланилувчи сўзларни, муайян бир тилда гаплашувчи одамлар сонига қараб олинадиган бўлса, **хитой** ва **ҳинд** тилларини бемалол тадбиқ манбаи қилиб олиш мумкин-ку!

Эътирозлиси шундаки, бу тиллар учун умумхарактерга эга сўзларнинг интернационал лексикага яқинлиги тан олиниб, «тўлиқ маънодаги (?) интернационал сўзлардан фарқлаш учун»<sup>63</sup> **регионализмлар** деб аталади. Майли, ўзбек тилидаги (туркий бўлган барча тиллардаги ҳам) мавжуд бўлган араб ва форсча сўзлар «умумхалқ характерга эга эмас, дунёдаги муайян территория (ареал)даги бир гуруҳ тиллар учун хос»<sup>64</sup>.

<sup>63</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 87-бет.

<sup>64</sup> Уша ерда.

лиги сабабли регионализмлар дейлик. Аммо худди шу араб, форс ва турк, ҳатто ҳинд ва хитой тилларидан Ғарбий Европа мамлакатлари тилларига қабул қилинган ва ўша тилларнинг бир нечасида бир хил айтилиш, ёзилиш ва маънога эга бўлган сўзлар борки, улар Европа тилшунослари томонидан интернационал сўзлар деб талқин қилинади. Фикримизга далил сифатида юқорида номланган шарқ тилларига оид бўлган ва ҳозир инглиз, немис ва рус тилларида айтилиши, ёзилиши ва маъноси бир хил ҳамда ўхшаш ҳолда қўлланилаётган сўзлардан бир неча мисол келтирамиз:

шарқ тиллари	инглиз	немис	рус
<i>атлас</i> (араб)	atlas	Atlas	<i>атлас</i>
<i>лак</i> (ҳинд)	lak	Lack	<i>лак</i>
<i>лакай</i> (турк)	lackey	Lakai	<i>лакай</i>
<i>матрас</i> (араб)	matress	Matratze	<i>матрас</i>
<i>сатин</i> (хитой)	sateen	Satin	<i>сатин</i>
<i>сарафан</i> (форс)	sarafan	Sarafan	<i>сарафан</i>
<i>сафар</i> (араб)	safari	Safari	<i>сафар</i>
<i>урин</i> (турк)	urn	Urne	<i>урна</i>

Юқорида келтирилган сўзлардан *атлас* ва *матрас* Ж. Хеллернинг немис тилидаги интернационализмлар деб йиққан 600 сўзи ичида келтирилган.

Кези келганда яна шунинг айтиб ўтиш жоизки, миллий тилимиз ва сўзлашув нутқимизда айрим сўзлар борки, улар кўпчилик тилшунослар томонидан чет ёки интернационал сўзлар деб талқин қилинади. Бу сўзлар «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», «Ўзбек совет энциклопедияси», айрим қўлланма ва лугатларда ҳам чет сўзлар деб изоҳланилган. Аммо бу сўзларнинг келиб чиқиши, англатадиган маъноси, дунё тиллари орасида тарқала бориши ва ҳозирги ўрни билан қизиқилса, изчилроқ ўрганилса, улар тарихан шарқ тиллари (ўзбек тилининг ҳам) лугат таркибига қарашли эканлигининг гувоҳи бўласиз. Мисол келтирамиз:

*киоск* — тилимиздаги *кўшк* сўзидан келиб чиққан. Бу сўз форс, араб, грек, лотин, француз, немис ва рус тилларига ўзлашиб, бизга *киоск* (сўзлашув тилида *киоска*) «савдо-сотик учун мўлжалланган кичик дўкон» маъноси билан қайтиб келган, қизиғи шундаки, бу сўз юқорида номланган, яъни ўзи ўзлашган тиллардан фақат араб тилидагина азалий имло ва талаффуз шаклини сақлаб қолган. Араб тилида у «киоск, ларёк, павильон, будка, кабинка» маъноларида, аммо *кўшк* шак-



лида ёзилгани ҳолда қўлланилади. Бошқа тилларда эса юқоридаги маъноларга эга бўлгани ҳолда *киоск* деб ёзилади ва айтилади;

*гитара* — асли форсий *сетор* (уч торли) сўзидан келиб чиққан. С ҳарфининг лотин тилида икки хил: *к* ва *с* ўқилиши сабабли, *сетор* сўзи лотин ва грек тилларига *китара*, кейинчалик немис, француз, инглиз ва рус тилларига *гитара* бўлиб кириб келган. Шундай қилиб, ўзлашиш саёҳатини «уч тор» билан бошлаган бу сўз, яна ўзимизга *гитара* «олти ёки етти торли, чертиб чалинадиган музика асбоби» шаклида қайтиб келган. *Сетор* сўзининг Европа ва рус тилларида ёзилиши ва айтилиши жиҳатидан ўзига анча яқин бўлган *цитра* формаси ҳам бор. Бу сўз номланган тилларда алоҳида маъно кашф этган. У асосан музикашунослик термини сифатида катта бўлмаган, шакли фигурали қутичага ўхшаб кетадиган ва чертиб чалинадиган асбобдир;

*сироп* — асли арабча бўлиб, тилимиздаги *шароб* сўзидан келиб чиққан. Бу сўз ҳам Европа тилларига ўзлашиши жараёнида ёзилиш ва ўқилиш шаклини бироз ўзгартириб, ўзбек тилига рус тили орқали *сироп* «мева сувидан тайёрланган қиём, шарбат» маъносида иккинчи бир лексик birlik сифатида қайтиб келган;

*софа* — тилимиздаги *суна* — ҳовли, боғ ва умуман очиқ ерда ўтириш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой — сўзидан олинган. Бу сўз асли арабчада *сўфа* бўлиб, «туя эгари (ҳовити) устига қўйиладиган «ёстиқ» маъносини англатади. Европа тилларига эса *диван* — «ўтириш ва ётиш учун белгиланган юмшоқ мебель» маъноси билан ўзлашган. Қизиғи шундаки, бу сўз *софа* — *диван* маъносида ўзбек тилига қайтиб кела олганича йўқ. Унинг ўзлашиш «саёҳати» ҳозирча рус тилига келиб, ўзбек тилига ўтиш арафасида турибди;

*душ* — Хоразм шеvasидаги *тўшши* (ювиниш жойи) сўзи билан яқин алоқаси бор. Чунки бу сўз форс, араб, грек ва Европа тилларининг кўпчилигида *туш* ва *душ* шаклига эга. Адабий тилимизга катта ўзлашиш сайридан кейин *душ* шаклида қайтган.

Юқорида келтирилган сўзлар тарихан шарқ тилларининг луғат таркиби дурдоналаридир. Улар бир қатор дунё тилларига ўзлашиш, биридан иккинчисига ўтиш натижасида катта «саёҳатни» бошидан кечирган. Ўзлашган тил эгаларининг тушунча ва тасаввури остида эса маълум даражада шаклан ва мазмунан ўзгартири-

либ қабул қилинган. Натижада ўзбек тилига рус тили орқали бошқа маъно ва иккинчи бир янги лексик birlik сифатида қайтиб келган. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида бу сўзларнинг икки кўриниши ҳам, яъни *киоск* — *кўшк*, *сироп* — *шароб*, *сетор* — *гитара* (*цитра*) шаклларида, ҳар қайсиси тугал бир маъно билан актив қўлланилиб келаяпти.

Юқорида билдирилган фикр, мулоҳаза ва конкрет мисолларга таянган ҳолда, интернационал сўзлар ва уларнинг ўрганилиши борасида шуни айтиш мумкинки, кўпчилик ишларда бу масала **ўзга (Европа) тиллардан** қиёсланаётган тилга кириб келган интернационал сўзларга катта эътибор қилингани ҳолда таҳлил қилинади. Аммо мазкур, **интернационал сўзлар ўрганилаётган** тилнинг ўзидан «қанча сўз халқаро миқёсда кенг қўлланилмоқда, интернационал бўлди?» деган масалага умуман тўхталинмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интернационал сўзлар учун критерия ҳисобланган мазкур сўз қўлланилувчи тилларнинг сони, уларда сўзлашувчи одамларнинг ҳажми, сўзларнинг қўлланилиш соҳаси, ушбу тилларда гапирувчи территориялар, тилларнинг дунё тилларига айланган бўлиши, ривожланган даражага етишиши каби фикрларда бир ёқламалик мавжуд. Сўзлар Фарбий Европа тиллари асосида таҳлил қилинса, **интернационализм**, дунёдаги муайян территория (ареал)даги бир гуруҳ тиллар асосида ўрганилса, **регионализм**, айрим тиллар асосида ўрганилса, **чет ёки ўзлашма сўзлар** деб номланиши ҳам эътирозлидир.

Гапнинг сирасини айтганда, интернационал сўзлар ҳам чет сўзлардир. Чунки у, аввало, чет сўз сифатида бошқа бир тил лугат таркибидан иккинчи бир тилга қабул қилиниши керак, шундан кейингина у икки тил, икки халқ, икки миллат орасида, яъни **интернационаллик** хусусиятига эга бўлади. Интернационал сўзнинг том маъноси асли шудир. Бинобарин, худди, шу ерда чет сўзнинг функцияси интернационаллашади. Фарқи шундаки, бу сўз ўзи қабул қилинган тилга нисбатан чет, аммо иккала — келиб чиқувчи ва қабул қилган — тилларда бир хил қўлланилиш хусусиятига кўра интернационал бўлади. Бошқача қилиб айтганда, интернационал сўзлар **бир неча тилларда бир хил қўлланилиши**, чет сўзларнинг эса **айнан бир тилга қай даражада ўзлашиб**, сингиб кетиши нуқтаи назаридан ўрганилмоғи керак. Масалан, ўзбек тили учун *пролетар*, *капиталист*, *револю-*

*ция, контейнер, компьютер, космос* кабилар чет сўз, ammo кўпчилик тилларда, шулар қатори ўзбек тилида ҳам бир хил қўлланилиши сабабли интернационал сўз ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, сўзнинг интернационал бўлиши учун асосий мезон — мазкур сўзнинг манба тилдан чиқиб, иккинчи ва ундан ортиқ тилларга ўтиши ва уларда бир хил қўлланилишидир. Шундагина бу термин, аввало, ўзининг «ҳамма миллат (халқ)лар учун умумий муштарак» маъносини сақлайди, қолаверса, тилшуносликдаги бу объектив ва зарурий ҳодисанинг таърифи, уни ўрганиш анча соддалашади ва конкретлашади.

Энди Европа тилларидан рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган ва ўзбек тилида ҳам кенг қўлланилиб келаётган интернационал сўзлар масаласи ҳақида икки оғиз сўз.

Маълумки, бундай сўзлар ўзбек тилшунослигида «рус-интернационал сўзлар» ва «совет-интернационал сўзлар» каби терминлар асосида ўрганилиб келинаёпти. Бунда интернационал сўзи олдида сифатловчи бўлиб келаётган *рус* эпитети мазкур сўзларни рус тили орқали ўзбек тилига кириб келганини билдирса, *совет* эпитети уларни Советлар даврида қабул қилинганини англатади. Рус тилининг Совет давридан олдинги вақтларда ўзбек тили билан муносабатлари нисбатан кам ва тор доирада бўлганлиги сабабли бу терминлар ўзбек тилшунослигида алоҳида фарқланмай, баъзан аралаштирилиб қўлланади. Бу фактни тилшуносларнинг каттаю кичик мақола ва ишларида (М. Мирзаев, Ф. Абдуллаев, Р. Дониёров, У. Усманов, Э. Фозилов, И. Асфандиёров), дарслик ва қўлланмаларда («Ҳозирги ўзбек адабий тили», 1980; «Ўзбек тили лексикологияси» 1981) учратиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида бу терминни умумий маънода «интернационал лексика» шаклида биринчи марта совет шарқшуноси, профессор А. Қ. Боровков «Ўзбек адабий тили 1905—1917 йилларда» китобида (25-бет) ишлатган. Эътиборлиси шундаки, у ўзбек тилига бевосита рус тилидан кириб келган сўзларни «русизм», рус тили орқали (айрим ҳолатларда турк тили орқали ҳам) ўзбек тилига ўтган Европа тилларига оид лексик birlikларни «европеизм»лар (15-бет) деб номлаган. Бу сўзларни «рус-интернационал», «совет-интернационал» терминлари остида ўрганиш ўзбек тилшунослигида асосан 50-йиллардан учрай бошлайди.

Тилимизга Европа тилларидан рус тили орқали кириб келган сўзлар ҳозирги давргача юқоридаги терминлар асосида ўрганилиб келинмоқда. Бу сўзларнинг Европа тилларининг қайси бирига оид эканлиги, уларнинг бизга етиб келгунча талаффузи, имлоси ва маъноларидаги ўзгаришлар, уларнинг ўзбек тилидаги кейинги равнақи каби масалалар кенг кўламда тадқиқот объекти қилиб олинмаган. Бу борада ўзбек тилшунослигида қилинган энг катта ютуқлардан бири 14 жилдлик «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг ва икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг нашр қилиниши бўлди. Чунки уларда биринчи марта ўзбек тили луғат таркибига қарашли бўлган сўзларнинг келиб чиқиш манбаларига изоҳ берилган, этимологияси қайд этилган. Бу луғатлар билан танишиб чиқар экансиз, уларда қайд этилган чет сўзларнинг ўзбек тилидаги ҳажми оз эмаслиги, уларнинг ўзбек тилидаги равнақи, ўзбекча сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўз ёки шакл олганликлари, маъноларидаги ўзгаришлар, айниқса кўчма маъно касб этиш каби ҳолатлари диққатни тортади. Давримиз, айниқса, ўзбек тилининг тарихий тараққиёти бу масалаларни атрофлича ўрганишни тақозо қилади. Худди шу нарсани назарда тутиб, бу проблема эндиликда «рус/совет-интернационал сўзлари» темаси остида бўлса ҳам, бироз конкретлаштирилиб: ўзбек тилидаги лотинча, грекча, немисча, инглизча, французча ва бошқа тиллар сўзлари деб ўрганилиши керак. Чунки бу ўзлашмалар, биринчидан, рус тилининг ўзида лотинизм, грецизм, германизм каби терминлар остида ўрганилиб келинмоқда. Иккинчидан, рус тилининг бу ўзлашмаларни бошқа қардош халқлар тилларига, шу қаторда, ўзбек тилига ўтишидаги беғараз ва самимий ҳамкорлиги туфайли, чет сўз ва ўзлашмаларнинг рус тилидаги ҳажми миллий тиллардан кескин фарқ қилмайди.

## **ЎЗБЕК ТИЛИГА GERMAN ТИЛЛАРИДАН КИРИБ КЕЛГАН ЎЗЛАШМАЛАР**

### **Масалага кириш учун дастлабки мулоҳазалар**

Ҳар қандай миллий тилнинг луғат таркиби, унинг жами сўз бойлиги шу миллатнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. Тарихий тарақ-

қийётнинг узоқ ўтмишга бориб тақалиши, эса, ҳар бир тилнинг луғат таркибидаги сўзларнинг қачон ва қандай пайдо бўлганлиги, бу сўзлар унинг ўзининг ички имкониятлари асосида, ўзининг маҳсули сифатида яратилганми ёки унга ташқаридан, ўзга тиллардан кириб келганми, деган масалаларнинг ўрганилишини тақозо қилади.

Маълумки, ўзбек тилининг луғат таркиби ниҳоятда бой ҳисобланади. Ундан ташқари, у доимий ўсишда ва ривожланишда. Унинг бойлиги, биринчидан, унинг доимий ҳаракатда ва ўсишида билинса, иккинчи томондан, унинг ички ва ташқи манбалардан рационал фойдалана билганлигидадир.

Мазкур ишда эътиборни ўзбек тилининг асосан ташқи манбалар ҳисобига бўлган миқдор ва сифат ўзгаришларига қаратдик. Бунда ўзбек тилининг ташқи манбалар асосида рўй берган ўзига хос ривожланиш қонуниятларини тарихий-тадрижий (диахроник) кузатиш ва шу ташқи таъсирлар остида юз берган ҳодисаларнинг айрим бир даврлар, ўзбек тилининг муайян бир тарихий босқичларига боғлаб ўрганиш кўзда тутилди.

Ўзбек тилининг луғат бойлиги, ундаги сўзларнинг этимологияси, уларнинг имлоси ва талаффузи ҳамда англатадиган маънолари билан қизиққан ҳар бир киши миллий тилимиз ва сўзлашув нутқимизда герман тилларига оид бўлган бир қатор сўзларни пайқашни қийин эмас. Энди бу сўзларнинг ўзбек тилига қай йўсинда ўзлашгани масалаларига эътибор қилинадиган бўлса, биринчи навбатда, рус тилининг ёрдами, унинг беғараз ва самимий воситачилигини кўрамиз. Иккинчидан, бу ўзлашмалар ўзбек тилининг рус тили билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги натижасидир. Бу ҳамкорлик натижасида ўзбек тилига икки хил тип сўзлар ўзлаштирилди ва ўзлаштирилмоқда: булар рус тилининг ўз сўзлари ва рус тилидаги ўзлашма, рус тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзлардир. Чунончи, рус тили воситачилигида ўзбек тилига кириб келган анчагина лотинча, грекча, итальянча, испанча, французча, немисча, инглизча, голландча ва бошқа тилларга оид сўзлар рус тилининг ўзи учун ҳам ўзлашган сўзлар ҳисобланади.

Европа тилларидан қабул қилинган сўзлар рус тили учун қай даражада муҳим бўлса, ўзбек тили учун ҳам шу даража зарур эди. Зеро, илмий-техник революция ва прогресснинг жуда кўпчилик терминлари шу тил-

ларга мансуб эди. Бу сўзлар рус тили воситачилигида тез ва кенг ҳажмда ўзбек тилига ҳам ўта бошлади. Чунончи, ўзбек тилига ўзлашган русча сўзлар билан рус тили орқали ўзбек тилига ўтган Европа тилларининг сўзлари салмоғини солиштириб кўрадиган бўлсак, албатта, кейингиси ҳажм жиҳатдан бир неча бор кўпдир.

Европа тиллари билан рус тилининг алоқаси қадимдан, айниқса, Пётр I (1672—1725) замонидан бошлаб кенг кўламда бўлган. Айтмоқчимизки, рус тилидаги Европа тилларидан ўзлашмалар бир неча юз йиллар маҳсулидир.

Бу ўзлашмаларнинг ўзбек тилига кириб келиши XIX асрнинг иккинчи ярми ва асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин қизғин тус олди. Ўзбек тилига кириб келган бу ўзлашмаларнинг деярли<sup>1</sup> ҳаммаси фақат ва фақат рус тили билан боғлиқ бўлган алоқа ва ҳамкорлик натижаси бўлганлиги сабабли, бу борада кенгроқ тўхталиб, унинг объектив сабабларини қисқароқ бўлса ҳам номлаб ўтамиз.

**Рус тили ва ўзбек тилининг алоқаларига доир мулоҳазалар<sup>2</sup>.** Француз ва халқаро ишчилар ҳаракатининг машҳур арбоби, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг содиқ шогирди Поль Лафарг (1842—1911) ўз даврида «сиёсий ва социал воқеалар интенсив равишда кечаётган халқлар тез ўз тилларини ҳам ўзгартирадилар»<sup>3</sup>,—деб ўринли фикр айтган эди. Ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ҳаётда катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг юз бериши ўзбек тилининг ўсиши ва равнақига, унинг луғат таркибининг миқдор ва сифат ўзгаришларига баракали таъсир қилди. Табиийки, бунда рус тили жуда катта роль ўйнади. Ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги объектив ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий, илмий-маърифий ҳамкорлик юзага келди ва рус тилининг ўзбек тилига таъсир қилишига асос бўлди. «Рус тилидан ўзбек тилига ўтган лексик ўзлашмаларнинг ўзбек тили-

<sup>1</sup> А. К. Боровков *қўмондон, қўнғра, қўмита* каби сўзларнинг ўзбек тилига турк-анатол тилидан кириб келганлигини таъкидлайди. *Қаранг:* Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг. Ташкент, 1940, с. 21.

<sup>2</sup> Бу бобда И. Асфандиёров, Н. Г. Ғуломованинг ишлари ва «Ўзбек тили лексикологияси»дан фойдаланилди.

<sup>3</sup> Лафарг П. Язык и революция. М.—Л., 1930, с. 20.

нинг бойишида, айниқса илмий терминологиясининг шаклланишидаги роли шу даражада катта ва кенг масштабдаки, уни ўзбек тили тарихининг ҳеч бир даври билан қиёслаб бўлмайди»<sup>4</sup>.

Рус ва ўзбек тилларининг ўзаро ҳамкорлиги, ўзбек тилига рус тилидан сўз ўзлаштириш асосан икки даврга бўлиб ўрганилади:

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр;

2. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги давр, совет даври.

Биринчи даврда ўзбек тили рус тили билан ўз миллий тиллик куртаклари эндигина пайдо бўла бошлаган тил сифатида учрашди. Бу ўзбек тилига рус тили таъсирининг илк даври бўлиб, унинг тубандаги сабаблари бор:

«1. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi билан рус ва ўзбек тиллари бевосита алоқага киришдилар.

2. Ўрта Осиёга прогрессив рус фани ва маданияти кириб келди ва ўзбек ҳаётига ўз таъсирини ўтказди.

3. Маҳаллий саноат, савдонинг янги турлари пайдо бўлди, маҳаллий буржуазия юзага келди, янги капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Натижада ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлмаган янги сўз ва терминлар кириб келди.

4. Маҳаллий ишчилар синфи, маҳаллий зиёилар юзага келди, улар билан рус пролетариати ва интеллигенцияси орасида бевосита муносабат ва муомала пайдо бўлди.

5. Ўрта Осиёда рус ва ўзбек тилларида маҳаллий матбуот — газета ва журналлар нашр этила бошланди. Унда рус фани, маданияти, ўша давр иқтисодий, маданий ҳаётига доир материаллар, чор Россиясининг сиёсати оид давлат ҳужжатлари эълон қилинадиган бўлди. Бу туфайли ўша соҳаларга доир кўпгина сўз ва терминлар ўзбек матбуоти текстларига кириб келди ва ўзлаша борди.

6. Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда 1905—1917 йиллар давомида марксизм-ленинизм ғоялари, прогрессив маърифий қарашлар кенг тарқала бошлади. Бу ғоя ва қарашлар ўзбеклар нутқида бир қатор ижтимоий-сиёсий терминларнинг кириб келишига сабабчи бўлди.

---

<sup>4</sup> Баскаков Н. А. Развитие грамматической структуры языков в связи с расширением их общественных функций. Доклад на X конгрессе лингвистов. Бухарест, 1967, с. 120.

7. Рус тилида ўша давр фани ва санъатининг, маданияти ва маърифатининг, моддий ва маънавий ҳаётининг муҳим тушунча ва тасаввурларини англатувчи сўз ҳамда терминлар мавжуд эди. Натижада у бундай сўзларни рус тилидан олишга интилди»<sup>5</sup>.

Бу даврда ўзлаштирилган сўзларнинг кўпи конкрет-предметлар номи, ўзбек ҳаёти учун янгилик бўлган моддий, маънавий тушунчаларни ифодаловчи сўз ва терминлар эканини кўраимиз. Илк даврда ўзбек тилига ўзлашмалар асосан оғзаки ва у асосида ёзма (матбуот) тил орқали кириб келди. Ўзлашмалар оғзаки нутқда қандай айтилса, ўша давр газеталари саҳифаларида шу шаклда учрайди.

Ўзлашма сўзлар халқ талаффузи асосида ёзилганлиги, айниқса, ёзувнинг араб шрифтида бўлганлиги уларнинг бир неча хил айтилиш ва ёзилишига олиб келган. Бу ҳолат илк давр ўзлашмаларининг айтилиши ва имлосида стихияли вазият ҳукм сурганлиги, ўзбек тилида уларнинг ҳаммаси тўла нормаллашмаганини кўрсатади. Масалан, инглизча *вагон* сўзи 4 хил, немисча *почта* сўзи 3 хил ёзилганлигини газета саҳифаларида кузатиш мумкин.

Рус тили орқали ўзбек тилига герман тиллари (немис ва инглиз)дан ўзлашган сўзларнинг тарихи ҳам асосан шу даврдан бошланади ва юқорида номланган объектив ва субъектив шарт-шароитлар билан боғлиқдир.

XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган даврда герман тилларига оид қайси сўзлар ўзбек тилида илк бор қўлланила бошлагани ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. Чунки бу даврда ўзбек тилида газета ва журналлар бўлмаганлиги сабабли ўзлашмалар қайд қилинган ёки ишлатилган манба йўқ. Расмий ёзишмалар ва юридик ҳужжатлар эса давлат аҳамиятига молик бўлганлиги сабабли, улар билан танишиш фақат тор доирадаги оқимлар учун мумкин бўлган.

1870 йилдан бошлаб эса маҳаллий тилда биринчи босма газета «Туркистон вилоятининг газети», яъни «Туркестанские ведомости» газетасининг ўзбекча нусхаси чиқа бошлади. Бу газета ўзбек адабий тили тараққиётида катта роль ўйнади. У ўзбек тили лексикасини рус ва интернационал сўзлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшди. Газета саҳифаларида чоризмнинг мустам-

<sup>5</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 125—126-бетлар. Цитатада сабаблар бироз қисқартириб олинди.



лакачилик сиёсатини тарғиб қилиш, маҳаллий аҳолининг «оқ подшо» ва унинг Туркистондаги амр-фармонларини сўзсиз бажаришга ундашдан ташқари, пахтачилик, ипакчилик ҳақида, фан-техника, адабиёт ҳамда санъат ва маданиятга доир материаллар ҳам эълон қилиб турилди. Худди шу даврдан бошлаб, фактик материаллар асосида ўзбек тилига кириб келган герман тилларига оид сўзларни кузатиш мумкин.

Кейинчалик «Улфат» (1905), «Тараққий» (1906), «Вақт» (1907), «Жарчи миллат» (1909), «Бухорои шариф» (1912), «Турон» (1912), «Самарқанд», (1913), «Садои Фарғона» (1914), «Навбаҳор» (1914), «Садои Туркистон» (1914), «Нажот» (1917), «Турк эли» (1917) газеталари турли хил нусха ва вақт оралигида, маълум танаффуслар билан чиқиб турдилар. Бу газеталарнинг дунёдаги илмий билимлар, фан ёки техника ютуқлари, рус адабиёти, санъати ва маданиятининг илғор намояндаларининг ижодини ўрганишга, рус тилини эгаллашга даъват этувчи материаллари ўзбек халқининг маданий-маънавий юксалишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу газеталарнинг саҳифаларида герман тилларидан қабул қилинган, асосан ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий, савдо ва транспортга оид соҳаларни ифодаловчи сўзларни учратиш мумкин. Айрим мисоллар келтирамиз: *аэроплан* (С. Турк. 1914, 25)\*, *банк*, *банка*, *банкир* (С. Турк. 1914, 25), *биржа*, *бюджет* (С. Турк. 1914, 23), *вагон* (Тарақ. 1906, 7), *вексель* (С. Фарғ. 1914, 30), *вокзал* (Тарақ. 1906, 7), *почта*, *почтахона* (Турк. вил. газ. 1870, 3), *штаб*, *штабс-капитан* (Турк. вил. газ. 1870, 4), *стерлинг* (Турк. вил. газ. 1879, 4), *митинг* (Тарақ. 1906, 3), *мастер*, *мастерхона* (Тарақ. 1906, 6), *марка* (С. Турк. 1914, 3), *матрос* (Тарақ. 1906, 11), *флот* (С. турк. 1914, 3), *фельдшер* (Турк эли, 1917, 1), *футбол* (С. Турк. 1914, 22), *трамвай* (С. Фарғона, 1914, 22), *ранг* (Тарақ. 1906, 11), *револьвер* (Тарақ. 1906, 3), *зал* (Тарақ. 1906, 3), *трупна* (С. Турк. 1914, 8) ва бошқалар<sup>6</sup>. И. Асфандиёров бу даврда ўзбек тилига русча ўсимлик ва полиз экинлари номлари ҳам (*помидор*, *қулуннай*, *болгар мурчи*, *пастернак*, *шовул*, *чеснок*, *картошка*) кириб келганини айтади. Аммо бу сўзларнинг кўпчилиги рус сўзи эмас,

\* Шартли қисқартмалар: С. Турк.—«Садои Туркистон», Тарақ. «Тараққий», Турк. вил. газ.—«Туркистон вилоятининг газети», С. Фарғ.—«Садои Фарғона».

<sup>6</sup> Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг., с. 58—65.

балки Европа тилларидан рус тилига ўтган ўзлашмалардир. *Помидор* — итальянча «олтин олма», *картофель* — немис, итальян тиллардан келган бўлиб «ер олма», *редиска* — лотин тилидан олинган бўлиб, «томирча» маъносини англатадилар ва улар бизга рус тили орқали ўтиб келган ўзлашмалардир.

Рус ва ўзбек тилларининг ҳамкорлиги, буюк рус тилининг ўзбек тилига баракали таъсир этишида Улуф Октябрь социалистик революциясидан кейинги давр — совет даври муҳим роль ўйнади. Бу даврда Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати ва унинг тантанаси туфайли СССР халқларининг миллий тиллари атрофлича ривожланиб ва камол топиш йўлига тушиб олди. Ўзбек тилига, аввало, рус тилидан ва у орқали бошқа чет тиллардан жуда кўп сўзлар ўзлаштирилди. Бу ҳақда В. В. Решетов, А. К. Боровков, М. Мирзаев, М. П. Пулатов, А. Мадраҳимов, И. Расулов, Г. Муҳаммаджонова, С. Ақобиров, А. Н. Тихоновларнинг илмий иш ва диссертацияларида бафуржа очиб берилди<sup>7</sup>.

Бу ишлар асосида А. Цой рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларни матбуот материаллари асосида динамик ривожланишини кузатиб, қуйидаги натижаларни чиқаради: «1924 йилда («Туркистон» газетасининг 20 октябрь сониди) рус ва интернационал сўзлар умумий сўзлар сонига нисбатан фақат 0,9 процентни (7680 сўз ичида 72 сўз) ташкил этган бўлса, 1927 йилда («Қизил Ўзбекистон» газетасининг 23 февраль сониди) 1,6 процентни (яъни 11200 сўз ичида 185 сўз) ташкил этган. 1930 йилда («Қизил Ўзбекистон» газетасининг 30 декабрь сони бўйича) совет-интернационал сўзлари 11,11 процентни (яъни 10800 сўз ичида 1206 сўз) ташкил этган. 1934 йилда шу газетанинг тўрт сони бўйича совет-интернационал сўзлари 11,7 процентни (яъни

---

<sup>7</sup> Қаранг: Решетов В. В. Лексический состав современной узбекской прессы. Проблемы языка. Ч. I. Ташкент, 1934; Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг. Ташкент, 1940; Мирзаев М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической прессе (1945—1950). АКД. Ташкент, 1951; Пулатов М. П. Влияние русского языка на узбекский язык (Вопросы лексики и словообразования). АКД. Ташкент, 1953; Данияров Р. Заимствования русских интернациональных личных имен узбекским языком. АКД. Ташкент, 1967; Расулов И. Развитие лексики узбекского языка в период Великой Отечественной войны. Ташкент, 1955; Мухаммеджанова Г. Некоторые вопросы развития узбекской лексики. АКД. Ташкент, 1972; Ақобиров С. Лексикографические разработки терминологии в двуязычных словарях. АКД. Ташкент, 1969; Тихонов А. Н. Роль русского языка в обогащении лексики узбекского языка. М., 1977.

10 000 сўз ичида 1200 сўз), 1940 йилда («Қизил Ўзбекистон» газетасининг 6 февраль сони бўйича) 15 процент (яъни 10 800 сўз ичида 1636 сўз) бўлган. Шу газетанинг 1947—1949 йиллардаги сони бўйича рус ва интернационал сўзлар 18 процент (яъни 33 100 сўздан 5958 сўз)ни ташкил этган. 1957 йилда («Қизил Ўзбекистон» газетасининг 28 февраль сони ва 1 март сонлари бўйича) 21,4 процент (яъни 19056 сўз ичида 4075 сўз)ни ташкил этганлигини кўрамыз»<sup>8</sup>.

Албатта, бу ўсишнинг ўзига яраша объектив сабаблари бор: «Революцияга қадар, асосан поэзия тили, юқори табақа вакилларининг расмий тили сифатида қўлланиладиган ўзбек адабий тилининг ишлатилиш доираси совет даврида ниҳоятда кенгайди. У улкан бадий адабиёт тили, кенг тармоқли салмоқдор радио ва телевидение тили, мислсиз ривожланган маориф, маданият ва санъат тили, расмий-идоравий ёзишмалар ва кенг тармоқли илмий-сиёсий пропаганда тилига айланди»<sup>9</sup>.

Бу даврда рус тилининг ўзбек тилига, унинг тараққиёти ва бойишига бўлган таъсири натижасида фақат сўзларгина эмас, балки сўз бирикмалари ва сўз яшаш моделлари ҳам қабул қилинди<sup>10</sup>.

Рус ва ўзбек тилларининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги масалаларини хулосалаб шуни айтиш лозимки, ўзбек тили лексикасидаги ўзлашма қатламларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш ва бу борада рус тилининг таъсирини атрофлича ўрганиш ниҳоятда актуалдир<sup>11</sup>.

### **Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмаларининг ҳажми ва характери**

**Изланиш объекти ва мавзуи.** Илмий-техник прогресс, ижтимоий ҳаётнинг кўпчилик соҳаларидаги янгиликлар мислсиз даражада янги сўз ва терминлар яратдики, булар дунёнинг қайси тилида ва қайси халқ томонидан яратилган бўлишига қарамай, ўзбек тили луғат таркибининг бойишига, унинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир қилиб келаяпти. Улар ўзбек тилида

<sup>8</sup> Цой А. Н. К вопросу о лексических заимствованиях из русского языка в узбекском языке.—Труды УзГУ им. А. Навои. Новая серия. № 79. Самарканд, 1957, с. 91—92.

<sup>9</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 130-бет.

<sup>10</sup> Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 5-сон, 4-бет.

<sup>11</sup> Қаранг: Ҳожиёв А., Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва уни ўрганишнинг актуал масалалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 5-сон, 12-бет.

рус тилининг баракали ҳамкорлиги ва ўзбек тилининг ўз ички имкониятларига суянган ҳолда қабул қилинди. Бу лексик birlikлардан ўзбек халқи ўзининг оғзаки ва ёзма нутқида актив фойдаланиб келаяпти.

Ўзбек тилидаги герман тилларининг ҳажми ҳақида шуни айтиш мумкинки, «Ўзбек совет энциклопедияси»да 200 га яқин немис, 130 тача инглиз, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 150 дан ортиқ инглиз, 170 га яқин немис тилига оид сўзлар қайд этилган ва уларнинг ўзбек тилидаги маънолари, қўлланилиш соҳалари борасида изоҳлар берилган.

Бу ўзлашмаларнинг кўпчилиги юқорида номланган иккала қомусда ҳам учрайди. Шу сабабли бу икки қўлланмада берилган герман тилларига мансуб сўзларнинг умумий сони ўрта ҳисобда 530 га тенг бўлди. Мазкур луғатларда ҳали номланиб улгурилмаган, аммо тилимизда кейинги даврларда учрай бошлаган (*компьютер, гангстер, дизайнер* каби) айрим ўзлашмалар ҳам рўйхатга киритилди<sup>12</sup>.

Маълумки, газета ва журнал ўқиладиганда кўпинча айрим нотаниш, чет сўзларга дуч келиб қолинади. Бу сўзлар асосан турли фан ёки соҳаларга оид бўлиб, улар ёнида қавс ичида ёки бутун бир бошли изоҳ сифатида уларнинг маънолари берилади. Рўйхатда шу тариқа учрайдиган немис ва инглизча сўзларни ҳам қайд қилдик. Масалан: *Айни вақтда техника ҳамда саноат буюмлари учун ўзига хос бадий воситалар топиш зарурлиги ҳақида тасаввурлар пайдо бўлди. Улар эса, ўз навбатида, дизайн учун замин тайёрлайди* (дизайн — инглизча сўз бўлиб, бадий лойиҳачилик деган маънони англатади) («Фан ва турмуш», 1984, 11-сон); *Дала шпательнинг қўшалок кристаллари оддий бўлакчаларга ажралишга мойил, шу туфайли ҳам шпатель сўзи немисча шпальтен сўзидан келиб чиққан* («бўлиниб кетмоқ», парчаланмоқ» маъносини англатади) («Фан ва турмуш», 1982, 11-сон); *Бу йўналишдаги дизайнерлар асосан буюм шаклини муайян даражада бадийлаштириш йўли билан шакли санъатдаги машҳур услубларига яқинлаштиришга уринишарди. Мазкур йўналиш «стайлинг», яъни услублаштириш деган ном олди* («Фан ва турмуш». 1984, 11-сон).

Энди сўзларнинг келиб чиқиш ва қайси тилга оид-

<sup>12</sup> Ўзлашмалар асосида «Герман тиллари ўзлашмаларининг изоҳли луғати» тузилди. Лекин ишнинг ҳажми кўтармаганлиги туфайли бу луғат ишга илова қилилмади.— Автор.

лиги (этимологияси) масаласига келсак, мисолларни йиғиб олишда, биринчи навбатда, «Ўзбек совет энциклопедияси» ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га асосланди. Бу қомусларда катта авторларнинг коллектив ишлари асосида, сўзлар этимологияси борасида катта ишлар қилиниб, ўзлашмаларнинг қайси тилларга оидлиги чуқур таҳлил қилинган.

Йиғилган ўзлашмаларнинг ҳақиқатан ҳам герман тилларига мансуб эканлигига комил ишонч ҳосил қилиш учун, мисоллар немис ва инглиз тилларининг этимологик ва изоҳли луғатлари билан таққосланди<sup>13</sup>. Йиғилган мисоллар бу манбаларда ҳам тасдиқланганидан кейин, уларни умумий рўйхатга киритдик. Лекин қиёслаб кўриш мобайнида кўп сўзларнинг бошқа тилларга оид эканлиги аниқланди. Немис тили сўзлари деб берилган *абонент* (французча), *аккредитив* (лотинча-французча), *арест* (лотинча), *банкрот* (итальянча), *гарнитур* (французча), *граната* (лотинча), *группа* (французча-итальянча), *канцлер* (лотинча), *квартира* (лотинча-французча), *клавиатура* (лотинча-французча), *комендатура* (французча), *навчан* (французча), *панель* (французча), *партия* (французча), *пассажир* (французча), *пассат* (нидерландча), *полиция* (грекча), *плакат* (французча), *рацион* (лотинча), *сигнал* (лотинча), *такт* (лотинча), *тушь* (французча), *фанера* (французча), *фокус* (лотинча-французча), *фронг* (французча), *штатив* (лотинча) бошқа тилларга оидлиги аниқланди.

Инглиз тилидан кириб келган деб изоҳланилган сўзлардан *альбатрос* (арабча), *горилла* (африканча-грекча), *импорт* (лотинча), *каучук* (ҳиндча-французча), *керосин* (грекча-лотинча), *кофе* (арабча-туркча), *репортаж* (французча), *памфлет* (лотинча-грекча), *пионер* (лотинча-французча), *прожектор* (лотинча-французча), *тайфун* (хитой) тилларидан келиб чиққан деб изоҳланилади. *Айсберг*, *блок*, *буфер*, *ринг* ўзлашмалари ўзбек қомусларида инглиз ёки немис тилларига мансублиги тўғрисидаги изоҳ аралаштирилиб берилган. Биз уларни алоҳида таҳлил қилиб ўтирмадик, чунки

<sup>13</sup> Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache von R. Klaprenbach/W. Steinitz. Berlin, 1969—1977; Großes Fremdwörterbuch bearbeitet von der Dudenredaktion, Leipzig, 1977; Großes Deutsches Wörterbuch von G. Wahrig. Berlin—München—Wien, 1966; Oxford student's dictionary of current english A. S. Hornby, 1983; Большой немецко-русский словарь. М., 1969; Большой англо-русский словарь. М., 1972.

мазкур икки тил ҳам бир-бири билан қардош бўлиб, герман тиллари оиласига киради. Қизиғи шу ердаки, *папирос* сўзи бизнинг манбаларда немис тилига мансуб деб, немисча этимологик луғатларда эса русча сўз деб қайд қилинган.

Шу ерда яна бир нарсага аниқлик киритиб ўтмоқлик керак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «...луғат мақолаларида бевосита бош сўздан кейин (катта қавс ичида) унинг этимологиясига, келиб чиқишига, қайси тилдан ўзлаштирилганлигига оид маълумот берилган»<sup>14</sup>,— деб, «Ўзбек совет энциклопедияси»да: «Айрим сўзларнинг маънолари ва келиб чиқиши (этимологияси) ва шу кабилар ҳақида қисқа, муҳим маълумотлар берилади»<sup>15</sup>,— деб мазкур манбалардан фойдаланиш учун эслатма ва йўл-йўриқ берилади. Аммо қавс ичида берилган маълумотлар дифференциация қилинмаган, яъни улар сўзларнинг этимологиясини билдирадими ёки ўзлашиш характериға оидми эканлиги фарқланмаган. Чунки улар иккиси икки нарса: этимология — сўзларнинг келиб чиқишини, қайси тилға оидлигини ўрганадиган бўлса, ўзлашув — сўзларнинг қайси тил орқали мазкур тилға кириб келганлигини ҳам билдиради. Зеро, муайян бир ўзлашма келиб чиқиши ва ўзлашуви бўйича бир тилға хос — бевосита бўлиб чиқиши ҳамда келиб чиқиши бўйича бир, аммо ўзлашуви бўйича бир қатор тилларға (яъни бир неча тиллар воситачилигида ўтиб келган) хос — билвосита бўлиши мумкин. Чунончи, биз таҳлил қилаётган ўзлашмалар келиб чиқиш нуқтаи назаридан инглиз ва немис тилларига мансуб бўлса, ўзлашуви йўли, бизгача етиб келиши, асосан, рус (рус тилигача поляк, чех, фин тиллари орқали ҳам бўлиши мумкин) тили воситачилигида амалға ошган. Масалан, луғатда ўзлашмалар ёниға қўйилган қуйидагича маълумотлар: *абонент* (р<нем.), *армия* (р<фр.— лот) ва бошқалар тарзида берилган.

Бу маълумотлар расшифровка қилинадиган бўлса, яъни уларнинг маъносини очиб бериладиган бўлса, улардан икки нарса: (*абонент* сўзини оламиз) бунда у: 1) немис тилидан рус тилиға ўзлашган; 2) ўзи асли немисча сўз бўлиб, бевосита ундан рус тилиға қабул қилинган деган маънони беради. Агар мазкур сўзға берилган изоҳ, бу сўз рус тилиға немис тили воситачилигида, немис тили орқали қабул қилинган, маъносини

<sup>14</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. М., 1981, 13-бет.

<sup>15</sup> Ўзбек совет энциклопедияси. 1-том, 6-бет.

берадиган бўлса, унга эътироз билдириб бўлмайди. Аммо бу изоҳ *абонент* сўзи этимологик жиҳатдан немис тилига мансуб, у немис тилидан рус тилига бевосита қабул қилинган, деган маънони англатса, нотўғри. Чунки *абонент* сўзи келиб чиқиши нуқтаи назаридан француз тили маҳсули бўлиб, у *abonner* — *обуна бўлмоқ*, *ёзилмоқ* феълидан келиб чиққан.

Ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги имло, талаффуз ва маъно ўзгаришларини кузатиш ва уларга дифференциал анализ бериш учун мисолларни йиғишда бадий адабиёт, айниқса, вақтли матбуотга кўп мурожаат қилдик. Кўпроқ эътибор матбуотга қаратилганининг боиси шундаки, ишда ўзлашмаларнинг контекстларда актуаллашган маънолари билан қизиқилди. Чунки вақтли матбуот тил ва давр тараққиёти билан ҳамиша бирга, доимо ҳамнафасдир. Тилга муайян сўзнинг кириб келиши ва мустаҳкам ўрнашиб олишида газета асосий роллардан бирини ўйнайди. У халқнинг кундалик, моддий маънавий, сиёсий ва маданий ҳаётини акс эттиришда асосий информация манбаи ҳисобланади. Жамиятнинг ҳамма социал қатламлари билан тушунарли тилда муомала қилади, халқнинг давр билан бирга қадам ташлашига ёрдамлашади.

Газета тили аслида адабий тилдир, аммо унда сўзлашув нутқи, махсус лексика терминлари ва адабий тил ўзига хос специфик равишда мужассамлашган бўлади. Халқ тилининг бой луғат фонди ва мукамал грамматик қурилишига таяниб, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини акс эттиришга хизмат этади. Халқ хўжалиги, партия турмуши, иқтисодий-сиёсий ҳаёт, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, илм-фан ва маданиятга доир масалалар ҳақида оммага ахборот беради. Газета бадий адабиёт сингари ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга, юқори маданиятли миллатни камол топтиришга хизмат қилади. У миллионлаб кишиларнинг қалбига йўл топиши, маълумоти, қизиқиши, материал мазмунини тушуниши ва тил билиш даражаси ҳар хил бўлган одамларга мурожаат қилиши ва уларни ишонтира билиши керак. В. И. Ленин партия ва совет матбуоти ходимларига васиятларидан бирида матбуот тилининг содда, курашувчан, миллионлаб меҳнаткашларга тушунарли бўлмоғини таъкидлаб: «Максимум марксизм — бу максимум оммавийлик ва оддийлик<sup>16</sup>... тингловчиларга яхши таъсир қилиш учун маълум ҳақиқатни унга

<sup>16</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 21-том, 25-бет.

мумкин қадар ишонадиган қилиб, мумкин қадар осон тушунадиган қилиб, мумкин қадар аниқ ва эсда қаттиқ сақланадиган қилиб гапиришдан иборатдир»,— деган эди.

Газета оддий халқ тилида иш кўриши билан бир қаторда, тилнинг ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшади. Бу ҳақда В. Рубан шундай деган эди: «Саноат ва қишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт, фан ва маданиятнинг муттасил ўсиб бориши... ҳаётга кўплаб янги сўз ва ибораларни олиб келади. Булар табиий равишда, биринчи навбатда, публицистик материалларда, айниқса, шу ерда тилнинг янги структураси элементлари йиғилади»<sup>17</sup>. Немис тилшуноси Ф. Эрпенбек фикрича, газета, журнал ва радио тилга китобга қараганда кўпроқ таъсир қилар экан<sup>18</sup>. Рус олимаси А. С. Окорокова раҳбарлигида нашр этилган «Работа над словом» китобида, газета тилнинг сўз бойлиги борасида, у бадий адабиётга (беллетристикага) қараганда анча кенг ва кўп қирралироқдир, деб таъкидланади<sup>19</sup>.

Ишимизда қизиқилган нарса маълум даражада чет сўзларнинг матбуот тилида ишлатилиши бўлганлиги сабабли, унга юқорида айтилган фикрлар асосида қаралса, улар асосан тўғри эканлиги ойдинлашади. Бинобарин, муайян бир тилга кириб келаётган чет сўз ёки терминни халқ биринчи марта радио, телевидение ва газеталар орқали ўрганади. Газета (журналлар) бунда асосийроқ роль ўйнайди, чунки халқ улар орқали янги сўз билан яқиндан танишади, уни ёзилиш шаклини кўради, ўқийди. У шу янги сўз кириб келган контекст билан бевосита муомалада бўлади. Натижада шу янги сўз орқали тил эгалари янги тушунча, янги тасаввурга эга бўладилар.

Лекин масаланинг иккинчи бир томони ҳам борки, у ҳам бўлса, газета ва журналлар тилини керак бўлмаган, ортиқча чет сўзлар билан тўлдираверса бўлаверар экан, деган гап эмас. Тилнинг ўз луғат таркиби аниқ ва бекаму-кўст ифодалаб бера оладиган нарса ва ҳодисаларни чет сўзлар билан таъбирлашдан сақланмоқ керак. В. И. Ленин «Тилни тозалаш ҳақида» мақола-сида рус тилида яхшигина ифодалаб бўладиган ҳолатларда кўр-кўрона чет сўзларни қўллашни танқид қилган

<sup>17</sup> Ruban W. Zu einigen Fragen der Sprache und des Stils publizistischer Werke. Leipzig, 1974, S. 15.

<sup>18</sup> Erpenbeck F. Schreiben wir deutsch! In: NDP, 1954/4, S. 7.

<sup>19</sup> Работа над словом. М., 1974, с. 30.



эди. Недочеты, пробелы, недостатки сўзлари бўлгани ҳолда журналистларнинг *дефект* сўзини беурин қўллашларига ҳеч қандай ўрин йўқлигини уқдирган эди<sup>20</sup>. Доҳийнинг бу сўзларини миллий тилларда чет сўзлар мутлақо қўлланмаслиги керак экан, деб тушунмаслик ҳам керак. В. И. Ленин марксизм таълимоти изидан бориб ва уни қайта ривожлантириб, катта ва кичик миллатлар ва халқлар тилининг тақдири, уларнинг ўзаро тенг ва ҳамкорлик асосида ривожланиши борасида катта ғамхўрлик қилган эди. «...биронта ҳам миллатга, биронта ҳам тилга мутлақо ва ҳеч қандай имтиёз берилмасин»<sup>21</sup>.

Бу масалалар бизнинг мамлакатимизда доҳий вазиятларига амал қилингани ҳолда, ленинча миллий сиёсат асосида муваффақиятли ҳал этилаяпти. Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётнинг кўпчилик соҳасида, асосан Европа мамлакатларида қилинган ихтиро ва янгиликлар минглаб янги термин ва тил бирликлари яратдики, булар ўзбек тили учун муҳим ва зарур эди.

Бу сўзларнинг ҳаммаси, аввало, ўзбек тилининг лексик таркибида ўз ифодасини топди, натижада унинг лексикаси қатлами миқдор жиҳатдан ўзгарди, чет сўзлар ҳисобига кўпайди.

1929 йилда Самарқандда ўтказилган Тил ва имло конференцияси ўзбек тили терминологик лексикасини бойитишда рус-интернационал терминологияга суяниш зарурлиги ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Амалга оширилиши лозим деб топилган бу фикр тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарор эди. Бинобарин, чет сўзларнинг кириб келиши (айниқса, терминологик бирликлар) ҳар бир тил учун нормал ва муқаррар ҳодисадир. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. У тилнинг тараққиётида объектив ва зарурий фактордир.

Тилшунослик (тиллар) тарихидан маълумки, ҳар хил тарихий шарт-шароитларга ва сабабларга кўра, бир тил иккинчисидан кўпроқ, наригиси эса озроқ сўз ўзлаштирган. Гоҳ пайтларда сўз ўзлаштириш ўрни ва ҳажми тиллар ўртасида алмашиб турган. Улар маълум даврда қабул қилувчи (рецептор) тил ролини ўтаган бўлса, бошқа даврда у манба (источник) тил вазифасини бажарган. Масалан, ўтмишда Европада сўз ўзлашуви ва янги лексик бирликлар яратилиши лотин ва грек тиллари, Осиёда (айниқса мусулмон

<sup>20</sup> Қаранг: Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 40-том, 57-бет.

<sup>21</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 136-бет.

ламлакатлари ўртасида) араб ва форс тиллари асосида эди. Кейинчалик эса француз, немис, айниқса ҳорирги даврда рус ва инглиз тилларининг аҳамияти ўшдики, сўз ўзлашуви ва терминология масалалари кўпинча шу тилларга асосланмоқда.

Ўзбек тили ўзининг тарихий ривожланиш босқичларида аввал форс, араб тиллари билан яқин алоқада ва ҳамкорликда бўлган бўлса, энди буюк рус тили ва унинг воситачилигида Европа тиллари билан муттаъил, узвий алоқа ва ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбек тили ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, самимий ва рационал равишда бу тиллардан кириб келаётган янги-янги тил элементларини қабул қилмоқда. Улар ўзбек тилида ижтимоий ҳаёт ва фаннинг янги соҳалари ва ҳодисаларини номлаш ва ифодалашда қўл келмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзбек халқи ҳаёти ва тилида аввалдан мавжуд бўлмаган янги тушунча ва тасаввурларни билдиради.

Ўзлашиш масалаларини бадий адабиёт ёки вақтли матбуотдан ўрганиш жуда кенг манбаларга эга. Газета ва журналларимиз сонигина эмас, бадий адабиётнинг ўзини қамраб олиш ҳам жуда мушкул иш. Шунинг учун ишда асосан бир журнал — «Фан ва турмуш» (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ойлик илмий-оммабоп журнали) ва икки газета — «Совет Ўзбекистони» (Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи), «Хоразм ҳақиқати» (Ўзбекистон Коммунистик партияси Хоразм область комитети ва халқ депутатлари область советининг органи)га асосланилди. Қисман бадий адабиётлардан ва бошқа газеталардан иш учун жуда зарур деб топилган мисоллар йиғилди. Герман тилларига оид сўзлар бу манбалардан ўзлари қўлланилаётган контекст, гап, тўлиқ маъноси акс эттирилган иборалар (бу ҳолат кўпинча мақола сарлавҳалари учун характерлидир) шаклида кўчириб олинди. Бундан асосий мақсад, ўзлашмаларнинг текстда актуаллашган маъносини кузатиш эди. Чунки фақат тўлиқ гап ёки контекстдагина сўз ўз маъносини тўла очишга қодир бўлади.

Номланган манбалардан ўзлашмаларни қидириш икки усулда: 1) «Ўзбек совет энциклопедияси» ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган ўзлашмалар рўйхати асосида ва 2) бу қомуслар қайд қилиб улгура олмаган ўзлашмалар бўлиши мумкинлиги на-

зарда тутилиб олиб борилди. «Фан ва турмуш» журналининг 1980—1986 йиллар сонлари, «Совет Ўзбекистони» ва «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 1984—86 йилги сонлари кўриб чиқилди. Ишнинг асосий мақсади ўзбек тилига герман тилларидан кириб келган сўзларга сон ва сифат анализи беришдир. Бошқача қилиб айтганда: 1) ўзбек тили луғат таркибига ўтган ва ўзбек адабий тили ҳамда сўзлашув нутқида қўлланилиб келатган герман тилларига оид сўзларни йиғиш ва ҳажмини (тахминий) аниқлаш; 2) уларни тематик группаларга ажратиш; 3) улардаги ўзлашиш жараёнида рўй берган фонетик, орфографик ва семантик ўзгаришларга дифференциал анализ бериш; 4) йиғилган конкрет мисоллар асосида ўзлашмаларнинг герман ва ўзбек тилларидаги ҳозирги маъноларини таққословчи луғат тузишдир.

**Ўзлашма сўзларнинг тематик группалари.** Ўзлашмаларни йиғишда қўлланган луғатлардан, журнал ва газеталар саҳифаларидан тўпланган мисоллардан маълум бўлишича, ўзбек тилида анчагина герман тилларига мансуб бўлган сўзлардан ҳозирги кунда фойдаланиб келинапти. Улардан айримлари кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турса, баъзилари айрим соҳа терминлари сифатида онда-сонда қўлланади. Шу сабабли бу ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги тақдири, миллий тил ва сўзлашув нутқидаги қўлланилиш ўрни ҳам турличадир. *Бак, банк, бухгалтер, бутерброд, галстук, гол, грейдер, жерси, жинси, диспетчер, лифт, нейлон, матч, митинг, комбайн, компьютер, курорт, фартук* каби ўзлашмалар кундалик ҳаёт ва турмуш соҳаларини ифодалашда актив қўлланилиб келаяпти. Айрим ўзлашмалар тарихий адабиётларда, яъни тарихнинг муайян бир босқичини акс эттирувчи материалларда учрайди. Бу сўзлар лексикологияда историзмлар деб ҳам аталади. Бир неча мисол келтирамиз: *«Кўпгина рицарларнинг помещьелари ҳам деярли мустақил кичкина давлатчалар эди. Уларнинг баъзилари шу қадар кичкина эдики, одамлар бу ҳақда ҳазил-мазах қилиб, рицар ухлашга ётганида боши ўзининг ерида, оёғи эса қўшнисининг ерида туради», дейишар эди* (Ўрта асрлар тарихи). *Завод ичкарисида жинлар пахта тозалаб чиқармоқда* (Ж. Шарипов). *Чартизм — ҳақиқатан ҳам оммавий-сиёсий жиҳатдан расмийлашган, пролетариатнинг биринчи кенг революцион ҳаракати — мағлубиятга учради, чунки чартистларнинг жанговар марксистик партияси йўқ эди* (Янги тарих). Бун-

дай сўзларга яна *герцог, ландскнехт, кайзер, камер-динер, маркграф* ўзлашмаларини киритса бўлади.

Ўзлашмалар ичида айрим сўзлар борки, улар ҳозирги кунда бутунлай истеъмолдан чиқиб, уларнинг ўрнига бошқа лексик бирликлар ишлатилади. Масалан, немис тилидан ўтиб келган *почтмейстер, полицмейстер* каби сўзлар ўзбек халқи ҳаётида Улуғ Октябрь социалистик революциясигача учрар эди. Энди бу сўзлар почта бошлиғи, милиция начальниги ибораларига ўрнини бўшатиб беришди. Улар архаизмларга айланишди. Масалан: *Маҳаллий аҳолидан... ёш революцион кучлар рус демократлари таъсири остида аҳоли ўртасида сиёсий тарғибот ишлари олиб бордилар. Султонхўжа Қосимхўжаевнинг сиёсий ҳаракатда иштирок этиши ҳақида Тошкент эски шаҳар полицмейстери махсус ахборот берган эди* («Гулистон»).

Айрим ўзлашмалар, мана бир неча ўн йилдирки, бизга немис ва инглиз халқлари ва уларнинг турмуш тарзини, вақт, ўрин ва миллий колоритини билдирувчи сўзлар сифатида газета ва журналларимиз саҳифаларида актив қўлланилиб келаяпти. Буларга *бундестаг, бундесканцлер, бундесрат, бургомистр, лорд, лейборист, марка, фунт, стерлинг, гер, фрау, мистер, жен-тельмен, фрейлина* ва бошқаларни киритиш мумкин. *Федерал президент фон Вайцзеккер 8 май кун бундестагда сўзлаган нутқида ватандошларимнинг жуда кўпчилиги номидан гапирди* («Совет Ўзбекистони»). ...кино санъатидаги бизнесменлар ўз фойдасини олади, бошпанасиз 4 миллион америкалик каби ва-шингтонлик уйсизларнинг турмушида эса ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди («Совет Ўзбекистони»). Умуман олганда, герман тилларидан ўзбек тилига кириб келган ўзлашмаларнинг қўлланилиш соҳалари ва ўринлари турлича характерга эга. Уларни бир неча тематик группаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзлар: *бихевиоризм, катедер — социализм, бойкот, лейборист, лорд, консерваторлар палатаси, лютеранлик, индпендентлар, гештальт-психология, тред-юнион, штрейкбрехерлар, юнкер, чартист, чартизм* ва бошқалар.

2. Фанга ва унинг турли соҳаларига оид: а) тилшунослик: *аблаут, ауслаут, инлаут, умлаут, кнаклаут, алгол*; б) адабиётшунослик: *фольклор, сага, детектив адабиёт*; в) ботаника: *рапс, эдельвейс, мангро, грифель, райграс*; г) физика: *рентген, рентгенаппарат, ом* (ўлчов бирлиги), *герц*,

футеровка, флигель, лазер, ватт, фидер, пудлинглаш;  
д) зоология: горилла, кенгуру, вальдшнеп, дроссель, дракон; е) химия: висмут, цинк, кварц, кокс, кобальт, поташ, гуттаперча, кварцит, баббит; ж) биология: инбридинг, аутбридинг, мимикрия, лилипут; з) медицина: вазелин, шприц, гайморит, бруцеллёз, бинт, курорт, курзал, фельдшер, терренкур; и) геология ва география: горст, грунт, глетчер, фирн, зумпф, мульча, грабен, масштаб, мульда, ландшафт; к) минерология: штрек, шурф, шлак, мергель, шлам, лёсс, керн, торф.

3. Техника ва транспорт: автокара, автодрезина, автобус, автопług, аэробус, бормашина, букса, вагон, дизель, дрезина, дрель, грейфер, катер, кран, крейсер, лобзик, лифт, роллер, бульдозер, комбайн, конвейер, компьютер, лайнер, танкер, траулер, трамвай, транзистор, рекордер, троллейбус, болт, шуруп, шайба ва бошқалар.

4. Мато ва кийим кечаклар: бельтинг, бостон, коверкот, линт, линтер, нейлон, дедерон, камволь, пижама, свитер, ледерин, замша, фартук, галстук, макинтош, шевиот, ватерпакет, бюстгальтер.

5. Музыка ва ўйинларга оид: жаз, фокстрот, балетмейстер, хормейстер, твист, камертон, концертмейстер ва бошқалар.

6. Кулинария: бифштекс, бутерброд, шницель, ромштекс.

7. Савдо ишлари ва пул бирликлари: марка, пфенниг, талер, доллар, шиллинг, фунт, стерлинг, вексель, прейскурант, бизнес, демпинг, ярмарка.

8. Спортга оид: бокс, нокаут, нокдаун, гандбол, матч, голкипер, трек, хоккей, стайер, теннис, ватерполо, кегельбан, чемпион, чемпионат, кросс, спринт, спринтер, волейбол, футбол, баскетбол, регби, тайм, финиш, гантель, штанга, миттельшпиль, эндишпиль, цейтнот, гроссмейстер.

9. Ўрин-жой тушунчасини англатувчи сўзлар: вокзал, аэровокзал, аэроклуб, автопарк, парк, концентрацион лагерь, сквер, бухта, зал, курзал, конференцзал, лагерь, пакгауз ва бошқалар.

10. Ҳарбий иш ва ҳарбий саноатга оид сўзлар: бруствер, блицкриг, бундесвер, фельдегер, фельдмаршал, фаустпатрон, ефрейтор, гестапо, гауптвахта, гильза, лейбгвардия, маршал, матрос, маузер, револьвер, ротмистр, унтерофицер, вермахт, танк ва бошқалар.

Булардан ташқари, қурувчиликка (*балка, кафель, шйфер, кронштейн*), босмахонага ва у ердаги ишларга оид (*штрих, колонцифра, фальцовкачи, фальцаппарат*), овчиликка оид (*егерь, патронташ, ягдташ*) каби ўзлашмалар бор.

Тематик рўйхатдан кўриниб турибдики, герман тилларидан ўзбек тилига рус тили орқали фан-техника, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид, махсус лексика ва сўзлашув нутқига мансуб хилма-хил ном ва атамалар кириб келган.

Ўзлашмаларнинг ўзбек тили луғат таркибига кириб келиш ва ундан кейинги даврларда учраган шакл ва мазмун ўзгаришларига назар ташласак, уларда анча ўзгаришлар ва мослашишлар юз берган. Уларни қуйидаги темаларга бўлиб ўрганилди.

1. Ўзлашмалардаги фонетик ўзгаришлар.
2. Ўзлашмалардаги морфологик ўзгаришлар.
3. Ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар.

#### ЎЗЛАШМАЛАРДАГИ ФОНЕТИК (ГРАФИК) ЎЗГАРИШЛАР

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, герман тилларидан кириб келган сўзлар ўзбек тилининг имло ва талаффузи қоидалари таъсирида маълум даража адаптация жараёнини бошидан кечирганлар. Улар, аввало, рус тилининг орфографик ва орфоэпик қонун-қоидаларига мослашиб, кейин ўзбек тили таъсирида муайян ёзилиш ва айтилиш шаклини олган. Бу жараён диахроник ва синхроник нуқтаи назардан олиб ўрганилса, мазкур ўзлашмалар ўзбек тили луғат таркибига кириб келиш жараёнида, айниқса, унинг дастлабки даврларида (XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида) сўзлашув тилидаги шаклида ёзувга қабул қилинганлиги маълум бўлади. Масалан:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>иштироп</i>	<i>штраф</i>	Strafe
<i>кўчир</i>	<i>кучер</i>	Kutscher
<i>бакенбурт</i>	<i>бакенбард (а)</i>	Backenbart
<i>тирамвай</i>	<i>трамвай</i>	tramway
<i>иштон</i>	<i>штаб</i>	Stab
<i>йормонка</i>	<i>ярмарка</i>	Jahrmarkt

Баён яна кўرғазмалироқ бўлиши учун ўша давр газеталаридан айрим мисоллар келтирамиз: ...*поручик Орнидарниковга иштонс-капитан чини берилди* («Туркистон вилоятининг газети»). ...*ҳар бир истер-*

лингаси олти сўму 28 ярим тийин туради («Туркистон вилоятининг газети»). Ҳар доим савдоларимиз Қозонда ...ва ҳам Тошкандда ва ҳам йормонкаларда: Тубанда зикр ўлингон моллар сотилади. Кавуш маҳсилар, ҳар хил фабрик резинка калушлар, шагрён ва амиркон этиклар, нўғойи дўппи, қозони дастурхон... («Тараққий»).

Газета материалидаги мисоллардан равшан кўришиб турибдики, бу даврда сўзлар қандай айтилса ва эшитилса, шундай ўзлаштирилган<sup>1</sup>. Бу даврда яна бир қизиқ ҳолатни кузатиш мумкин. Айрим ўзлашмалар ўзбек тилида азалдан бор бўлган ва маъноси шу қабул қилинаётган сўз англатадиган тушунчага яқин сўзларга қиёслаб, ўхшатиб қўлланилган. Бу ҳодиса тилшуносликда халқ этимологияси деб юритилади<sup>2</sup>. Масалан, *кучер* (kutscher) ўзлашмаси *кўчир* бўлиб, яъни «ташувчи, кўчирувчи» маъносидаги тасаввур билан ўзбек тилига ўтган. *Бакенбард* (Backenbart) сўзидаги аниқланмиш сўз, яъни қўшма сўзнинг иккинчи компоненти *бард*, *бурт* бўлиб, ўзбекчадаги *мурт*, *мўйлов* эквивалентига ўхшатиб ўзлаштирилган. Бинобарин, бу сўзларни қабул қилишда халқ ўзлашиш масаласига бирмунча «ижодий» ёндашган. Халқ тасавбурида уларнинг маъноси тўғри ангалиб, ўзбек тилидаги шуларга ўхшаш, аввалдан мавжуд ўзбекча сўзларни айтилиши ва ёзилишига мослаб қабул қилинган.

Бундай ҳолатлар, сўзлар талаффузидаги ва имлосидаги стхияли кўринишлар, асосан араб (1928 йилгача) ва лотин графикаси (1940 йилгача)да ёзилган адабиёт ва матбуот саҳифаларида учрайди. Мазкур ҳолатлар сўзлашув нутқида, айниқса, оғзаки сўзлашув нутқида ҳозир ҳам учрайди.

Араб ва лотин графикаси даврида қабул қилинган сўзларнинг кўпчилиги «...рус тилидан кирган сўзларнинг ёзилиши ва талаффузи у ёқда турсин, ҳатто ўзбек тилининг нормаларига ҳам мос келмас эди»<sup>3</sup>.

Рус графикасига асосланган янги ўзбек алфавити қабул қилинганидан кейин рус ва ўзбек тиллари учун умумий бўлган орфографик ва орфоэпик нормалар юзага келди. Чет сўзларнинг имло ва талаффузи нор-

<sup>1</sup> Ақобиров С. Ф. Баъзи совет-интернационал сўзларининг имлоси ҳақида.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1971, 2-сон, 43-бет.

<sup>2</sup> Микитич Л. Д. Иноязычная лексика. Л., 1967, с. 73.

<sup>3</sup> Асфандиёров И. У. Рус тилидан сўз ўзлаштириш билан боғлиқ баъзи бир масалалар.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1981, 5-сон, 3-бет.

маллаша бошлади, чунки бунда етакчи негиз қилиб, уларнинг рус тилидаги айтилиши ва ёзилиши шаклига яқинлаштириш принципи олдинга сурила бошланди. Яъни «қабул қилинган сўзлар рус тилида қандай формада бўлса, шундай формада ўзлаштириш тенденцияси пайдо бўлди, тараққий қилди ва мустақкамланмоқда»<sup>4</sup>. Кейинги пайтларда ўзбек алфавитига яна айрим ўзгартиришлар киритиш лозимлиги, рус тилидан қабул қилинган сўзлар фамилияларда *ы* ва *щ* ҳарфларини қўллаш (выставка, ящик) кераклиги таъкидланмоқда<sup>5</sup>.

Рус тилидаги оригиналдан фарқ қиладиган айрим чет сўзларнинг имлосини С. Ф. Ақобиров 9 гурпуага<sup>6</sup>, М. У. Қартоев ўзлашмалардаги ўзгаришларни, улардаги ҳар хил кўриниш вариантларини қабул қилувчи тил хусусиятига кўра ички ва ташқи (манба тил характериға кўра) факторларға ажратади<sup>7</sup>. Олим уларни 12 гурпуага бўлиб ўрганган. Ж. Ҳамдамов рус тилидан ўзбек тилиға ўзлашган сўзлардаги комбинаторик ўзгаришларини протеза, эпентеза, эпитеза, апокопа, синкопа, метатеза, ассимиляция ва диссимиляция каби фонетик ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганган<sup>8</sup>.

Герман тилларига мансуб сўзларнинг ўзбек тилида ифодаланиш масаласига келсак, уларни ўзбек тили имлоси ва талаффузига ўхшашлиги ва ундан фарқларига кўра қуйидаги гурпуаларға бўлиб ўрганиш мумкин.

### Ўзлашма сўзларнинг имло ва талаффузи

Маълумки, бирор чет сўз иккинчи бир тилға қабул қилинадиган бўлса, қабул қилувчи тил уни, иложи борича, манба тилдаги имло ва талаффуз шаклини сақлаб қолиши керак. Бу тенденция имлоси (шрифти) бир хил тиллар учун ёзилишда қийинчилик туғдирмайди, айрим фарқлар фақат ўқилишида бўлиши мумкин. Аммо имлоси ҳар хил шрифт асосида иш кўрувчи тилларда бу масалаға бирмунча жиддийроқ қарамоқ керак. Чунки, аввало, ҳарф, қолаверса, товушларнинг

<sup>4</sup> Уша ерда.

<sup>5</sup> Уша ерда.

<sup>6</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти», 1971, 2-сон, 43-бет.

<sup>7</sup> Қартоев М. У. Орфография заимствованных слов. АҚД. Л., 1982, с. 12.

<sup>8</sup> Ҳамдамов Ж. Из истории русских лексических заимствований в узбекском языке (вторая половина XIX века). АҚД. Ташкент, 1963, с. 12.



бир-бирига ўхшамаслиги сўзларнинг транслитерация масаласини бироз қийинлаштириб қўяди. Шрифти ҳар хил тиллардаги ўзлашма сўзларни имло ва талаффузи кузатиладиган бўлса, уларни асосан уч хил кўринишда дифференциация қилиш мумкин:

1. Манба тил ёзув ҳарфларини қабул қилувчи тил ёзув ҳарфлари билан (транслитерация йўли) ифодалаш.

2. Манба тил нутқ товушларининг қабул қилувчи тил нутқ товушларининг белги ва ҳарфлари билан (транскрипция йўли) ифодалаш, яъни ўзлашма сўзни манба тилда айтилишига асосан қабул қилиш.

3. Манба тил нутқ товушларига қабул қилувчи тилда мос товуш бўлмай қолиб, уни бошқа ёки ўхшашроқ товуш билан қабул қилиш.

Ўзбек тилидаги герман тилларидан қабул қилинган ўзлашмалар таҳлилида шуни эсдан чиқармаслик керакки, улар ўзбек тилига келгунча, аввало, рус тилида муайян имло ва талаффуз шаклларини олишган ва шу асосда ўзбек тилига ўтиб келишган. Кейинги даврда (1940 йилдан кейин) рус ва ўзбек тилларининг кирилл шрифтида, бир хил ёзувда бўлиши ва рус (совет)-интернационал терминологиясини ўзбек тилига бузмасдан, ўз ҳолича олиш анъаналари герман тилларига оид сўзларни худди рус тилида ёзилиш ва айтилиш шаклларининг сақланишига олиб келди. Фақат оғзаки нутқда талаффуз борасида айрим ўзбеклаштириш ҳолатларини кузатиш мумкин, холос.

Герман тиллари ёзув ҳарфларини ўзбек тили ёзув ҳарфлари билан қабул қилинган сўзлар. Бу группага ўзбек тилига ўтиш жараёнида имлосида ўзгаришларсиз қабул қилинган сўзлар киради. Ўзбек тилига бу йўсинда ўзга тиллардан кириб келган ўзлашмалар нисбатан кўп. Масалан, «Русча-интернационал сўзларнинг изоҳли луғати»даги 7000 дан ортиқ ўзлашманинг 30 процентидан ортиқроғини ёзилиши айнан бўлган сўзлар ташкил қилар экан<sup>9</sup>. Аммо ўзбек тилидаги герман тилларига мансуб сўзлар орасида бу нисбат, миқдор жиҳатидан ҳар хил кўринишга эга, немисча ўзлашмаларда кўп, инглиз сўзларида эса оз. Бунда инглиз тилининг талаффуз қоидалари мураккаблиги сабаб бўлган

<sup>9</sup> Дониёров Р. Рус тили — ўзбек тили техникавий терминологиясини бойитувчи манба. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1976, 2-сон, 17-бет.

бўлиши керак, улар ҳаммаси бўлиб 13 сўзни ташкил қилади.

Бу группа сўзларнинг қиёсланаётган тилларда фақат ёзув ҳарфларининг ўхшашлиги асосида ажратилиши (фарқланиши), аммо талаффузи эса манба ва қабул қилувчи тилларда бошқача бўлиши мумкинлиги, уларни яна икки кичик группага бўлиб ўрганишни тақозо қилади:

а) имлоси ва талаффузи айнан ва ўхшаш ўзлашмалар;

б) имлоси ўхшаш, аммо талаффузи бошқача сўзлар. Биринчи группага урғунинг ҳам мос келишини кўзда тутиб, аввало, бир бўғинли ўзлашмаларни мисол тариқасида келтирамиз:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>кран</i>	<i>кран</i>	'Kran
<i>ринг</i>	<i>ринг</i>	'Ring
<i>блок</i>	<i>блок</i>	'Block
<i>лифт</i>	<i>лифт</i>	'Lift
<i>линт</i>	<i>линт</i>	'lint

Ўзлашмаларда ёзилиш ва айтилиши мос бўлиб, аммо урғу ўрни ўзгариб қолиши мумкин. Бу ҳодиса кўп бўғинли ўзлашмаларда учрайди:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>абзац</i>	<i>абзац</i>	,Atsatz
<i>бухгалтер</i>	<i>бухгалтер</i>	,Buchhalter
<i>компост</i>	<i>компост</i>	'compost
<i>пи-г-понг</i>	<i>пикг-понг</i>	'ping-pong

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, герман тиллари сўзлари ўзбек тилига қанчалик тўғри транслитерация қилинмасин, унли ва ундош товушларнинг талаффузи ва яна бир қанча фонетик (артикуляция) хусусиятларига кўра фарқ қиладилар.

Иккинчи группага имлоси ўзбек тили ва герман тилларида ўхшаш, аммо талаффузи ҳар тилнинг ўз айтилиш қоидалари бўйича ўқиладиган сўзлар киради. Бу ҳолат кўпроқ инглиз тилига мансуб ўзлашмаларда кузатилади:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>парк</i>	<i>парк</i>	'park' ('pa:k)
<i>бар</i>	<i>бар</i>	'bar ('ba: )
<i>клуб</i>	<i>клуб</i>	'club ('klʌb)
<i>лазер</i>	<i>лазер</i>	'laser ('leisə)
<i>пфенниг</i>	<i>пфенниг</i>	'Pfennig ('pfennniç)

Биз бу ерда яққол фарқли мисоллар келтирдик. Аслини олганда эса, талаффузи озми-кўпми манба ва қабул қилувчи тилларда фарқ қилмайдиган сўз жуда кам, аслида йўқ деса ҳам бўлади.

Герман тиллари нутқ товушларининг ўзбек тили нутқ товушлари белги ва ҳарфлари билан акс эттирилган сўзлар. Бу группага ёзилиши ҳар хил ҳарфлар билан ифодаланган, аммо ўқилиши (айтилиши) ўхшаш сўзларни киритса бўлади. Бу ҳолат ўзлашмаларда ҳам ҳажм нисбати инглиз тилига мансуб сўзларда кўп:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>акваланг</i>	<i>акваланг</i>	aqualung
<i>комбайн</i>	<i>комба н</i>	combine
<i>сейф</i>	<i>сейф</i>	safe
<i>ши</i>	<i>щи</i>	Schtschi
<i>шлиц</i>	<i>щлиц</i>	Schlitz

Герман тиллари нутқ товушларига ўзбек тилида мос товуш бўлмай, уни бошқа ёки ўхшаш товушлар билан қабул қилинган ўзлашмалар. Товушлар ўхшашлиги орасидаги фарқ инглиз ва рус тилига қараганда немис тили билан рус тили ўртасида кўпроқдир. Шунинг учун рус ва ўзбек тилига ўтиб келган ўзлашмалар орасида мутлақо бошқа ва сал ўхшаб кетган товушлар билан қабул қилинган сўзлар борасида гап кетса, аввало, немис, кейин инглиз тилига мансуб сўзлардан мисол келтирган маъқул. Бу ҳолат немис тилидаги умлаутли ўзлашмаларни, «h»—бўғиз ва «l» ён товушини, инглиз тилида эса «h» товушининг берилишида кўпроқ кўзга ташланади:

ўзбекча	русча	герман тиллари
<i>дюна</i>	<i>дюна</i>	Düne
<i>флигель</i>	<i>флигель</i>	Flügel
<i>гантель</i>	<i>гантель</i>	Hantel
<i>хоккей</i>	<i>хоккей</i>	Hockey

Мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз ва немис тилидаги қайд қилинган товушларни ифодалашда рус тили ожизлик қилган. Аммо умумий анъанага биноан улар рус тилидаги шаклида ўзбек тилига ўтишган. Ўзбек тилининг товуш системаси эса бу товушларни манба тиллардаги каби айнан ифодалашга қодир. Бу ҳақда кейинги бобларда бафуржа сўз юритамиз.

Герман тилларидан ўзбек тилига қабул қилинган сўзларнинг имло ва товуш жиҳатидан ўзбек тилида ифодаланиши, айниқса, улар ўртасидаги фарқли ҳолатлар шу даражадаки, уларни юқоридаги уч группа асосида дифференциация қилиш камлик қилади. Бунинг устига яна уларнинг рус тили орфографик ва орфоэпик қоидалари остида ўзбек тилига қабул қилинганлиги яна айрим фарқларни келтириб чиқаради. Лекин ҳар бир ҳолат учун алоҳида қоида яратиш ва таъриф бериш ҳам мушкул иш. Чунки кўрсатилмоқчи бўлган фарқлар айрим ўзлашмаларда умумий характерга эга бўлса, айрим ҳолатларда ҳар бир ўзлашмага алоҳида тўхталмоқ керак. Улардаги фарқлар бири-бирига ўхшамайди. Бир товушнинг ўзининг ифодаланиши ҳар ўзлашмада ҳар хил ифода қилинган. Қўшимча қилиб, герман тилларидаги талаффуздаги қоидадан мустасно ҳолатлар ва уларнинг қабул қилинишидаги стихияли ҳолатлар номланадиган бўлса, фарқли ҳолатлар яна ҳам кўпайиб кетади.

Шундай бўлса ҳам, бу масалани, иложи борича, бафуржароқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Аммо бунинг учун, аввало, герман тиллари товуш системасини ўзбек тили талаффуз қоидалари билан қиёслаш керак. Тилларни, яъни немис ва инглиз тилини, алоҳида-алоҳида ўзбек тили артикуляцион қоидалари билан таққослаймиз.

Ўзбек тили унлилари тил ва лабларнинг иштирокига кўра уч хил йўл билан классификация қилинади, яъни тилнинг горизонтал ҳолатига кўра, тилнинг вертикал ҳолатига кўра ва лабларнинг иштирокига кўра фарқланади<sup>10</sup>. Немис тилида унлилар 5 хил йўл билан классификация қилинади: 1) ҳосил бўлиш ўрнига кўра; 2) тилнинг кўтарилишига кўра; 3) лабларнинг иш-

---

<sup>10</sup> Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 48-бет.

тирокига кўра; 4) айтилишига кўра: чўзиқ ва қисқа; 5) сифатига кўра: кенг ва тор<sup>11</sup>.

Классификация турларидан кўриниб турибдики, немис тилида ўзбек тилига қараганда унлиларнинг тўғри талаффуз қилинишида икки хусусият: чўзиқлик ва қисқалик: кенг ва торлик ортиқчадир. Бу хусусиятлар ўзбек тилида, айрим шева хусусиятларини эътиборга олмаганда, йўқ ва улар албатта чет сўзнинг талаффузини кўпчилик ҳолатларда ўзбеклаштиришга олиб келади. Бундан ташқари, немис тилида ҳамма қисқа унлилар кучли қайтиш (*der feste Absatz*) билан талаффуз қилинади, чунки товуш пайчалари (боғичлари) талаффуз охирида бўшашмайди ва кейинги турган ундош ўзидан олдин турган ундош товушига қўшилиб кетади, масалан: *Ring* ('*rin*), *Abriß* ('*apris*).

Ҳамма чўзиқ унлилар эса кучсиз қайтиш (*der lose Absatz*) билан талаффуз қилиниб, товуш боғичлари талаффуз охирида бўшашмайди ва кейинги турган ундош ўзидан олдин турган унли товушга бирданига қўшилиб кетмайди: *Kran* ('*kra:n*), *Bundestag* (*byndəs'ta:k*).

Немис тилида унлиларнинг чўзиқ ва қисқалиги, кенг ва тор талаффуз қилиниши фақат фонетик хусусиятгина бўлиб қолмай, улар сўз маъносига ҳам таъсир қиладилар, яъни чўзиқ унлилар қисқа ёки қисқа унлиларнинг чўзиқ талаффуз қилиниши сўз маъносини бутунлай ўзгартириб юборади. Масалан: *strafen* ('*stra:fən*)—«жарима солмоқ», *straffen* ('*Strafən*)—«таранг тортмоқ», *Beet* ('*be:t*)—«жўяк», *Beet* ('*bet*)—«карават», *Bienen* (*bi:nən*)—«асал арилар», *binnen* ('*binən*)—«ичкарисида» каби маъноларига эга.

Унлиларнинг чўзиқ ва қисқа талаффуз қилиниши немис тилининг специфик хусусиятларидан бири бўлгани сабабли, уни ўрганувчи ҳар бир киши бу ҳолатни жуда қўнғин билан ўрганиб олмоғи ва унга катта эътибор бермоғи керак. Акс ҳолда, сўзлашганда тушуниш ва бир-бировининг фикрини англаш қийин бўлади. Катта-кичик англашилмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Энди ўзбек тили унлиларини инглиз тили унлилар системаси билан таққослаймиз. Инглиз тилининг унли товушлари қуйидагича<sup>12</sup> классификация қилинади:

<sup>11</sup> Бондаревский Б. Л., Субботина И. А., Шваб Р. Г., Аъзамов М. Немис тили дарслиги. Тошкент, 1978, 404-бет.

<sup>12</sup> Барнохўжаева Х. С. English. Тошкент, 1979, 8-бет.

1. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра: а) олд қатор унлилар; б) ўрта қатор унлилар; в) орқа қатор унлилар.

2. Тилнинг товушни талаффуз этилишида иштирок этган қисмининг кўтарилиш даражасига кўра: а) юқори кўтарилиш ёки ёпиқ унлилар; б) ўрта кўтарилиш ёки ўрта кенг унлилар; в) қуйи кўтарилиш ёки очиқ унлилар.

3. Лабларнинг ҳолатига кўра: а) лабланган унлилар; б) лабланмаган унлилар.

4. Айтилишига кўра: а) чўзиқ унлилар; б) қисқа унлилар.

Инглиз ва ўзбек унли товушларининг фарқи масаласида, уларнинг, аввало, сон жиҳатидан тўғри келмаслиги; ўзбек тилида 6 фонема, инглиз тилида эса 21 фонема борлигини қайд қилмоқ керак. Қолаверса, икки тилдаги унли фонемаларнинг системаси сифат жиҳатидан фарқ қилади. Бу фарқ унлиларнинг талаффузи жараёнидаги тилнинг ҳаракати, кўтарилиш даражаси, ўрни ва лабнинг ҳолатида сезилади. Булардан ташқари, инглиз унлиларининг монофонг, дифтонгоид, дифтонг турлари бор. Ўзбек тилида эса дифтонг ва дифтонгоидлар йўқ<sup>13</sup>. Масалан: *pool* ('pu:l), *foot — ball* ('fu:tɒ:l) сўзларида [u:] унли товуши тил орқа, қатор лабланган, чўзиқ ва дифтонглашган товушдир. Ўзбек тилида эса бу унли тил орқа, лабланишган, аммо қисқа ва дифтонглашмаган ҳолда (*пул, футбол*) талаффуз қилинади. Ёки бўлмаса [eə] инглиз тили дифтонгини олайлик. Мазкур товушнинг ядроси лабланмаган ярим очиқ, тил олди [e] товуши бўлиб, *глайди* [ə] унлисидир. [eə] дифтонгига ўхшаш товуш ўзбек тилида йўқ. Масалан, *airbus* (eəbʌs), *airclub* (eəklʌd) сўзлари *аэробус, аэроклуб* тарзида ёзилиб, *айрўбус, айрўклуб* бўлиб ўқилади.

Ундош товушларга келсак, ўзбек тилида ҳам немис тилидаги каби ундошлар унлилардан бошқача принципларга асосланиб классификация қилинади. Чунки ундошлар пайдо бўлиши, жаранглилиги, жарангсизлиги, овознинг иштироки, соф ҳамда мураккаблиги ва шунга ўхшаш қатор белгилари билан унлиларга нисбатан хилма-хилдир.

Ўзбек тилида ундошларнинг умумий бўлинишини кўрсатувчи белгилар бешта:

<sup>13</sup> Уша асар, 9-бет.

1. Пайдо бўлиш ўрнига кўра: а) лаб ундошлар; б) тил ёки тил-тиш ундошлар; в) бўғиз товушлари.
2. Айтилиш усулига кўра: а) портловчи ундошлар; б) сирғалувчи ундошлар.
3. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра: а) жарангли ундошлар; б) жарангсиз ундошлар.
4. Овоз иштирокига кўра: а) сонор ундошлар; б) шовқинли ундошлар.
5. Составига кўра: а) соф ундошлар; б) қоришиқ ундошлар<sup>14</sup>.

Немис тилида эса ундошлар уч группа асосида классификация қилинадилар:

1. Ҳосил бўлиш усулига кўра: портловчи, сирғалувчи, аффрикат, бурун (ён), титроқ ундошлар.

2. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра: лаб (лаб-лаб, лаб-тиш), тил олди, тил ўрта, тил орқа ва кичик тил ҳамда бўғиз ундош товушлари.

3. Овоз пайчаларининг иштирокига кўра: жарангли, жарангсиз ва сонор ундош товушлари<sup>15</sup>.

Ўзбек ва немис тилларида ундош товушларнинг классификацияси турли группаларга ва турли хил номланиб ўрганилсалар ҳам, уларнинг умумий белги ва характерлари ўхшайди. Кўпчилик ундошлар артикуляция ўрни билан озроқ фарқ қилинса-да, талаффузлари бир-бирига анча яқин туради. Буларга *s, z, t, n, p, j, v, h, x* каби ундош товушларни кўрсатса бўлади. Айрим ундошлар бўғин бошида, сўз охирида қаттиқроқ, кучли зарб билан талаффуз қилиниши жиҳатидан ўзбек тили ундошларидан фарқ қилади. Буларга *t, d, k, g, p, b* товушларини мисол келтирса бўлади. *S, tS* ундош товушлари шовқинли талаффузининг ўзбек тилига қараганда кучлироқ бўлиши орқали ўзбек тилидаги эквивалент товушлардан фарқ қилишади. Шу фарқларга кўра кўпчилик немисча сўзлар ўзлашиш жараёнида талаффузи жиҳатидан ўзбеклашган. Масалан: *штраф, шпрот, бунт, флот, курорт, рюкзак* каби бир қатор ўзлашмалар борки, ўзбек тилида юмшоқ ва шовқинсиз айтилиб, ҳақиқий немисча талаффуздан кескин фарқ қилади.

Инглиз тилида ундош товушлар қуйидагича классификация қилинади:

<sup>14</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили, 55—58-бетлар.

<sup>15</sup> Бондаревский Б. Л., Субботина И. А., Шваб Р. П., Аъзамов М. Немис тили дарслиги. Тошкент, 1978, 405-бет.

1. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра: а) сирғалувчи ундош товушлар; бу товушлар ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқими бир-бирига жипслашмаган икки нутқ органи орасидаги жойдан сирғалиб ўтиши натижасида юзага келади. Сирғалувчи ундошлар ўзбек тилида 8 та: *ф, с, з, в, ш, ж, х, ғ*, инглиз тилида эса 4 та: *s, z, v, f*; б) портловчи товушлар: ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқими бир-бирига жипслашган икки нутқ органи пайдо қилган тўсиқни ёриб ўтиши натижасида юзага келади. Бу товушлар сони икки тилда ҳам тенг. Ўзбек тилида *б, п, к, г*; инглиз тилида эса *b, p, k, g* ундошларидир; в) аффрикат товушлар: ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқими бир-бирига унчалик жипслашмаган нутқ органилари ҳосил қилган тўсиқни ёриб ҳамда улар орасидан сирғалиб ўтиш натижасида юзага келадилар. Уларнинг сони ўзбек тилида 3 та: *ҷ, ж, ҷ*. Инглиз тилида иккита: *tʃ, dʒ*.

2. Актив нутқ органларининг харакати ва тўсиқнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра: а) лаб-лаб ундошлари: бу товушлар икки лаб ўртасида пайдо бўлади. Иккала тилда ҳам ўхшашлиги бор. Инглиз тилида *p, b, w* ва ўзбек тилида *п, б, в, (w)*; б) лаб-тиш ундошлари: бу товушлар лаб ва тиш иштирокида ҳосил бўлади. Ўзбек тилида *ф, в* ва инглиз тилида, *f, v*; в) тил олди, тил орқа, тил ўрта ундошлари: буларни талаффуз қилишда тил учи тепа ва пастки тишлар орасида бўлса, тиш оралиғи товушлари *ə, d*, тил учи танглай бўртмасида бўлса, танглай бўртмаси товушлари *t, d* ва тил учи тепа олд тишлари орқасида бўлса, тил орқа товушлари *s, z* ҳосил бўлади.

3. Ундош товушларни талаффуз этишда товуш пайчаларининг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра ундош товушлар жарангли ва жарангсиз ундош товушларга бўлинади. Ундош товушни талаффуз қилишда товуш пайчалари иштирок этса жарангли, иштирок этмаса, жарангсиз ундош товушлар пайдо бўлади<sup>16</sup>. Инглиз ва ўзбек ундош товушлари бир-биридан асосан қуйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилади:

1. Инглиз ундош товушлари ўзбек ундош товушларига нисбатан кескинроқ талаффуз қилинади.
2. Инглиз ундош товушлари палатализацияга учрамайди, яъни юмшоқ талаффуз этилмайди.
3. Инглиз *p, t, k* ундош товушлари унлилардан олдин

<sup>16</sup> Барнохўжаева Х. С. English, 7—8-бетлар.



аспирацияли (қўшимча нафасли), бошқа ҳолатларда аспирациясиз талаффуз этилади.

4. Инглиз жарангли ундош товушлари сўз охирида жарангсизланмайди, акс ҳолда, сўз маъноси ўзгариши мумкин, масалан: *god* ('gɒd) — *худо*, *got* ('gɒt) — *эришган, олган* ва бошқалар.

### Ўзлашган сўзларда суффиксларнинг имло ва талаффузи

Юқорида ўзлашма сўзларнинг имло ва талаффузи ҳақида, улардаги товуш ва ҳарфларнинг манба (герман) ва қабул қилувчи (ўзбек) тиллари ўртасидаги фарқлар ва монандлик, уларнинг классификацияси борасида фикр юритдик. Бу хусусдаги мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзлашма сўзларнинг имлоси ва талаффузидаги ўзгаришлар кўпинча урғу, талаффуз характери: чўзиқлик ва қисқалик, очиқлик ва ёпиқлик, аспирацияли ва аспирациясиз айтилиши, мос ёки мос бўлмаган товушлар билан қабул қилиниши, жарангли ва жарангсизлик, кескин ва қўшимча нафасли айтилиш каби фарқли хусусиятлар билан ифодаланган. Бунда шу нарсани таъкидламоқ керакки, ўша номланилган фарқларнинг асосий қисми суффикслар зиммасига тушади.

Суффикслар имло ва талаффузидаги юз берган ўзгаришларни фарқлаб, уларни қўйидаги группаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

Ортиқча суффикс қўшилган ўзлашмалар. Бу гуруҳ ўзлашмаларга рус тилига қабул қилиниш жараёнида ортиқча (род ясовчи) қўшимчаларни олган ва шу кўринишда ўзбек тилига кириб келган сўзлар киради. Масалан:

<i>Fräulein</i>	<i>фрейлина</i>
<i>Mark</i>	<i>марка</i>
<i>Schacht</i>	<i>шахта</i>
<i>Schicht</i>	<i>шихта</i>
<i>Bucht</i>	<i>бухта</i>
<i>Mimikri</i>	<i>мимикрия</i>

Бу ҳолат ўзлашмалар фақат немис тилидан кириб келган сўзлар учун характерлидир. Инглиз тили учун рўйхатимиздаги мисоллар ичидан битта *мимикрия* ўзлашмасини топдик.

Суффикслари тушиб қолган ўзлашмалар. Бу гуруҳга рус тилида ўзлашиш жараёнида

суффиксларини тушириб қолдириб, кейин шу ҳолатда ўзбек тилига кириб келган ўзлашмалар киради. Уларнинг ҳам кўпчилигини немисча сўзлар ташкил қилади. Масалан:

<i>Büste</i>	бюст
<i>Flanke</i>	фланг
<i>Flotte</i>	флот
<i>Schramme</i>	шрам
<i>Spritze</i>	шприц

Бу кўриниш ўзлашмаларга ўхшаш мисоллар, яъни сўз охиридаги *e* суффиксини тушириб қолдириш инглиз тилида ҳам бор. Масалан:

<i>detektive</i>	детектив
<i>drainage</i>	дренаж

Аммо улар инглиз тили талаффуз қоидалари асосида қабул қилинган бўлиб (*di'tektiv*, *dreinidz*), немис тилидаги юқорида номланган мисоллардан фарқ қилади. Қиёслаймиз: немисча: *Büste* (*bystə*) — бюст (*e* тушиб қолган); инглизча: *detektive* (*di'tektiv*) — детектив (талаффуз асосида қабул қилинган).

Инглиз тилидан кириб келган сўзлардан фақат *brucellosis* (*bru:si'lousis*) ўзлашмасидагина *is* суффиксининг тушиб қолганини кўрамиз. *brucellosis* — бруцеллез.

Суффикслари ўзгариб (алмашиб) ўтган ўзлашмалар. Бу ҳолат ҳам фақат немис тилидан кириб келган ўзлашмаларга хосдир. Инглизча ўзлашмалар орасида бунга монанд мисоллар топилмади. Ўзлашмалар суффикслари имло ва талаффузининг рус тилига (у орқали ўзбек тилига) ўзгариб ўтиш ҳоллари хилма-хилдир. Масалан:

1) <i>e - a</i>	<i>Birke</i>	бирка
	<i>Büchse</i>	букса
2) <i>en - a</i>	<i>Balken</i>	балка
	<i>Zapfen</i>	цапфа
3) <i>d - m</i>	<i>Bund</i>	бунт
	<i>Bord</i>	борт
4) <i>g - z</i>	<i>Blitzkrieg</i>	блицкриг
5) <i>t - d</i>	<i>Backenbart</i>	бакенбард

Булардан ташқари, баъзи сўзлар борки, уларни ўзлаштиришда транскрипция қилиш ёки трансформация қилишда ҳеч бир қоидага асосланилмаган, стихияли кўрватда қабул қилинган. Масалан:

<i>Klappe</i>	клапан
<i>Flansch</i>	фланец
<i>Rolle</i>	ролик
<i>Fütterung</i>	футеровка
<i>Schweißer</i>	сварщик

Айрим сўзлар эса ёзилиш ва айтилиш шаклини, урғунинг ўрнини бутунлай ўзгартириб ўзлашганлар. Масалан:

<i>Laubsäge</i>	лобзик
<i>Malbrett</i>	мольберт (рассомлик дастгоҳи)
<i>Schraube</i>	шуруп
<i>Daumkraft</i>	домкрат
<i>Simshobel</i>	зензубель (конишранда)

Ўзлашмалардаги умлаутлар ўзлашуви. Маълумки, немис тилида<sup>17</sup> *ö* (*o* — умлаут<sup>18</sup>) ва *ü* (*y* — умлаут) товушларини тўғри талаффуз қилиш рус тилида гапирувчилар учун бироз қийинчилик туғдиради. Уларнинг артикуляцияси тил олдининг кўтарилиши ва лабларнинг юмалоқлашиб, чўччайишини талаб қилади. Бу эса рус унли товушлари артикуляциясига мутлақо ётдир. Чунончи, рус тилидаги *o* ва *y* товушларини талаффуз қилганда лаб юмалоқлашиб, сал чўччайса-да, тилнинг орқа томони кўтарилади. Немис тилида эса тил олди кўтарилади. Рус тилидаги бу фарқлар *o* — умлаут ва *y* — умлаутли ўзлашмаларнинг турли хил кўринишда қабул қилинишига олиб келган. Транслитерация пайтида мазкур товушларнинг йўқлиги сабабли, рус тили ўзидаги бошқа товушларга мурожаат қилган. Масалан:

o-умлаут: а) <i>ö-ë</i>	<i>Löß</i>	лесс
б) <i>ö-o</i>	<i>Obertöne</i>	обертон
в) <i>ö-e</i>	<i>Röntgen</i>	рентген
y-умлаут: а) <i>ü y</i>	<i>Fütterung</i>	футеровка
	<i>Mundstück</i>	мундштук
б) <i>ü-yu</i>	<i>Düne</i>	дюна
	<i>Düker</i>	дюкер
в) <i>ü-u</i>	<i>Flügel</i>	флигель
	<i>Hülse</i>	гильза

*O* — умлаут ва *y* — умлаут товушлари ўзбек тилига ҳам рус тилидагидек бўлиб қабул қилинган, ҳолбуки

<sup>17</sup> Инглиз тилида умлаутлар йўқ. Шу сабабли фақат немисча ўзлашмалар таҳлил қилинди.

<sup>18</sup> Сўз ўзагидаги унли товушнинг ўзидан кейинги бўғиндаги унлига ўхшаб талаффуз қилинишига умлаут (перегласовка) дейлади.

Ўзбек тилидаги *y* ва *ŷ* фонемаларининг маъно ажратувчи тил орқа вариантлари немис тилининг бу товушлари артикуляциясига жуда мос келади. Масалан, *ŷt* (ўсимлик) сўзида *ŷ* товушини қисқача характерласак, *y* — тил орқа, ўрта кенг, лаблашган фонемадир. Аммо *yt* (тирик организм аъзоси, сафро) сўзида эса бу товуш тилнинг олди томон кўтарилиши ва лабларнинг иштироки билан характерланади. Худди шу ҳолатда ўзбекча *y* фонемаси немисча *o* — умлаут товуши артикуляциясига тўғри келади, қиёсланг:

немисча

ўзбекча

*Öhr*

ўрдак

*ölig*

улик

Худди шундай яқинликни немисча *y* — умлаут фонемаси артикуляциясида кўриш мумкин, чунки бу товуш ўзбекча тил олди, тор, лаблашган *y* товушига жуда мос келади, қиёсланг:

немисча

ўзбекча

*Düne*

дунё

*üblich*

уйлик

*sündig*

суюкчи

Немисча *ä* (*a* — умлаут) фонемасининг айтилиши русча ва ўзбекча *э* товушидан асосан чўзиқ ва қисқа ўқилиши билан фарқи бор. Шу сабабли *y* товуш ҳеч бўлма-са ўз шаклида қабул қилиниши мумкин эди. Аммо бу товушли сўзлар ҳам турли хил кўринишда трансформация қилинган. Масалан:

а) *ä-a* *Wächter*

вахтёр

б) *ä-e* *Jäger*

егерь

в) *ä-ě* *Glätte*

глёт

г) *ä-u* *Laubsäge*

лобзик

Қилинган қиёсланишлардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида немисча *ä*, *ö*, *ü* — умлаутли товушларнинг аниқ ва ўхшаш эквивалентлари бор. Бу ўзлашмаларни ўзбек тилида немис тилига жуда мос равишда талаффуз қилиш мумкин. Лекин уларнинг имлоси ва талаффузи рус тилидаги каби ифодаланиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби уларнинг ўзбек тилига рус тили орқали ўтиб келганлигидир.

Тилшуносликда чет сўзларни, иложи борича, манба тил талаффузи ва имлоси қойдалари асосида қабул қилиш маъқулланади. Рус (совет) терминологиясини

Ўзбек тилига қабул қилиш ҳам шу анъанага асосланган. Аммо русча сўз ва терминлар билан бир қаторда юқоридаги каби кўпчилик герман тилларига оид ўзлашмалар кириб келганки, улар ўзбек тилига рус тилига бир вақтлари герман тилларидан қандай қабул қилинган бўлса шу зайлда, яъни рус тили орфографик ва орфоэпик қонун-қоидалари остида ўзлашишган. Натижада мазкур товушлар артикуляциясининг ўзбек тилида мос эквивалентлари бўлишига қарамай, улар рус тилига асосан, катта фарқли товушлар билан ифодаланади.

Дифтонглар ўзлашуви. Немис тилида дифтонглар (икки унлининг ёнма-ён келиб қўшиб ўқилиши) учта: (ae), (ao) ва (oø). Уларни туғри талаффуз қилиш рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам гапирувчиларга қийинчилик туғдирмайди. Шу сабабли, мазкур дифтонгли ўзлашмаларнинг ҳаммаси ё эшитилишига қараб транскрипция қилинган (*Keil* — кайла, *Eisberg* — айсберг) ёки бўлмаса ёзилишига қараб транслитерация қилинган (*Reich* — рейх, *Zeitnot* — цейтнот, *Feuerwerk* — фейерверк) ва бошқалар Бу борада эътиборлиси шундаки, (ae) дифтонги *Meister* сўзида уч хил кўринишда, аввало, рус, кейин эса ўзбек тилига кириб келган. Масалан:

<i>ae-a</i>	<i>Meister</i>	<i>мастер</i>
<i>ae-eй</i>	<i>Chormeister</i>	<i>хормейстер</i>
<i>ae-u</i>	<i>Bürgermeister</i>	<i>бургомистр</i>

Шундай қилиб, *Meister* (майстер) сўзи ўзбек тилида уч хил: *мастер*, *мейстер*, *мистр* шаклида ишлатилади. Кейинги икки сўз кўпинча *концертмейстер*, *балетмейстер*, *гроссмейстер*, *вахтмистр*, *ротмистр*, *бургомистр* каби қўшма сўзларда иккинчи компонент сифатида учрайди. *Мастер* ўзлашмаси билан эса *спорт мастери*, *мастер аёл*, *цех мастери* каби иборалар ва *мастерлик*, *мастерхона* каби қўшма ва ясама сўзлар ҳозирги замон ўзбек тили ва сўзлашув нутқида актив ишлатилиб келинмоқда. Инглиз тили дифтонгларининг ўзлашуви немис тилига қараганда ранг-барангроқ. Уларда транскрипция, транслитерация йўлларида ташқари, бошқа товушлар билан қабул қилинганлик ҳолатлари бор.

Инглизча *ei* дифтонгининг ядроси қисқа *e* унли товуши, глайди (*i*) унли товушдир. Бу дифтонг қабул қилинишида уч хил кўринишда ўзлашган:

а) транскрипция қилиниб: *container* — контейнер, *grader* — грейдер;

б) транслитерация қилиниб: *stayer* — стайер, *tramway* — трамвай;

в) *e* товуши билан: *trainer* — тренер, *rail* — рельс. Мисоллар таҳлилида *ai* дифтонги ҳам уч хил кўринишда қабул қилинганлигини кўрамиз:

а) *combine* — комбайн, *sniper* — снайпер;

б) *rye — grass* — рейграс;

в) *и* товуши билан: *mile* — миля.

*oi* дифтонгининг ядроси ўзбек тилидаги *o* ва *y* товушлари ўртасидаги айтилишга ўхшайди. *oi* дифтонгининг глайди, яъни унинг иккинчи қисмидаги товуш, ўзбек тилидаги қисқа *y* га қисман ўхшаб, жағнинг кўтарилиши жараёнида талаффуз этилади. Бу дифтонг талаффузи ўзбек тилидаги *ov*, *биров* сўзларидаги *ov* товуш бирикмасига ўхшайди. *oi* дифтонги рус ва ўзбек тилларига ўзлашган сўзларда монофтонглашган. *o* ёки *ё* товушига айланган:

*broker* ('brɔukə) *брокер*

*goal* ('goul) *гол*

*brucelloisis* (bru:silousis) *бруцеллёз*

*ai* дифтонги икки ҳолатда қабул қилинган:

*clown* ('klaun) *клоун*

*outbreeding* ('aut, bri:diŋ, ) *аутбридинг*

Манба тил талаффузига яқин ва ўзгаришларсиз қабул қилинган дифтонг деб *oi* ни кўрсатса бўлади. Бу дифтонгнинг ядроси *o* товуши бўлиб, глайди қисқа *i* товушидир. Мазкур дифтонгнинг ядроси глайдига кўра анча кучлироқ талаффуз этилади. Дифтонгнинг ядроси иккаласи биргаликда талаффузи жиҳатидан ўзбекча *boy* сўзидаги *oi* товуш бирикмасига ўхшайди. Буни ўзлашмалар мисолида ҳам кўриш мумкин: *boycott* (*boikət*) — бойкот.

А ф ф р и к а т л а р ў з л а ш у в и. Аффрикат (қоришиқ ундош)лар сони ва сифати жиҳатидан немис ва инглиз тилларида бир-бирларидан фарқ қилади. Ундан ташқари, улар ўзлашиши жараёнларида ҳар бири ўзига хос ўзгаришларни бошидан кечиришган. Шу сабаб аффрикатларни ҳар бирини алоҳида олган ҳолда манба ва қабул қилувчи тиллар билан таққослаш мувофиқдир.

Немис тилида учта аффрикат мавжуд. Улар *-ts*, *-tʃ*, *pf* ундош бирикмаларидир. Булар орасида рус ва ўзбек тилида сўзлашувчилар учун қийини *pf* аффрикати ҳисобланади. Чунки рус ва ўзбек тилида *pf* товуш

бирикмаси билан бошланадиган сўзнинг ўзи йўқ. Шунинг учун *pf* аффрикатли сўзлар кўп ҳолатларда *n* ундош товуши билан қабул қилинган: *Pflug* — плуг, *Waldschnepe* — вальдшнеп. Айрим реаланиялар эса [*Rheinland — Pfalz* — Рейнланд — пфальц, область номи, *Pfennig* — пфенниг (пул бирлиги)] тўғри транслитерация қилинган.

Ўзбек ва рус тилларига қараганда *ts* ва *tS* аффрикатлари артикуляцияси кучлироқ (зарб билан) ва шовқинлироқ талаффуз қилиниши орқали фарқланади. Бу — мазкур аффрикатларнинг сифатларидаги фарқ. Аммо улар ўзлашиш жараёнида айрим имло ва талаффуз ўзгаришларини ҳам бошидан кечиришган, *ts* аффрикати икки хил кўринишда:

<i>ts-ц</i>	<i>Absatz</i>	абзац
	<i>Kanzler</i>	канцлер
<i>ts-c</i>	<i>Kreuzer</i>	крейсер
	<i>Walzer</i>	вальс

*tS* аффрикати ҳам икки хил кўринишда ўзлашган:

<i>tS-ч</i>	<i>Kutscher</i>	кучер, кўчир
<i>tS-тч</i>	<i>Putsch</i>	путч

Инглиз тилидаги *tS* аффрикатида бу ҳолат мисолларимиз орасида кузатилмади. Унинг талаффузи рус ва ўзбек тилларига *ч* товушига яқин ва шу сифатда ўтиб келган *chisel* (*ˈtʃi:zl*) — *цизель*, *champion* (*ˈtʃæmpjən*) — *чемпион* ва бошқалар. Қизиқ ҳолатни инглиз тилидаги *dʒ* аффрикати бор бўлган ўзлашмаларда кўрамиз. *dʒ* танглай бўртмаси товуши, қоришиқ, жарангли аффрикатдир. Бу товуш рус тилида йўқ. Ўзбек тилида эса *жон*, *жун* каби сўзлардаги *ж* товушига қисман ўхшаб кетади. Бу товушли сўзлар ҳам ўзбек тилига икки кўринишда *дж* ва *ж* бўлиб ўтган:

а) *дж* сақланиб қолган ўзлашмалар:

инглизча	русча	ўзбекча
<i>budget</i> ( <i>bʌdʒɪt</i> )	<i>бюджет</i>	<i>бюджет</i>
<i>college</i> ( <i>ˈkɒlɪdʒ</i> )	<i>колледж</i>	<i>колледж</i>

*College* сўзи ўзбек ва рус тилларида икки ҳолат имло ва талаффузга эга: *колледж* ва *коллеж*. Аммо бу сўзлар турли хил маънога эга:

1. *Колледж* — Буюк Британия ва АҚШдаги махсус олий ва ўрта мактаб ёки илмий муассасаларнинг номи.

2. *Коллеж* — Франция, Бельгия ва Швецарияда ўрта мактаб. Кўриниб турибдики, ўзлашманинг имлоси

ва талаффузи сўз маъноси ва этимологиясини (инглизча: *Colids* — колледж) ва (французча (kɔlɛ:z) — колледж) кўрсатиб ва англантиб турибди. Бу фарқларга албатта эътибор бермоқ керак. Акс ҳолда, нутқда айрим англашилмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Бу нарсага эътиборсизлик ҳолатлари кўпинча матбуот саҳифаларида учраб туради. Иккала ҳолат учун ҳам ўзлашманинг *колледж* шакли қўлланилаверади. Француз тили маҳсули бўлган бу сўз инглиз ёки америка турмуш тарзи акс эттирилган контекстларда ҳам учрайверади. Масалан: *Пентагон бошлиғи Буюк Британияга келган чоғида мудофаа тадқиқотлари қироллик колледжининг ёпиқ мажлисида нутқ сўзлади* («Совет Ўзбекистони»). Бу ерда журналист, афтидан, русча *дж* ҳарф бирикмасини ўзбек тилида *д* ҳарфисиз кўчириб ёзиш қондасига амал қиламан, деб, сўз маъносини эсдан чиқазиб юборган ва контекст «Пентагон бошлиғининг Буюк Британияда туриб» Франция ўрта мактаби ёпиқ мажлисида нутқ сўзлаганини «талқин» қилган.

б) *дж* аффрикати *ж* бўлиб ўтган ўзлашмалар:

инглизча	русча	ўзбекча
<i>drainage</i> ('dreinidz)	<i>дренаж</i>	<i>дренаж</i>
<i>water jacket</i> (wɔ:tə, dʒɪkɪt, ватержакет)	<i>ватержакет</i>	<i>ватержакет</i>

Кўпчилик сўзларда *дзж* аффрикати рус тилига *дж* ҳарф бирикмаси билан, ўзбекчага эса *ж* товуши билан кириб келганлигини кўрамиз:

инглизча	русча	ўзбекча
<i>Jazz</i> ('dʒəz)	<i>джаз</i>	<i>жаз</i>
<i>Jersey</i> ('dʒə:zi)	<i>джерси</i>	<i>жерси</i>

Бу товушнинг русча талаффузидаги сирғалувчанлик хусусияти ўзбекчада портловчилик функциясига ўтади.

Айрим ундош товушлар ўзлашуви. Айрим ундош товушларнинг артикуляцияси манба тилдагига қараганда қабул қилувчи тилда ўзларининг ифодаланиш ўрни ва усули билан фарқ қилади. Айрим ундошларнинг ўзгариб, мутлақо бошқа товушга айланиб ёки теварагидаги товуш бирикмаларига таъсир қилиб, ўзи ўзгармаса ҳам уларни ўзгартириб қабул қилганлигини кўрамиз. Бундай ундошларга асосан *l, h, ç, x* кирадилар.

Инглиз *L* ундоши икки хил: юмшоқ ва қаттиқ талаффуз этилади. Унинг юмшоқ вариантини талаффуз



этишда тил эркин бўлиб, тилнинг ўрта қисми қаттиқ таңглайга кўтарилади. Қаттиқ вариантыда эса тил та-ранг ҳолда бўлади ва унинг орқа қисми кўтарилади.

Немисча *l* ундоши юмшоқ ва альвеолардир. Ўзбекча *l* ундоши эса олдинги қатор унлилар таъсирида юмшоқроқ, орқа қатор унлилар таъсирида келса қаттиқроқ талаффуз қилинади.

Герман тилларидаги *L* ундошли ўзлашмаларнинг таҳлили бу товушнинг ўзбек тилига икки йўсинда ўтиб келганлигини кўрсатади:

а) тил орқа унлилари тил олди унлилари билан алмашиб ўзлашган:

<i>Luft</i>	<i>люфт</i>
<i>Maler</i>	<i>маляр</i>
<i>blooming</i>	<i>блуминг</i>

б) *L* ундошидан кейин юмшатиш белгиси қўйилиб ўзлашган:

<i>Kegel</i>	<i>кегель</i>
<i>Wechsel</i>	<i>вексель</i>
<i>bulldozer</i>	<i>бульдозер</i>
<i>film</i>	<i>фильм</i>

*h* ундоши герман тилларида бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз нафас товушидир. У товуш пайчалари орасидаги бўшлиқдан ҳаво оқимининг бемалол ва енгил ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Рус тилида *h* ундоши йўқ. Ўзбек тилида бу товушнинг ҳ эквиваленти бор. Фарқи шуки, ўзбек тилида ҳ товуши немис тилига қараганда сал кучлироқ талаффуз қилинади. Герман тилларидаги *h* товушли ўзлашмалар ўзбек тилига рус тили орқали кириб келганлиги сабабли, бу сўзларда ёки тушиб қолган, масалан:

<i>Harfe</i>	<i>арфа</i>
<i>Reithose</i>	<i>рейтуз</i>
<i>humor</i>	<i>юмор</i>
<i>hallo!</i>	<i>алло</i>

ёки бўлмаса портловчи, яқин тил орқа жарангсиз *g* товуши билан ифодаланган:

<i>Hantel</i>	<i>гантель</i>
<i>Horn</i>	<i>горн</i>
<i>highmore</i>	<i>гайморит</i>

Инглиз тилидан кириб келган айрим сўзларда чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз товуш *x* билан ифодаланганини кўрамиз. Масалан:

*hockey*  
*hooligan*

*хоккей*  
*хулиган*

*Ch* ҳарф бирикмасининг манба тилларда ўқилиши ва уларнинг бу тиллардан кириб келган ўзлашмалардаги ифодаланиш шакллари турлича кўринишларга эга. Немис тилида *ch* ҳарф бирикмаси сўзда учраши ҳолатларига қараб уч хил талаффуз қилинади:

а) *ch* ҳарф бирикмаси *i, ie, e, ä, ö, ü* унлилари, *ei, eu, äi* дифтонглари ва *m, n, l, r* ундошларидан кейин келса, *ç* бўлиб ўқилади. Бу ҳолатда *ç* жарангсиз, сирғалувчи ва тил ўртасида талаффуз қилинади. Бундай товуш рус ва ўзбек тилларида йўқ<sup>19</sup>;

б) *ch* ҳарф бирикмаси *a, o, u, au* товушларидан кейин келса, *x* (*Achlaut*) каби талаффуз этилади. Бу товуш ўзбек тилидаги *пахта, тахта* сўзларидаги *x* ундошининг талаффузига ўхшайди. Лекин немисча *x* ундош товуши артикуляциясида кичик тил активроқ иштирок этади;

в) *ch* ҳарф бирикмаси *s* ҳарфидан олдин келиб *chs* бирикмасини ташкил қилиб қолса *ks* ўқилади: *wachsen* — ўсмоқ, *sechs* — олти ва бошқалар. Булардан ташқари, *ch* ҳарф бирикмаси чет тиллардан (грек, латин) кириб келган сўзларда қаттиқ товушлардан олдин *k* ва юмшоқ товушлардан олдин *ç* бўлиб ўқилади. Герман тилларидаги бу ҳолатлар ўзбек тилига *x* товуши билан қабул қилинган, масалан:

<i>Chor</i> ('ko:r)	<i>хор</i>
<i>Chirurg</i> (çi'rʊrk)	<i>хирург</i>
<i>Chemie</i> (çe'mi:)	<i>химия</i>

Берилган мисоллардан ташқари, *ch* ҳарф бирикмасининг яна турли хил талаффуз қилиниш йўллари бор. Бу фарқлар мазкур ҳарф бирикмасининг қайси тилдан ўзлашганлигига боғлиқ. Чунки француз тилидан кириб келган сўзларда *sh* каби талаффуз қилинади, масалан:

<i>Chagrin</i> (Sɔg're)	<i>сағри териси</i>
<i>Chef</i> ('Sɛf)	<i>шеф</i>

Инглиз тилида эса *ch* бўлиб талаффуз қилинади, масалан:

<sup>19</sup> Айрим дарсликларда *ch* ҳарф бирикмасини ўзбек тилидаги *ç* товушига ўхшашлиги айtilган. Лекин бу товуш талаффуз сифати жиҳатидан немисча *ç* (Ich|aut)дан кескин фарқ қилади. Қаранг: Бондаревский Б. Л. Немис тили дарслиги. Тошкент, 1978, 411-бет.

<i>Champion</i> ('tSe mɾiən)	чемпион
<i>China</i> ('tʃi:nə)	чин (хитой)
<i>Check</i> ('tʃek)	чек

Славян тилларидан герман тилларига кириб келган сўзларда эса *х* бўлиб ўқилади, масалан:

<i>Chorowod</i>	хоровод
<i>Choesm</i>	хоразм
<i>Chwojka</i>	хвойка

*Ch* ҳарф бирикмасининг юқорида номланган ўқилиш хусусиятларидан рус ва ўзбек тилига ўтмай қолгани, асосан *ç* (Ichlaut) дир. Бунга асосий сабаб шуки, мазкур товушнинг ўзбек ва рус тилларида мавжуд эмаслигидир. Бошқа ҳолатларда эса *ch* ҳарф бирикмасининг қабул қилувчи тиллардаги имло ва талаффузи манба тилларга анча мосдир, масалан:

<i>Buchhalter</i>	бухгалтер
<i>chisel</i>	чизель
<i>Wechsel</i>	вексель
<i>champion</i>	чемпион

Айрим ўзлашмалардагина герман тиллари имло ва талаффуз қоидаларидан четга чиқиш ҳоллари (истиснолар) бор, масалан:

*Chormeister* хормейстер (аслида *ç* бўлиб ўқилиши керак)

*Vortuch* фартук (*х* бўлиб ўқилиши керак эди)

*cheviot* шевиот (*ч* бўлиб ўқилмоғи керак эди)

*Kachel* сўзида эса бутунлай бошқа товушга дуч келамиз. Бунда *ch* ҳарф бирикмаси бутунлай бошқа ундош, *ф* билан ўзлашган: *Kachel* — кафель.

Герман тилларидан ўзбек тилига кириб келган сўзлардаги фонетик (график) ўзгаришлар хусусиятларини хулосалаб шуни айтиш мумкинки, бу ўзлашмалар, аввало, рус тилида имло ва талаффуз жиҳатидан муайян шаклларни олган. Кейин ўзбек тилига қабул қилинган. Фақат шундан кейингина ўзбек тилининг юқорида қайд қилинган орфографик ва орфоэпик қоидалари асосида ўзбек тили луғат таркибидан ўрин олган ва бирмунча мослашган. Бу жараёнда ўзлашмалардаги унлилар чўзиқ ва қисқалик, кучли ва кучсиз қайтиш билан айтилиш, сўз бошидаги аниқ ва зарбли талаффуз каби бир қатор ўзига хос хусусиятларини йўқотишган. Ҳатто улар ўзбек тилида манба тиллар-

дагига қараганда бутунлай бошқа товушлар билан ифодаланиб қабул қилинган.

Шунга ўхшаш ҳолатларни ўзлашган сўзлардаги ундош товушлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чунончи, ундошларнинг кучли, шовқинли ва қаттиқ айтилиши каби ўзига хос томонлари ўзбекча талаффуз қондаларига мослашган. Кўп ўзлашмаларда ундош товушлар иккинчи, фарқли товушлар билан алмаштирилиб қабул қилинган. Булардан ташқари, ўзлашмаларнинг кўпчилигида урғу ўрни ҳам ўзбекчалашган.

## ЎЗЛАШМАЛАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Рус тилида ўзлашган сўзлар морфологик нуқтаи назардан кўплаб кузатувларда тадқиқот объекти қилиб олинди. Чет тиллари ва рус тилида бир-бирига ўхшаш ҳамда бир хил функцияни бажарувчи морфемалар В. А. Богородицкий, В. В. Виноградов, Н. В. Юмшанов, Г. Хютль Вортлар томонидан, чет сўзларнинг модификацияси (шакл ўзгартириши) ва флекцияси (турланганда ёки тусланганда сўз қўшимчаларининг ўзгариши) И. Яценко, Г. Сонкина томонидан ўрганилган. Ўзлашган сўзларда сўз ясалиши ва уларнинг қабул қилувчи тилдаги грамматик категориялари ҳақида ҳам кўп илмий фикрлар билдирилди<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида бу масалалар, биринчи навбатда, рус тили ва ўзбек тили билан боғланиб ўрганилди. А. Қ. Боровков, М. П. Пўлатов, Р. Дониёров, А. Н. Тихонов, С. Ақобиров, И. У. Асфандиёров ўзларининг илмий иш ва мақолаларида рус ва ўзбек тилининг ўзаро алоқаси асосида юз берган ўзгаришлар ҳақида ўзларининг илмий мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, 60-йиллардан бошлаб бу масала билан кўпчилик ўзбек тилшунослари шуғулланишди.

И. У. Асфандиёровнинг Ўзбекистонда рус тилининг тутган ўрнини текширишга бағишланган монографияси бу борада ўзига яраша катта аҳамият касб этади. Авторнинг таъкидлашича, ҳар қандай тилда ҳам ўзлаштира сўзлар жуда осон ўзлашиб ва мослашиб кетади, чунки улар ўзлаштираётган тилнинг **грамматик системаси ихтиёрига ўтади, ўз сўзлари ҳуқуқини олади**<sup>2</sup>. Моногра-

<sup>1</sup> Қаранг: Очерки по истории грамматики русского литературного языка. М., 1964.

<sup>2</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти», 1983, 2-сон, 60-бет.

фиядан маълум бўлишича, рус тилидан ўзбек тилига от, сифат, феъл, равиш, сон каби сўз туркумларига оид лексик бирликлар ўзлашган. Ўзбек тилига ўзлаштирилган сифатлар қуйидаги характерли белгиларга эга эканлиги таъкидланилади:

а) русча қўшимчалар тушиб қолдирилади: *областной* — область, *конкретный* — конкрет;

б) ўзбекча аффикслар қабул қилинади: *партийный* — партиявий, *русский* — русча;

в) айрим ҳоллардагина мужской род шаклидаги русча қўшимча сақланиб қолинади: *типовой* — типовой, *крепостной* — крепостной;

г) русча *-ическ-*, *-ионн-*, *-альн-* каби суффикслар ўзбек тилида *-ик*, *-ион*, *-ал* формаларини олади: *оптимистический* — оптимистик, *пунктационный* — пунктация, *оперативный* — оператив ва бошқалар<sup>3</sup>. Рўйхатимиздаги мисолларнинг кўпчилиги (518 таси) сўз туркуми жиҳатидан отлардир. 7 таси феъл, 5 таси сифат бўлиб ўзлашган. Сўз туркумига оидлиги жиҳатидан ўзлашмаларнинг рус ва ўзбек тилларида фарқи йўқ. Иккаласида ҳам бир хил.

Маълумки, ўзлашмалар Октябрь революциясигача ўзбек тилининг системаси ва нормалари талабларига жавоб бермас эди. У пайтлардаги қабул қилинган сўзларда герман, рус ва ўзбек тиллари грамматик қоидаларининг аралашиб кетганлиги бунинг яққол далилидир, масалан: *государски банка*, *катта иштироп*, *иш-тобс-капитан*, *истерлингга* ва бошқалар.

Рус тили график системасига ўтилгандан кейин ва, айниқса, кейинги даврларда ўзлашган сўзлар имлоси ва уларнинг морфологик тузилишидаги кўринишлар, иложи борица, манба тилга яқин қилиб олина бошланди, сезиларли даражада стабиллашди. Улар, аввало, рус тили, кейин эса ўзбек тили грамматик қурилиши қоидалари таъсири остида қатъий шакллантирилди. Бунда асосан тўрт ҳолатни кўриш мумкин:

1. Герман тилларидан ўзлашган сўзлар ўзларининг содда, ясама, қўшма сўзлар бўлишига қарамасдан, морфологик жиҳатдан ўзгармасдан манба тилларидаги шаклида рус ва ўзбек тилларига ўтишган:

герман тиллари	русча	ўзбекча
graber	грейдер	грейдер
container	контейнер	контейнер

<sup>3</sup> Уша ерда.

Bruberschaft  
Brabmauer

брудершафт брудершафт  
брандмауер брандмауер

2. Ўзлашма сўзлар рус тилига суффиксларни ўзгартириб ўтишган. Ўзбек тилида эса уларнинг рус тилидаги шакли қабул қилинган:

герман тиллари	русча	ўзбекча
Rolle	ролик	ролик
Fütterung	футеровка	фуртеровка
mulch	мульча	мульча
Ranzen	ранец	ранец
mimikri	мимикрия	мимикрия

3. Ўзлашма сўзлардаги суффикслар рус тилида туширилиб қолдирилган ва шу ҳолатда ўзбек тилига ўтган:

герман тиллари	русча	ўзбекча
Flotte	флот	флот
Lilliputtian	лилинут	лилинут
Schramme	шрам	шрам
Reise	рейс	рейс
Bolzen	болт	болт

4. Ўзлашма сўзлар суффикслари аввал рус тилида ўзгартирилган, кейин эса ўзбек тилига иккинчи ўзгаришга дуч келиб ўтишган:

герман тиллари	русча	ўзбекча
pubddling	публингование	публинглаш
Schweißer	сварщик	сваркачи
Falzer	фальцовщик	фальцовкачи
mulch (v)	мульчировать	мульчаламоқ
spachteln	шпаклевать	шпаклёвка қилмоқ
röntgen	рентгенизировать	рентген қилмоқ, рентгенламоқ

Бу группадаги мисоллардан кўриниб турибдики, сўз ясовчи немисча суффикслар аввал рус тилида, кейин эса ўзбек тилидаги сўз ясовчи элементлар билан алмаштирилган. Герман тилларидан келган ўзлашмаларни таҳлил қилаётиб яна бир эътиборли ҳодисага дуч келинди. Лотинча *aer* (аэр — ҳаво) сўзи билан у ўзлашиб келган ҳар бир тилда янги-янги сўзлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу сўз билан лотин тилига қўшни бўлган грек тилида энг кўп тил бирликлари яратилган: *аэроблар, аэродинамика, аэродром, аэрофото,*

*аэрофотограмма, аэрогеология, аэромагнетика, аэрогеофизика, аэрограмма, аэрогеография, аэрокартография, аэрология, аэромеханика, аэрометр, аэронавтика, аэрономия, аэрофилателия, аэроплан, аэростат, аэротермометр* ва бошқалар.

Француз тилида ҳам, ўз навбатида, *аэродром, аэропорт, аэротор,* инглиз тилида *аэробус, аэровокзал, аэроклуб* қўшма сўзлари, немис тилида *аэрофлот* сўзи, рус тилида *аэромаяк, аэросев, аэросана, аэросъёмка* каби лексик бирликлар, ўзбек тилида *аэрочана, аэромаёқ* қўшма сўзлари ясалган. Худди шу зайлда герман тилларига мансуб бўлган сўзлар ўзбек тилига келиб янги-янги тил бирликлари: *содда, ясама, қўшма сўз* ва иборалар ясаганликларини кўрамиз. Айрим мисоллар келтирамиз:

**Шлак:** бу ўзлашма ўзбек тилига рус тили орқали немис тилидан кириб келган. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва медицина соҳаларида кенг қўлланилиб келмоқда. Матбуот саҳифаларида унинг *шлак, шлакли, шлаклар, шлакланган, оҳак—шлак, гипс—шлак, ишқор—шлак, донадор—шлак, шлак эритмаси, донадор домна шлаки, ишқор шлакли боғловчи, ишқор шлакли бетон* каби кўнлаб тил бирликларини учратиш мумкин. Масалан: *Шлаклар—бу миллионлаб сўмлар, минглаб янги бинолар, шлаклар бу—келажак қурилишининг базасидир. Ишқор шлакли бетон—ишқор шлакли цемент ва тўлдиргичларнинг сувдаги аралашмасининг қотишидан иборат («Фан ва турмуш»).* Аналогик мисолни инглиз тилидан қабул қилинган ўзлашмаларда ҳам кўриш мумкин.

**Компьютер:** бу сўз ўзбек тилига инглизча *computer* лексик бирлигидан қабул қилинган. Ҳали уни луғатларимиз қайд қилиб улгурганларича йўқ. Аммо матбуот, радио ва телевидение каби ахборот воситалари бу ўзлашмани шу даража кенг қўлламоқдаки, натижада у сўзлашув нутқимизга ҳам кириб келди. Бу ўзлашма ўзбек тилида *компьютер, компьютерлар, компьютерламоқ, миникомпьютер, макрокомпьютер, автомобиль компьютер, мактаб учун компьютерлар* каби тил бирликларини ясади. Ҳозирги вақтда *умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида ўқувчиларга компьютерлардан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш... ўргатила бошланди («Совет Ўзбекистони»).* Дастлаб муайян маршрутларда қатнайдиган жамоат транспорти *микромпьютерланди. Бу система миникомпьютернинг буйруғини*

бажариб, хонада қишин-ёзин керакли ҳароратни сақлаб туради («Фан ва турмуш»). Герман тилларидан қабул қилинган айрим ўзлашмалар борки, улар таъсирида ўзбек тилида яна бошқа кўплаб тил бирликлари ясалган. Бу сўзлардан бири *autogenous training* — *аутоген-тренинг* ёки *аутотренингдир*. Ўзлашманинг маъноси кишининг ўзи билан ўзи машқ қилиши демакдир. Ауто-тренинг воситасида киши ўз диққат-эътиборининг хўжайини бўлиши, мириқиб ҳордиқ чиқариш, қаттиқ ухлаш, исталган ишни оператив ва самарали тарзда адо этишга шай бўлиш, ўз руҳий ва жисмоний кучларининг зарур бўлган пайтда ва керакли йўналишда сафарбар эта билиш, жаҳлдорлик, жиззакилик, ўта ҳадиксираш, ҳаддан зиёд тортинчоқлик каби салбий хислатлардан қутулиш йўлларини ўрганиб олади. Бу сўз таъсирида ўзбек тилида *аутобиллиш*, *аутоназорат*, *ауто-анализ*, *аутокузатиш*, *аутоҳисоб*, *аутоҳисобот*, *аутоган-қид*, *аутобаҳо*, *аутотарбия*, *аутоишонтириш*, *аутоилҳом*, *аутомаъқуллаш*, *ауторағбат*, *аутоқоралаш*, *аутожазо*, *аутобуйруқ*, *аутомажбурлаш* кабилар ясалган.

Маълумки, ҳозирги инглиз тилида род (жинс) мустақил грамматик категория сифатида мавжуд эмас. Бу жиҳатдан инглиз тили ўзбек тилига ўхшаб кетади. Рус ва немис тилларида эса мазкур категория бор. Одатда, род категорияси биологик, реал род ва грамматик формал категориялардан иборат. Роднинг жинс категорияси билан боғлиқ томони шундаки, у одамлар, ҳайвонлар ва паррандаларнинг жинсини англатади. Грамматик формал род категорияси эса сўзларнинг белгиларига, формал томонларига қараб учта: мужской, средний ва женский родга бўлинади. Рус тилида род категориясининг морфологик маркери махсус суффикслар бўлиб, нуль — суффикс, -ь мужской; -а, -я женский ва -о, -е средний роддаги отларни характерлаб келади. Немис тилида эса бу вазифани артиклар бажаради.

Эътиборлиси шундаки, немис тилида отларнинг қайси грамматик формал родга қарашли эканлигини билдирувчи конкрет қоида ва аниқ белгиси йўқ. Родларда мотивациянинг йўқлиги, айрим род билдирувчи саноқлигина суффиксларни (-er, -ler, -ner, -ling; -in, -schaft, -ung; -um, -nis, -chen) эътиборга олмаганда, ҳамма отлар учун характерлидир. Шунинг учун, иложи бори-ча, ҳар бир отнинг олдида келаётган артиклни ўрганмоқ (ёд олмоқ) керак бўлади. Чунончи, *der* артикли мужской род, *die* артикли женский род ва *das* артикли



средний родга мансуб отларни билдиради. Кўпликда ҳамма родлар учун *die* артикли ишлатилади. Отларнинг қайси родга қарашли эканини билдиришда мотивация йўқлигини исботлаш учун айрим мисоллар келтираемиз:

о ш х о н а предметлари: у й - х ў ж а л и к предметлари

<i>пичоқ</i> — <i>das Messer</i>	<i>ойна</i> — <i>das Fenster</i>
<i>санчқи</i> — <i>die Gabel</i>	<i>эшик</i> — <i>die Tür</i>
<i>қошиқ</i> — <i>der Löffel</i>	<i>пол</i> — <i>der Fußboden</i>

Булар ўзларининг бир-биридан фарқлаб турувчи ортиқча белгилари йўқлигига қарамай, уч хил родга мансубдир.

Энди немисча сўзларнинг ўзбек тилида род категориясининг берилишига тўхталиниладиган бўлсак, табиийки, артиклар ўз-ўзидан тушиб қолади ва грамматик род, сон билдирувчи хусусиятларини йўқотадилар. Бундан ташқари, рус тилида род категорияси бўлишига қарамаздан, немисча сўзлар рус тилига ўзлашганида родларга мансублиги жиҳатидан анчагина ўзгаришларга дуч келган. Бу ўзгаришларни қуйидаги группаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Немис тилида муайян бир родга қарашли отлар рус тилига ҳам шу родда қабул қилинган. Ўзбек тилига рус тилидаги шакли кириб келган. Масалан:

а) иккала тилда ҳам мужской род: *der Ranzen* — ранец, *der Bund* — бунт;

б) иккала тилда ҳам женский род: *die Mark* — марка, *die Hülse* — гильза. Бу ерда қизиғи шундаки, немисча сўзлар ўзларининг қайси родга мансуб бўлишидан қатъи назар, рус тилига средний род бўлиб қабул қилинмаган, яъни бирорта ўзлашма йўқки, рус тилида средний родда қабул қилинган бўлсин.

2. Немис тилидаги муайян род категориясидаги отлар рус тилига ўзгариб, бошқа род бўлиб ўтишган ва ўзбек тилига уларнинг рус тилидаги шакли олинган:

а) мужской род женский бўлиб: *der Schacht* — шахта, *der Damm* — дамба;

б) женский род мужской бўлиб: *die Rolle* — ролик, *die Klappe* — клапан;

в) средний род мужской бўлиб: *das Malbrett* — мольберт, *das Mundstück* — мундштук;

г) средний род женский бўлиб: *das Rathaus* — ратуша, *das Fräulein* — фрейлина ва бошқалар. Айрим мисоллар шуни кўрсатадики, немисча ўзлашмаларга рус

тилида қўшилган род ясовчи қўшимчалар ўзбек тилига қабул қилинганида тушиб қолган. Масалан, немисча *die Sprotte* сўзи рус тилида: женский род — *шпрота*, мужский род — *шпрот* ва кўпликда — *шпроты* шаклларида қўлланилади. Ўзбек тилига эса фақат *шпрот* шакли кириб келган. Аналогик мисол сифатида *der Backenbart* сўзини олиш мумкин. Бу ўзлашма русчада женский род — *бакенбарда* ва *бакенбарды* — кўplik формаларига эга. Ўзбек тилида эса *бакенбард* сўзи ҳамма ҳолатлар учун ишлатилади. Немисча ўзлашмаларнинг юқоридаги тариқа рус ва ўзбек тилларига қабул қилинганлиги уларнинг маъносига (сонини ҳисобга олмаганда) таъсир кўрсатмайди. Аммо бутунлай бошқа ҳолатни *der Kegel* сўзида кузатиш мумкин. Бу ўзлашма ҳам уч хил кўринишда: *кегель* (кегль), *кегля* ва *кегли* шаклида рус ва ўзбек тилларига кириб келган. Лекин учаласи уч хил маъно билан ўзлашган: *кегель* — босмахона ҳарфларининг катта-кичиклик ўлчами; *кегли* — маълум тартибда тикилган фигураларни шар юмалатиб юбориб йиқитиш ўйини; *кегля* — кегли ўйинларидаги бутилкасимон ёғоч фигура. *Der Kegel* сўзи немис тилида кўп маъноли сўзидир. Рус тилида шу маъноларини бир-биридан фарқлаш учун грамматик род ва сон категориялари қўл келган.

Герман тилларига оид ўзлашмаларнинг рус ва ўзбек тилларига сон категорияси нуқтаи назаридан қабул қилинишига келсак, ўзлашмаларнинг деярли ҳаммаси ўзларининг бирлик шаклида қабул қилинган. Бу ўзлашмалар рус ва ўзбек тилларида ўз кўplik шаклларини мазкур тиллар қоидаларига асосан ясайдилар: *кран* — *краны* — *кранлар*, *лидер* — *лидери* — *лидерлар* каби. Аммо бу борада ҳам айрим ўзгаришларни кўриш мумкин. Масалан, немисча *die Obertöne*, инглизча *ry-jamas* каби ўзлашмалар борки, улар герман тилларида фақат кўplikда ишлатилади. Рус ва ўзбек тилларида эса бирликда: *обертон*, *пиджама* (пиджама) шаклида бирликда қабул қилинган ва кўплиги шу тилларнинг кўplik қўшимчалари билан ясалади. Айрим ўзлашмаларда манба тиллардаги бор бўлган кўplik қўшимчасига қарамай, қабул қилувчи тилларнинг кўplik қўшимчалари қўшилади. Масалан *rail*, *beefsteak* ўзлашмаларининг инглиз тилидаги кўplik шакли *rails* — рельс, *beefsteaks* — бифштекс кириб келган. Ўзбек тилида улардан кўplik ясаладиган бўлса, ўзларида манба тил кўplik қўшимчаси бўлишига қарамай, ўзбекча *-лар* кўпчилик қўшимчасини қўшамиз. Маса-

лан: ...йўл устида деворлари бетонланган катта камеринг шифти ўпирилиб, йўгон рельслардан ясалган темир балкаларнинг бир учи муаллақ осилиб турибди (Асқад Мухтор).

Немисча *Reithose* сўзи рус тилида рейтузы шаклида фақат кўпликда ишлатилади. Ўзбекчага эса *рейтуз* бўлиб, кўплик қўшимчаси тушиб ўзлашган. Шундай қилиб, мазкур ўзлашманинг манба тилда бирлик, воситачи тилда кўплик ва ошиб ўтган (ўзбек) тилида эса яна бирликда қўлланилиш хусусияти бор.

Ўзлашмаларнинг морфологик тузилиши масаласига келинса, йиғилган 530 ўзлашма ичида *Bord, box, lift, Kran* каби 227 содда, *Absatz, Bürger, linter, trawler* каби 128 ясама, ва *ALGOL, BBC, Gestapo, Dederon* каби қисқартма сўзлар бор. Буларнинг ичида немис ва инглиз халқининг машҳур кишилари номлари: *бэббит, дрэзина, герц, ватт, жоуль, гайморит, бруцеллэз, бойкот, браунинг, маузер, ом, рентген, дизель*; кишилар номлари билан боғлиқ оқимлар: *дарвинизм, дальтонизм, гегельчилар, кантизм, марксизм, юмизм, лютеранлик*; шаҳар ва жой номлари: *бостон, бэдминтон* кабилар борки, улар ўзбек тилининг ижтимоий ҳаёт ва фаннинг кўпчиликлари соҳаларида, адабий тил ва сўзлашув нутқимизда актив қўлланиб келаяпти. Ўзлашмалар орасидаги содда ва ясама сўзларнинг морфологик тузилиши таҳлили оддий бўлганлиги, ўз-ўзидан тушунарли эканлиги учун, уларни морфематик анализ қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо қўшма сўзларнинг ясалишидаги ранг-баранглик, уларнинг компонентлари ўртасидаги боғлиқлик турлича кўринишларга эга эканлиги ва яна шу каби айрим хусусиятлар борки уларни кенгроқ структурал анализ қилишни тақозо этади.

Қўшма сўзлар ва уларнинг ясалиши герман тилларида айниқса немис тилида ўзига хос ҳодисадир. Қўшма сўзлар одатда икки (ва ундан ортиқ) компонентдан иборат, яъни аниқловчи ва аниқланмиш (асосий)ли бўлади. Масалан, немисча *Maßstab* — масштаб қўшма сўзини оладиган бўлсак, бунда *stab* — таёқ сўзи асосий сўз, аниқланмишдир. *Maß* — ўлчов сўзи эса уни аниқлаб, унинг ўлчов таёғи эканлигини билдириб келаяпти. Бундай хусусият қўшма сўз учун бўлган ўзлашма — мисолларнинг ҳаммаси учун тааллуқлидир. Масалан: *autocar, Backenbart, businessman, Bohrstange, foot — ball, Buchhalter, Gulf — stream* ва ҳоказолар.

Қўшма сўзларнинг морфологик анализи уларни қуйидаги группаларга бўлиб ўрганишни тақозо қилади: от+от: *Eis+berg, water+jacket*; сифат+от: *Neu+silber, Groß+haus*; феъл+от: *Leit+motiv, Reit+hose*; кўмакчи+от: *Vor+tuch, in+breeding*; сифат+сифат: *Edel+weiß*. Ўзлашмаларнинг бир-бирига боғланиб келиши, структурал-генетик жиҳатдан боғловчисиз *End+spiel* ва боғловчили *Reich+s+tag* ҳолатлари ҳам ўзбек тилига ўзлашган. Бу борада шуни қайд қилиш керакки, ўзлашиш жараёнида қўшма сўзларнинг боғловчи элементларининг тушиб қолиш ҳолатлари фақат айрим сўзлардагина юз берган. Ўзлашмаларнинг деярли ҳаммаси, айрим *Büstenhalter, Flaggenstock* каби сўзлар бундан истисно, морфологик ўзгаришлардан дахлсиз қолишган.

Қўшма сўзлар компонентларининг улардаги аниқловчи ва аниқланмишларнинг этимологияси шуни кўрсатадики, улар келиб чиқиши нуқтаи назаридан фақат герман тилларига оид эмас. Уларнинг айрим компонентлари бошқа чет (грек, лотин, француз ва ҳоказо) тилларга хосдир. Шу нуқтаи назардан уларни қуйидагича классификация қилиш мумкин:

1. Қўшма сўзнинг икки компоненти ҳам келиб чиқиши жиҳатидан герман тиллари луғат таркибига қарашли бўлган ўзлашмалар. Масалан:

<i>Hals</i>	(нем.)	+ <i>tuch</i>	(нем.)	— <i>галстук</i>
<i>basket</i>	(ингл.)	+ <i>ball</i>	(ингл.)	— <i>баскетбол</i>
<i>Mund</i>	(нем.)	+ <i>stück</i>	(нем.)	— <i>мундштук</i>
<i>business</i>	(ингл.)	+ <i>man</i>	(ингл.)	— <i>бизнесмен</i>

2. Биринчи компоненти (аниқловчи) чет, иккинчи компоненти (аниқланмиш) герман тиллари сўзларидан иборат ўзлашмалар. Масалан:

<i>Chor</i>	(грек)	+ <i>meister</i>	(нем.)	— <i>хормейстер</i>
<i>air</i>	(лот.)	+ <i>bus</i>	(ингл.)	— <i>азробус</i>
<i>Kur</i>	(лот.)	+ <i>ort</i>	(нем.)	— <i>курорт</i>
<i>auto</i>	(грек)	+ <i>car</i>	(инг.)	— <i>автокар</i>
<i>Ziffer</i>	(араб)	+ <i>blatt</i>	(нем.)	— <i>цифферблат</i>
<i>micro</i>	(грек)	+ <i>film</i>	(ингл.)	— <i>микрофильм</i>
<i>Ballett</i>	(итал.)	+ <i>meister</i>	(нем.)	— <i>балетмейстер</i>

3. Биринчи компоненти герман тилларидан, иккинчи компоненти чет тилларига қарашли бўлган ўзлашмалар. Масалан:

<i>water</i>	(ингл.)	+ <i>polo</i>	(тибет)	— <i>ватерполо</i>
<i>Bohr</i>	(нем.)	+ <i>maschine</i>	(грек)	— <i>бормашина</i>

<i>white</i>	(ингл.)	+ <i>Spirit</i>	(лот.)	— уайт—спирит
<i>Gast</i>	(нем.)	+ <i>rolle</i>	(лот.)	— гастроль
<i>trade</i>	(ингл.)	+ <i>union</i>	(лот.)	— тред—юнион
<i>Leib</i>	(нем.)	+ <i>garde</i>	(фран.)	— лейбгвардия

4. Иккала компоненти ҳам чет сўз, аммо герман тиллари лугат таркибига қарашли бўлган ўзлашмалар. Бу қўшма сўзлар компонентлари якка олинган ҳолда ва этимологияси жиҳатидан чет сўзлардир<sup>4</sup>. Лекин қўшма сўз сифатида немис тили маҳсули бўлганлиги сабабли, немис тили сўзлари деб қаралади. Масалан:

<i>Kammer</i>	(грек)	+ <i>ton</i>	(лот.)	— камертон
<i>Kolumnen</i>	(лот.)	+ <i>ziffer</i>	(араб)	— колонцифра
<i>Terrain</i>	(фран.)	+ <i>kur</i>	(лот.)	— терренкур

Инглиз тилида бу гуруҳга монанд ўзлашма учрамади. Булардан ташқари, бир компоненти атоқли отлардан ташкил топган қўшма сўзлар ҳам рус ва ўзбек тилларига ўзлашган. Масалан:

<i>Röntgen</i>	(ном)	+ <i>apparat</i>	рентгенаппарат
<i>Diesel</i>	(ном)	+ <i>motor</i>	дизельмотор
<i>Auto</i>	(ном)	+ <i>draisine</i>	автоорезина
<i>Babbit</i>	(ном)	+ <i>metall</i>	баббит-металл

Бу ўзлашмалар номланган кишилар шарафига қўйилган нарсаларни англатади. Ўзлашган сўзлар орасида уч компонентдан иборат бўлган фақат иккита сўз учрайди: *Markscheidekunde* — маркшейдерлик ва *Walpurgisnacht* — вальпургия кечаси. Қолган бошқа ҳамма ўзлашмалар икки компонентлидир. Ваҳолонки, немис тилида қўшма сўзлар компонентларини истаганча чўзиш мумкин. Албатта, бундай жуда кўп компонентли ҳолатлар оз учрайди. Аммо уч, гоҳида тўрт ва беш компонентли сўзлар нормал ҳолат ҳисобланади.

Ўзлашмаларнинг рус ва ўзбек тилларидаги морфологик ўзгаришларига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, улар қабул қилувчи тилларда ўз морфологик хусусиятларини сақлаб қолиш билан бир қаторда, аввало, рус ва кейин ўзбек тилининг грамматик

<sup>4</sup> Л. Д. Микитич бундай сўзлар борасида қизиқ бир мисол келтиради. Ичдан ёнар двигатель ёрдамида ҳаракатга келадиган қурилмани номлаш учун зарурият туғилди. Олимлар грек тилидан *авто*, латин сўзидан *мобиль* ни олиб, *автомобиль* сўзини ясадилар, бу қўшма сўз ва у англатувчи предметни на Греция ва на Римда ўша пайтда билар эдилар. Шу тариқа грек ва латин тилларида йўқ бўлган янги сўз яратилди. Қаранг: Микитич Л. Д. Иноязычная лексика. Л., 1967, с. 25.

қурилиш қондаларининг муайян таъсири остида маълум даражада қайта шаклланган. Сўз ва форма ясовчи суффиксларнинг ўзгариши, тушиб қолиши ўзлашган тилга хос қўшимчалар билан алмаштирилиши, жинс (род) ва сон категориясидаги ўзгаришлар, айрим ўзлашмаларда род ва сон билдирувчи суффикслар ёрдамида денотатни англатишнинг конкретлашуви каби хусусиятлар юқоридаги фикрга далил бўла олади. Буларга қўшимча равишда яна шуни қайд қилиш керакки, ўзлашмалар герман тилларидан ўзларининг қайси родга мансуб бўлишидан қатъи назар, рус тилига *средний* родда қабул қилинмаган. Қўшма сўзлардаги боғловчи элементлар эса деярли доим морфологик ўзгаришлардан дахлсиз қолган.

### ЎЗЛАШМАЛАРДАГИ СЕМАНТИК ЎЗГАРИШЛАР

Ўзлашган сўзларнинг маъноси, уларнинг ўзбек тили лексикасидаги сўзлар семантикасига таъсири ва маъно жиҳатидан тилга мослашиб кетиши масалаларига қизиқиш кейинги йилларда айниқса кучайди. «Сўзнинг семантик структураси, сўзнинг лексикографик талқини, моносемия, полисемия каби масалалар билан чамбарчас боғланидиган бу проблема фақат семасиология учун эмас, балки тилнинг луғат составини ўрганидиган бошқа лингвистик баҳслар (лексикология, лексикография, ономасиология, этимология кабилар) учун ҳам принципиал аҳамиятга эга»<sup>1</sup> эканлиги ўзбек тилшунослигида қайта-қайта таъкидланмоқда.

Рус ва ғарб тилларида ўзлашган сўзлардаги семантик ўзгаришларнинг сабаблари ва умумий тенденциялари ҳақида кўп ишлар қилинган. Бу ишлар лексик ўзлашмаларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиш сабабларини ўрганишда, улардаги маъно ўзгаришларини изоҳлашда қимматли манбалар ҳисобланади.

Маълумки, сўз ўзлашиши дастлаб сўз ва унинг айрим лексик маънолари ҳолатида юз бериб, семантик тузилиши тўла ўзлашмайди. Чунки тилга кириб келган дастлабки даврда ўзлашманинг маъноси тўла бериладиган ва ифодаланидиган контекст ҳали шаклланмайди. Зеро, у халқларнинг ўзаро маданий муносабатига боғлиқ ҳолда, унга тобе муносабатда қабул қилинган

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти», 1982, 6-сон, 27-бет.

нарса ва предметларнинг ифода этувчи лексик маъноси орқалигина қабул қилинган бўлади<sup>2</sup>.

Чет сўз аста-секин тилда маълум лексик бирликлар билан боғлиқ ҳолда ишлатила бошлайди. Нутқда муайян қўлланилиш шакллари олади. Тил эгалари она тилларидан унга маъно жиҳатидан мос эквивалент топишга ҳаракат қилишади. Мабодо, шундай тил бирлиги бўлса, ўзлашманинг маъноси яна ойдинлашади ва конкретлашади. Унинг тилда қўлланилиш ўрни белгилаиб, ишлатилиши актуаллашади. Номланган факторлар чет сўз маъносига, у англатувчи тушунча ва тасаввурларга ҳам таъсир қилади. Зеро, чет сўзнинг маъноси қабул қилувчи тилнинг луғат таркиби, тараққиёт даражасига қараб тўла, қисман ва ҳатто бутунлай ўзгариб ҳам ўзлашиши мумкин.

Герман тилларидан кириб келган ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги семантик таҳлили уларни манба тиллар нуктаи назаридан икки катта группаларга бўлиб ўрганишни тақозо этади:

1. Моносемантик ўзлашмалар.

2. Полисемантик ўзлашмалар.

**МОНОСЕМАНТИК УЗЛАШМАЛАРГА** манба тилнинг ўзида бир маъноли бўлган сўзларни киритамиз. Ўзлашиш жараёни ва ундан кейинги маъноларидаги рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, бу группа сўзларни қуйидагича фарқлаш мумкин:

1. Маъноси ўзбек тилига тўла кўчган ўзлашмалар. Бу сўзлар одатда, герман тилининг ўзида бир маънога эга ва шу маъноси билан рус ва ўзбек тилларига ўзлашган. Булар асосан терминологик лексика бўлиб, нутқда нарса ва ҳодисаларни номлаш функцияларини бажарадилар. Масалан, *аблаут, аксельбант, автодрезина, автопług, автокар, алгол, акваланг, аутбридинг, аэробус, бакенбард, баббит, балетмейстер, банкнот, барретер, баскетбол, бифштекс, бихевиоризм, блюминг, бойкот, бормашина, брак, брендмауер, брендмейстер, бремсберг, бруствер, бруцеллөз, бульдозерчи, бундесбанк, бундесгерихт, бундестаг, бундесвер, бургомистр, бюстгальтер, хормейстер, дедерон, детектив, думпкар, дюна, дюкер, эдельвейс, айсберг, эндшпиль, фальцаппарат, фальцовкачи, фаустпатрон, фельдмаршал, фельдфебель, фирн, флагшток, фланец, фольклор, фрак, гайморит, гаулейтер, ефрейтор, гештальтпсихология, гестапо, глетчер, гольфстрим, граф,*

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбек тили лексикологияси, 271-бет.

грейфер, гроссбух, галстук, гантель, арфа, герц, герцог, ягдташ, инбридинг, кафель, камердинер, камергер, камерюнкер, камертон, камволь, капельдинер, капельмейстер, кельнер, киловатт, кипрегель, клейстер, каверкот, колонтитул, колонцифра, компост, конференц-зал, концлагерь, кронштейн, кроссворд, курорт, курзал, кучер, лобзик, лейборист, лейтмотив, лилипут, линтер, пролетариат, магнето, маклер, маркшейдерчилик, мистер, миттельшпиль, мульчалаш, напильник, нейзилёр, пакгаус, патронташ, пинг-понг, пфенниг, плуг, плацкарта, плексиглас, полицмейстер, кварц, кварцит, рейх, рейхстаг, рейсшина, роллер, рентген, рентген қилмоқ, рентген аппарати, румб, ротмистр, рюкзак, хоккей, хулиган, шифер, шлафрок, шлир, слесарь шмуцтитель, шрам, сваркачи, сварка, сварка қилмоқ, сиффон, сельсин, снайпер, спринтер, стерлинг, швеллер, зензубель, шпаклевка қилмоқ, шпат, шпрот, штабсквартира, штангенциркель, штраф, штрейкбрехер, танк, теннис, терренкур, тред-юнион, траулер, транзистор, троллейбус, умлаут, вазелин, вахтёр, вахмистр, вальторна, вальдшнеп, вальс, вермахт, верстаг, вильт, волейбол, вундеркинд, цейтнот, цифферблат, цинк, цинкография ва бошқалар.

Бу группага кирувчи сўзларнинг характерли томонларидан бири шуки, улар аниқ бир функционал сферага хосдир ва семантик турғундир. Айрим мисоллар келтирамиз: а) туризм бўйича: *Ана шу тадбирларни амалга ошириш, туристик муассасаларда меҳнаткашларга комплекс хизмат кўрсатишни, жумладан, уларни жойлаштириб овқат билан таъминлашни, транспорт хизмати, экскурсия ва бошқа хил хизматларни яхшилаш, меҳмонхоналарда, метеллар, кемпингларда хизмат ҳақи ва турини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш имконини беради («Совет Ўзбекистони»);*

б) қишлоқ хўжалиги: *Кўплаб хўжаликларда вильт билан зарарланган майдонлардаги ғўзапояни йиғиштириб олмасдан ер ҳайдаш ҳоллари рўй бермоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмади, чунки далаларда вильт инфекцияси кўпайиши мумкин («Совет Ўзбекистони»);*

в) транспорт: *Бундай қудратли комплекс бригадалар составида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро маршрутлар бўйича Тошкентга пассажир ташувчи автобус ҳайдовчилари ва ўша пассажирларни шаҳар ичида манзилларга элтишни давом эттириб, ташишни*



тугалловчи шаҳар ичи автобус ҳайдовчилар бригадаси ҳамда метрополитен, трамвай, троллейбус ходимлари иштирок этишлари мумкин («Фан ва турмуш»);

г) реклама: ...ишга таклиф қилади, бухгалтерлар, экономистлар, контролерлар..., бульдозерчилар, ...скреперчилар, ...слесарлар, фрезерчилар, автокранчилар, ... электрослесарлар, электромонтёрлар ва турли касбдаги ишчилар («Хоразм ҳақиқати»).

2. Маъноси конкретлашиб ўтган ўзлашмалар. Бу сўзлар герман тилларида умумий маънога эга, ўзлашган тилларда эса улар конкретлашади, аниқ бир предметни англатади. Яъни умумийликдан конкретлашувга ўтилади. Масалан, *бормашина* сўзи немис тилида «пневматик, электрик ёки мотор двигателли пармаловчи машина»ни билдиради. Ўзбек ва рус тилларида эса фақат «тиш пармалайдиган машина» маъносида қўлланилади: *Чунки медицина саноати кейинги йилларда ишлаб чиқарабошлаган бормашиналар жуда тез, бир минутда 350 000 айланганидан тиши пармалаган пайтда ҳар секундда врач юзига тишдаги эмаль зарралардан 53 миллионтасини сачратар экан* («Фан ва турмуш»). Бу ўзлашманинг тилимиздаги бошқа маънолари учун эса *пармаловчи машина* (буровая машина) сўзи ишлатилади. Аналогик мисол сифатида *маузер* ўзлашмасини оламиз. Бу сўз аслида немис қуролсоз инженерлари — ака ва ука Вильгельм ҳамда Пауль Маузерлар номидан келиб чиққан. Бу ака-укалар ихтиро қилган қуроллар ва уларни ишлаб чиқарувчи фирма номи уларнинг исмлари шарафига «Маузер» деб юритилган. 1920 йилларнинг бошларида Россияга «Маузер» тўппончасининг тарқалиши бу ўзлашма остида фақат тўппонча (пистолет) англашилишига олиб келган. Немис тилида эса бу сўз умумий тушунча бўлиб, мазкур фирма ишлаб чиқарган ҳамма қурол-яроғлар тушунилади:

— *Пистолетинг қанақа?*

— *«ТТ».*

— *Бўлмайди, ...ҳозир кичикроғи керак.*

*У шкафдан «Маузер-2»ни олди-да, текишириб кўриб... Ҳалиловга узатди* (Г. Брянцев).

3. Маъноси умумлашган ўзлашмалар. Бу сўзлар герман тилларида конкрет бир маънога эга. Ўзлашган тилларда эса уларнинг маънолари умумлашади. Масалан, *бутерброд* ўзлашмаси немис тилида

«устига фақат мой суркалган нон бўлаги»ни англатади. Рус ва ўзбек тилларида эса «устига мой, пишлоқ, колбаеса, мураббо ва бошқа хуштаъм нарсалар қўйилган нон бўлаги» тушунилади: *Ойи, бутерброд егим келаяпти...* («Шарқ юлдузи»). *Бутерброд* сўзини бизда англатган маъноси учун немис тилида бутунлай бошқа лексик бирлик *belegtes Brötchen* ишлатилади. Аналогик мисол сифатида *фельдшер* сўзини олсак, у немис тилида «ҳарбий қисмларда хирург ёрдамчиси» маъносига эга. Рус ва ўзбек тилларида бу сўз остида «ўрта маълумотли медицина ходими, врач ёрдамчиси» тушунилади. Кўриниб турибдики, конкрет «ҳарбий қисмларнинг хирург ёрдамчиси» маъноси, умумий «ўрта маълумотга эга бўлган ҳамма медицина ходими» маъносига айланган: *Участка агитпунктида курс машғулоти бўлаётганида фельдшер хотин мени имлаб чақирди* (С. Аҳмад).

Бу мисоллар қаторига *балка* ўзлашмасини ҳам қўшиш мумкин. *Балка* сўзи немис тилида «япроқ ва шохчалари тозаланган ёғоч — тўрт қиррали брус»ни англатади. Бу ўзлашма ўзбек тилида бинокорлик ишларида «ёғочдан, темирдан ёки темир-бетондан қилинган иншоот элементи, тўсин» маъноларида ишлатилаверади.

4. Маъноси кенгайган (ошган) ўзлашмалар. Бу группадаги сўзлар рус ва ўзбек тилларида ўз маъноларини кенгайтирганлар. Тил эгалари тасавурида ички ва ташқи ўхшашлик, функцияларидаги монандлик каби қиёсланиш омиллари остида ўзлашмалар англатувчи тушунчаларнинг ҳажми ва сони ошадди. У билан бошқа нарса ва предметлар номлана бошлайди. *Шнур* сўзи немис тилида «эшилган ёки тўқилган нозик чилвир, арқон»ни билдиради. Ўзбек ва рус тилларида эса уч маънога эга: 1) электр сими; 2) динамитнинг ёнувчи чилвири; 3) чизим, нозик чилвирча. Аналогик мисол сифатида *фартук* ўзлашмасини олиш мумкин. Бу сўз манба тилда архаизмга айланган. Кейинги йилларда чиққан немис тилининг энг катта луғатлари ҳам уни қайд этишмаган. Фақат Г. Паулнинг луғатида (1896) *фартук* ўзлашмасининг изоҳи ва унинг ҳозирги даврдаги эквиваленти *Schürze* сўзи билан синоним эканлиги тавсифланган. Ҳозирги немис тилида *Schürze* сўзи *фартук* англатадиган (пешбанд) маъносида қўлланилади. Бу ўзлашма бизга «кийимни ифлос қилмаслик учун либос устидан кийиладиган ёки белга боғлаб олинadиган иш кийими, пешбанд» ва «пахта»

териш учун махсус тикилган, бўйинга осиб, белга боғлаб олинадиган мато парчаси, этак» маъноларида кириб келган. Масалан: *Эгнингизда уй хизматчисининг фартуғи эмас, офицер мундири бор* (Ю. Дольд-Михайлик). Ўзбек тилида *фартук* сўзи сўзлашув нутқимизда «этак» маъносида кўп ишлатилади.

**ПОЛИСЕМАНТИК ЎЗЛАШМАЛАР** жуда камданкам ҳолларда ўзларининг ҳамма маънолари билан рус ва ўзбек тилларига кириб келган. Чунки ўзлашмаларнинг лексик маънолари алоҳида-алоҳида, бир-бирига бўйсунмаган муайян объектив сабаблар билан ўзлаштирилиши уларнинг семантик тузилишининг тўлалигича кириб келишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли кўпинча кўп маъноли сўзнинг бир маъносигина кириб келади. У ўзлашаётган тил учун янги нарса ва ҳодисани билдирувчи, моддий ва маънавий ҳаётни англатишда керак бўлган тушунча ёки тасаввурни номловчи, тилнинг кам жойини тўлдирувчи лексик бирлик сифатида тезда қабул қилинади. Гоҳи ўзлашмалар, аввало, ўзларининг кенг ва умумий маъносида ҳам кириб келишади. Уларнинг бошқа маънолари ва маъно оттенкалари (бўёқлари) ўзларининг тилдаги кейинги ривожланиш ва ўрнашиб олиш босқичларида юзага чиқади. Шу тариқа, бир маъноли бўлиб ўзлашган кўп маъноли сўз ўзининг бошқа ва ҳатто бутунлай янги маъноларини намоён қилиб, уни қабул қилган тилда аста-секин тўла воқеликка айланади.

Полисемантик сўзларнинг ўзлашган тиллардаги маъно фарқларининг таҳлили уларни қўйидагича группаларга бўлиб ўрганишни тақозо этади:

1. Бир маъноси ўзлашган полисемантик ўзлашмалар. Бу гуруҳдаги ўзлашмалар немис тилидан кириб келган сўзлар ичида кўп. Уларга ўзлари герман тилларида кўп маъноли бўлиб, рус ва ўзбек тилларига бир маъносида қабул қилинган сўзлар киради. Чунончи, немисча *аншлаг* сўзи 8 маънога эга: 1) уриш, зарба, урилиш, жаранглаш; 2) афиша, эълон; 3) отишга тайёр ҳолат; 4) савдо ишларида: бирор нарсани баҳолаш; 5) суиқасд, бостириб кириш; 6) техникада: машиналарнинг иш-ҳаракатини чегаралаш; 7) тўқиш, тўқиманинг биринчи қатори; 8) ҳайвон (ит)нинг вовуллаши. Бу ўзлашма ўзбек тилига «театр (ёки бошқа томошалар) билетларининг сотиб бўлинганлиги тўғрисидаги афиша, эълон» маъноси билан кириб келган. Унда ҳам ҳали сўзлашув нутқимизда актив учрамайди. Аналогик мисол сифатида инглизча

*бюджет* сўзини олиш мумкин. Бу сўз манба тилда кўп маънолидир: 1. а) бюджет. 2. а) эскирган маънода: сумка, ҳамён; б) сумка, ҳамёнда бор бўлган нарса; в) пачка, қути. 3. запас, ғамлаб қўйилган нарса. 4. эскирган маънода: чарм шиша. 5. багаж учун айрим бўлма. Ўзбек тилига бу ўзлашма «давлат, ташкилот, муассаса, оила ёки айрим шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатлари» маъноси билан қабул қилинган. Масалан: *Рейган февраль бюджетида ғоят катта камомад мавжудлигига қарамай, маъмурият ҳарбий харажатларни қисқартириш ниятида эмас, деб таъкидлади* («Совет Ўзбекистони»). *Шуруп* сўзини оладиган бўлсак, у немис тилида учта: 1) бошли ва резьбали қилиб ишланган бурама мих; 2) самолёт, кема винти, пропеллери; 3) спортда: сувда тана ўқи бўйлаб буралиб сакраш маъноларида қўлланилади. Ўзбек тилига «ёғоч ёки металл деталларни маҳкамлаш учун ишлатиладиган бурама мих» маъносида ўзлашган: *Дарвозадан ичкарига* («москвич»ни) *киритишим билан, болалар ғаладонини очиб, шурупларини бурашгани-бурашган* (С. Нуоров). Қизиғи шундаки, бу ўзлашманинг немис тилида ишлатиладиган *Bei ihm ist wohl eine Schraube los, locker* (унинг бир шурупи бўш, йўқ) иборасига ўхшаш, ўзбек тилида ҳам *унинг бир шурупи етишмайди* фразеологизми мавжуд, яъни бу сўзнинг кўчма маъноси ҳам кириб келган. Ўзи кўп маъноли-ю, ўзбек тилига бир маънода ўзлашган сўзларга: *абрис, бизнес, блинт, бройлер, бюджет, бульдозер, букса, бухта, бунд, бюргер, демфер, дамфа, декель, доллар, доминион, демпинг, фермер, фидер, фестиваль, фильм, финиш, фиттинг, футбол, фрау, фрейлина, футеровка, жаз, жерси, жин, гастроль, грабен, грейдер, грифель, гроссмейстер, грунт, гандбол, гауптвахта, горн, горст, гильза, индипендент, интервью, канцлер, катер, кенгуру, керн, китель, клемма, клиринг, клоун, колледж, колба, кокс, комбайн, компьютер, концерт, конвейер, конвертер, крекинг, кросс, корт, кустарь, лазер, лайнер, ландшафт, лидер, лилипут, линза, линейка, линт, линтер, лифт, лозунг, локаут, лорд, лофт, мангро, макентож, маляр, масштаб, матрос, матч, микрофильм, мимикрия, микселер, мистер, митинг, монитор, муфта, муфель, парк, пул, пропеллер, обер..., ранг, ранец, рекорд, рекордер, револьвер, ринг, рашпиль, рейхсканцлер, рицарь, сейф, скрепер, сервис, сляб, спорт, спринт, сквер, стенд, стандарт, стартер, стайер, стопар, свитер, танкер, тендер, тест, тик, тайм, трек,*

тренер, трал, трап, триггер, туннель, шахта, шевиот, шенкель, шихта, шибер, шланг, шницель, шуруп, шрифт, шпулька, штат, штанга, штапель, штейгер, штейн, штемпель, штифт, штрек, штрих, штук, штрум, штупер, тарелка, тигель, торф, труппа, унтерофицер, форзац, вексель, вагон, чемпион, чизель, цапфа кабиларни китриш мумкин. Айрим мисоллар келтирамиз: *Мол сўйиш цехида янги конвейер ишга туширилди. Колбаса маҳсулотларини термик жиҳатдан қайта ишлаш жараёни автоматлаштирилди («Совет Ўзбекистони»).* Аввало, компьютер тажрибани планлаштириш ва амалга ошириш, қолаверса, олинган маълумотларни ишлаб чиқишда тадқиқотчиға ёрдам беради («Совет Ўзбекистони»).

2. Полисемантик сўзлар икки ёки ундан ортиқ маъноларида қўлланилади. Бу, албатта, контекст ёки ўзлашма сўз билан бирга келаётган лексик бирликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки сўзнинг конкрет маъноси фақат контекстда ойдинлашади, масалан *штаб* ўзлашмаси немис тилида: 1) таёқ, ҳасса; 2) раҳбар, ходим атрофидаги маълум кишилар коллективи; 3) врачлар штаби, армия штаби маъноларига эга. Ўзбек тилига эса «ҳарбий қисмларни бошқарувчи орган» ва кўчма маънода «раҳбарлик органлари» маънолари билан кириб келган: *Штабда офицерлар аввал Хмаранинг қўлини қисиб табриклашибди (А. Мухтор). Академия илғор фанлар маконигина эмас, шу фанларнинг штаби ҳамдир («Совет Ўзбекистони»).* Бу ўзлашма айниқса «раҳбарлик органи» маъносида ўзбек тилида янги-янги лексик бирликлар ва ибораларда учрайди. Масалан: *пионерлар штаби, пахта штаби, студентлар қурилиш отрядининг штаби* ва бошқалар.

Энди аналогик мисол сифатида инглизча *стенд* сўзини кўриб чиқамиз. Бу сўзнинг инглиз тилида 20 дан ортиқ маънолари бор:

1. а) тиргак, пол, устунча, штатив, подставка; б) столча.

2. а) ларек, киоск; б) прилавок; в) стенд — синаш, текшириб кўриш қурилмаси.

3. а) эстрада; б) трибуна (стадионда).

4. а) кафедра; б) судда гувоҳлик бериш жойи.

5. а) жой, ўрин, ҳолат; б) кўчма маънода — позиция, нуқтаи назар, қараш.

6. Спорт ўйинларида: стойка, ростланиш.

7. а) автомобиллар, велосипедлар тўхташ жойи;

б) ҳарбий ишларда: пост.

8. Тўхтаб олиш, танаффус қилиш.

9. Гастролда тўхтаб ўтиш.

10. Қийналиш, довдираш, уялиш.

11. Ҳимоя қилиш, мудофаа этиш.

12. Жанубий Африка мамлакатларида, корхонага қаршли шаҳардаги ер участкаси.

13) а) набор; б) ҳарбий ишларда; комплект.

14. Овчилик ишларида: онасидан ажралмаган ҳайвон боласи.

15. Қишлоқ хўжалигида: илдиздаги ҳосил.

16. а) ўт алаф, майса; б) ёш дарахтлар.

17. а) техникада: станина; б) ҳужра қазноқ.

18. Ишга солиш, юргизиш столи.

19. Локомотив бўлмаси.

Бу ўзлашма ўзбек тилига асосан бир маъноси билан («музей, кўргазма ва шу кабиларда экспонатлар қўйиладиган жой») луғат ва матбуот саҳифаларида учрайди. Шу маъноси билан бу ўзлашма умумтушунарли бўлиб қолган. Масалан: *Кеча охирида ўқувчилар ўзлари тайёрлаган альбомлар, стендлар, деворий газеталар конкурси якунлари билан танишдилар* («Совет Ўзбекистони»). Айрим махсус соҳага оид текстларда бу ўзлашманинг яна бир маъноси («бирор нарсани синаш, текшириб кўрадиган жой») учрайди: *Йиғиб тап-тайёр бўлган автомобиль конвейердан туширилади-да, роликли стендларда синаб кўрилади* («Фан ва турмуш»).

Бундай ўзлашмаларга яна *банк, балласт, бар, блок, борт, бюст, дракон, дренаж, дрессель, карта, финиш, флот, мотив, лидер, линтер, марка, маршал, мачта, матовый, мульда, мундштук, парк, плита, ринг, ролик, трест, шайба, шлак, шлейф, штапель, шпиндел, шпиц, шпор, шпунт, форпост* кабиларни киритиш мумкин.

3) Маънолари тўла ўтган полисемантик ўзлашмалар. Бу хил ўзлашмалар сон жиҳатидан жуда озчиликни ташкил қилади. Аммо эътиборлиси шундаки, улар ўзларининг тўғри ва кўчма маънолари билан тўла ўзлаша олганлар. Буларга *ванна, ландскнехт* ва *мастер* сўзларини киритиш мумкин. *Мастер* сўзи немис тилида қўйидаги маъноларга эга: а) раҳбар ишчи; б) корхоналарда ишлаб чиқариш бўлими ташкилотчиси, раҳбари; в) ҳунар-касб корхонасида шогирд етиштирувчи; г) бирор ишни аъло даражада бажарувчи шахс; д) раҳбар ходим.

Шуни қайд қилиш керакки, ўзбек тилида бу ўзлашма ўзининг юқорида номланган ҳамма маъноларида актив қўлланилади ва умумтушунарлидир. Масалан: *Илгари участкада бирон-бир пайвандлаш аппарати бузилса, ишчи мастерга айтар, мастер ремонтчига хабар берар эди («Гулистон»)*. *Паст том тагидаги тўғри йўлакда мастер Ким Хва қўшни республикадан келган мусобақадош дўстларни заводнинг ишлаб чиқариш хусусиятлари билан таништираяпти («Гулистон»)*. *Йўқ, ғамимизни еб қўйганмиз,— деди мастер.— Уқувчиларнинг танг аҳволга тушиб қолмаслиги учун қўшимча касблар ўргатмоқдамиз («Гулистон»), ...лейтенант деди:— Балки ҳозироқ биз қуршовдадирмиз. Немис халқа ясашга мастер (Ойбек). Мен металлургия заводида 23 йилдан бери ишлайман. Цех катта мастери Н. Красин менга устозлик қилган бўлса, айни пайтда ...шоғирдларим билан фахрланаман («Совет Ўзбекистони»)*.

4. Маъносини кенгайтирган (оширган) полисемантик ўзлашмалар. Бундай ўзлашмалар ҳам кўн эмас. Уларга *кегель, шлам, юнкер* сўзларини келтириш мумкин. Учала ўзлашма ҳам немис тилидан кириб келган. Аслида ўзлашма сўзларнинг маъноси ошиши учун, улар қабул қилувчи тилда, тил эгаларининг кундалик ҳаётида тўла илдиз отиб, кенг қўлланилиб кетган бўлиши керак. Номланган ўзлашмалар бундан мустасно бўлиб, улар функционал доираси жиҳатидан ҳар хил соҳаларга қарайди. *Кегель* — босмахона ишлари ва спорт ўйинида, *юнкер* — ижтимоий формацияларнинг феодализм ва капитализм даврларига хос, *шлам* эса физика термини сифатида қўлланилади. Шунга қарамай, уларнинг маъноларида кенгайганлик, янги тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилганлик хусусиятлари ўзбек тили луғат ва энциклопедияларида қайд этилади. Масалан, *шлам* сўзи немис тилида «лой (балчиқ)» ва «ботқоқ», «кир» маъноларига эга. Ўзбек тилида бу ўзлашманинг қуйидаги маънолари («Ўзбек совет энциклопедияси»да) қайд қилинади:

1. Мис, рух ва бошқа металллар электролиз қилинаётганда чўкадиган кукунсимон маҳсулот. 2. Буғ қозонларида балчиқ ва қаттиқ бўлақлар ҳолидаги (сувда) эримайдиган чўкинди. 3. Тошкўмир ёки рудани нам билан бойитишда ҳосил бўладиган балчиқсимон чўкинди. 4. Узоқ вақт туриб қолган ёки фильтрация қилинган суюқлик тубига чўккан қаттиқ майда зарралар.

Мазкур ўзлашма маъносининг бунчалик кенгайиб кетишига иккинчи бир сабаб борки, у ҳам бўлса, юқорида қайд этилган, яъни *шлам* сўзи англатувчи физик ҳодисаларни номловчи сўз ёки бирикманинг ўзбек тилида йўқлигидир. Шу боисдан унга ўхшаш нарса ва ҳодисалар бу сўз билан изоҳланади. Бинобарин, бу ҳодисалар ўзбек тили ва халқи учун янгилик ҳам эди. Уларни ифодалашда *шлам* сўзининг «лой, балчиқ, кир» маъноларидаги ташқи ўхшашлик асосидаги тасаввур қўл келган. Қуйидаги мисол эса бу ўзлашма ўзбек тилида яна бир янги маъно кашф этганлигини билдиради: *Цемент хом ашёси — оҳактош ва гил конлардан қазиб олиб майдаланади. Уларга сув қўшилгандан ҳосил бўлган аралашма шлам деб аталади* («Фан ва турмуш»).

Баён қилинган ўзлашмалардан ташқари, яна айрим сўзлар (*фейерверк, форпост* каби) борки, улар ўзбек тилида кўчма маъно олишган. *Форпост* сўзининг «қисмни ҳимоя қилиш учун олдинроқ постда жойлашган ҳарбий қоровул, соқчи қисм» ва «олдинроқ постдаги навбатчилик хизмати» маъноларидан ташқари, ўзбек тилида «бирор нарсанинг илғор, олдинги қисми, авангард» каби кўчма маъноси ҳам бор. Масалан: *Бизда минглаб коммунистик меҳнат коллективлари коммунизм форпостлари бор* («Қизил Ўзбекистон»).

Айрим ўзлашмалар борки, улар ўзларининг тўғри маъноларида ўзлашиб, кўчма маъноларида эса қўлланилмайди. Уларнинг кўчма маънолари ҳали ўзбек тилига кириб келганича йўқ. *Қолба* сўзининг «бурун», *кокс* сўзининг «пул», *гансвурст* сўзининг «тентак», *дракон* сўзининг «жанжалкаш аёл» кўчма маънолари ўзбек тилига ҳали етиб келганларича йўқ. Аммо таржималарда бу сўзларнинг кўчма маънолари тўғри афдарилганини кўриш мумкин. Масалан: *Фрош: «Мабодо сиз кеча Риппахда қўниб, Ганс тентакка ҳамдам бўлмадингизми?»* (В. Гёте).

Ўзлашмалар орасида маънолари салбий бўёқлар олиб, ёмонлашиб келган сўзлар ҳам мавжуд. Масалан, *вандал* ўзлашмаси ўзининг немис тилидаги: 1) герман қабилаларининг бири, қabila номи ва 2) кўчма маънода: ваҳший одам маъноларидан ташқари «маданиятсиз», «жоҳил», «нодон одам» маъноларида ўзбек ва рус луғатларида қайд қилинади.

Ўзлашмалар орасида шундай сўзлар ҳам борки, улар ўзбек тилига келиб семантик мустақилликка эришганлар. Уларнинг маънолари ва англатувчи тушун-



чалари ўзлашган тилда бутунлай янги лексик бирликлар билан боғланиб келиб, манба тилдагига қараганда мутлақо ўзга семантик вариантлар кашф этишган. Бундай сўзларга *бирка*, *рейс* ва *штанга* ўзлашмаларини мисол қилиб келтириш мумкин. *Бирка* сўзи немисча *Birke* — «берёза, оқ қайин дарахти» маъносини англатади. Ўзбек тилида эса; 1) чўпхат, белги қўйиб-бирор нарсанинг ҳисобини олиб бориладиган таёқча; 2) ёрлик, багаж ёки товар устига осиб қўйиладиган ёзувли таёқча, тахтача маънолари билан луғатларда қайд қилинади. Мазкур ўзлашма маъносининг бутунлай ўзгариб кетишига бўлган сабаб, багаж ёки товар устига осиб қўйиладиган тахтача, чўпхатлар олдинлари оқ қайиндан қилинганлигидандир. Чунки бу дарахтдан қилинган чўпхатлар оқлиги, қуввати, тезда айрилиб кетмаслиги ва арзон туриши билан бошқа дарахтлардан қилинган тахтачалардан фарқ қилишган. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ муносабатларининг кенгайиши (биркали товарларни кенг айрибошлаш, сотиб олиш) бу ўзлашманинг тезда ўзга тилларга қабул қилинишига олиб келган. *Бирка* сўзининг рус ва ўзбек тилларидаги — берёза, оқ қайин — эквивалентлари, ўзлашманинг «чўпхат, ёрлик» маъноларида мустақил қўлланилишини актуаллаштирган ва воқеликка айлантирган. Ўзбек тили сўзлашув нутқида *бирка* сўзининг маънолари янада кенгайиб, умумлашиб кетганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. У ҳозир «ҳайвонлар (фермадаги сигир ва қўйлар) қулоғига номерларини қайд этувчи белги сифатида қистирилиб қўйиладиган тунука тугма», «кийимлик устидаги этикетка, мато белгиси» маъноларида ҳам қўлланилади.

*Штанга* ўзлашмаси немис тилида *die Stange* бўлиб, қуйидаги маъноларга эга: 1) ёғоч, металл ёки бошқа материалдан ясалган узун нозик, тўғри таёқ, асбоб. 2) кўчма маънода *eine Stange Bier* — бир бокал пиво, *eine Stange Zigarette* — бир блок сигарет; 3) ҳазиломуз: узун ориқ киши; 4) овчиликда: кийик шохининг ўнг ёки чап томони.

Ўзбек тилига мутлақо бошқа: 1) оғир юк кўтариб куч синашда қўлланиладиган, дастасининг икки учига маълум оғирликдаги дискалар ўрнатилган металл асбоб; 2) футбол, хоккей ва шу кабиларда дарвозанинг тепа ва ён томонлари маъноларида ўзлашган. Масалан: *Оғир атлетика спортнинг қизиқарли турларидан ҳисобланади. Штангани ердан даст кўтариш ҳаммиса мароқли бўлади* («Совет Ўзбекистони»). *Ўйин давоми-*

да тўпнинг икки марта дарвоза штангасига текканини ҳисобга олмаганда, ўйинда бошқа хавfli вазият юз бермади.

Немис тилида юқоридаги ўзбек тилида учрайдиган маънолари учун бутунлай бошқа лексик бирликлар ишлатилади. Яъни оғир атлетикадаги штанга учун *Scheibenhantel*; футбол, хоккей штангалари учун *Torlatte* сўзлари қўлланилади.

*Рейс* ўзлашмасида манба тилдаги «бир жойдан иккинчи жойга саёҳат» маъносидан ўзбек тилига «кема, самолёт, машина каби транспорт воситаларининг маълум маршрути бўйича қатнов йўли» маъносига ўзгариб ўтган. Масалан: *Рейсга чиқарилаётган йўлаб автомашиналар техник жиҳатдан носоз, спидометрлари ишламайди* («Совет Ўзбекистони»). Бу ўзлашма ўзбек сўзлашув тилида ўз маъносидаги «қатнов йўли» маъносини янада кенгайтирди. У «қатнаш, бориб ҳамда қайтиб келиш» маъно вариантларига ҳам эга. Масалан: *Бугун нечта рейс қилдинг?—Учта. Шундан ошириб бўлмади. Студентлар шаҳарчасидан «Самарқанд» автостанциясига бориб келиш икки соатлик йўл: бир кунда саккизта рейс қиламиз* («Совет Ўзбекистони»).

Бу маъно билан *рейс* сўзи кундалик ҳаётда, айниқса, шоферлар, тракторчилар, учувчи ва машинистлар суҳбатига тез-тез учрайди. Герман тилларидан кириб келган ўзлашмаларнинг ўзбек тилида функционал қўлланилишининг қай даражада эканлигини билиш учун уларни қуйидаги группаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

а) ўзбек тилида мос эквивалентлари бор бўлган ўзлашмалар. Айрим ўзлашмалар борки, ўзбек тилида уларга мос, маъноси жиҳатидан мувофиқ келадиган эквивалент сўзлар бор. Уларнинг иккаласи ҳам адабий ва сўзлашув тилимизда кенг қўлланилади, матбуот саҳифаларида кўплаб учрайди. Бу сўзларнинг маъно ўхшашлиги жуда яқин, лекин бири чет сўз, иккинчиси эса уларнинг ўзбек тилидаги вариантдир. Улар синонимлар сифатида бир хил лексик маънода тез-тез учрайдилар. Масалан: *қўл тўпи — гандбол. Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадаси программасидан ўрин олган қўл тўпи бўйича мусобақалар Тошкентдаги «Текстильшик» стадионида давом этмоқда. Латвия терма командаси биринчи учрашувдаёқ Қирғизистон гандболчиларидан устун келиб (30:20) қимматли очко тўплашди* («Совет Ўзбекистони»).

*Сув тўпи — ватерпол. Бу ерда ватерполчилар мусобақасида учрашувларни мағлубиятсиз ўтказган совет сув тўпи усталари бешинчи ўйинда Куба «А» коллективини енгиб (8:7), ўнта очко жамғарган ҳолда биринчи ўринни қўлга киритишди («Совет Ўзбекистони»). Ватерпол ўзлашмасининг ярим таржима қилинган шакли ҳам учраб туради: Бассейндаги мавжуд икки залда айни вақтда сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича мусобақалар ўтказилади («Фан ва турмуш»).*

*трек — пойга. 500 метрли пойгада жаҳон рекордини ўрнатган Александр Панфилов эса Крилатск трекда биринчи бўлишга шайланиб турибди («Совет Ўзбекистони»).*

Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзлашма сўзлар ўзларининг ўзбек тилидаги мос вариантлари билан синонимик алоқада қўлланилган. Текстларнинг ҳаммаси спорт темасига оид бўлиб, одатда, бундай хабарлар қисқа бўлади — журналист сўзларни қисқа ораликда тез-тез такрорлашдан қочиб, чет сўз ва унинг миллий тилдаги эквивалентидан нутқ ранг-баранглиги учун фойдаланган.

Аммо айрим ўзлашмаларда маъно конкретлашувини кўриш мумкин. Масалан: *матч — ўйин. Бу кейинги ярим аср давомида ўтказилган ўйинлар сони чекланмаган биринчи матч бўлди («Фан ва турмуш»).*

*лайнер — самолёт. Кунни кеча Тошкент — Наманган маршрути бўйича ўз бортига 150 дан зиёд пассажирни олган ТУ-154 реактив лайнери илк рейсини бажарди... Шу кунгача Наманган аэропорти фақат ўртача катталиқдаги самолётларни қабул қиларди («Совет Ўзбекистони»).*

*айсберг — музтоғ. Муз тоғи саҳрони суғоради-ми? Франциядаги бир фирма ходимлари 100 миллион тонналик айсбергни Антарктидадан Саудия Арабистонига келтириш ва ундан суғориш мақсадида фойдаланиш ғоясини илгари сурдилар («Фан ва турмуш»).*

Маълумки, лингвистик адабиётларда «икки ёки ундан ортиқ сўзни ўзаро синоним қиладиган нарса, бу сўзлар семантик структурасидаги асосий қисмининг, яъни лексик маънонинг бир хиллиги, лексик маънони юзага келтирадиган компонентларнинг (семаларнинг) бир хил бўлиши<sup>3</sup>, деб таърифланади. Шунинг учун юқорида номланган ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча

<sup>3</sup> Ўзбек тили лексикологияси, 237-бет.

эквивалентлари, ўзларининг мазкур текстларда англа-тиб келаётган маънолари билан бир-бирига синоним бўла оладилар. Уларни юқоридаги мисолларда ўрн-ларини алмаштириб қўйиб ўқиганда ҳам контекст маъносига путур етмайди.

Англадиб келаётган маънолари ўхшаш, тўла, мос ва мувофиқ эквиваленти бор бўлган бундай ўзлашмалар-нинг учраб туришининг объектив сабаблари бор. Бу ўзлашмалар ўзларининг ўзбек тилидаги эквивалентла-ридан маъно оттенкалари билан: *лайнер* — муайян бир йўлдан қатновчи, *айсберг* — кўчиб юрувчи муз тоғи, *матч* — спорт мусобақаси, *ўйини*, *трек* — пойга учун махсус йўл — қўшимча жузъий маънолари ва сўз яшаш имкониятлари билан (масалан: сув тўпчиси ёки қўл тўпчиси зайлда ясалган сўзлар йўқ)<sup>4</sup> фарқ қилишади. Ўзлашмалардаги бундай хусусиятлар ўзбек тилининг маълум даражада тараққиётига, унда фикр ифодалаш-нинг имкониятларини янада оширишга олиб келмоқда. Шу сабабли кўпчилик ўзлашмалар тилимизда кенг ва ўринли қўлланилмоқда. Бу гуруҳ ўзлашмалар қаторига *дюна* — *қум тепа*, *шиор* — *лозунг*, *биринчилик* — *чемпионат*, *пеиқадам* — *лидер*, *текшириш* — *рейд* каби лек-сик бирликларни қўшиш мумкин;

б) ўзбек тилида мос эквиваленти йўқ ўзлашмалар. Ўзлашмалар орасида жуда кўп сўзларнинг ўзбек тили-да улар англаган маъно ёки тушунчаларга мос кела-диган эквивалентлари йўқ. Шу сабабли тилда мазкур ўзлашмаларнинг ўзларини қўлламаса бўлмайди, зеро, узундан-узун изоҳлар фикр моҳиятини чалкаштириб юбориши мумкин. Масалан: *15 февраль кун* *80 минг* *дона ғишт*, *35 мингта блок*, *80 куб метр аглопорит* *ишлаб чиқарилади*. *Корхона маҳсулоти Бухоро ва Ко-гон шаҳарларидаги қурилиш майдончаларига жўнати-лади* («Совет Ўзбекистони»).

Бу мисолдаги *блок* ва *аглопорит* сўзлари учун ўзбек тилида мос эквивалент йўқ. Фақат изоҳлар: *блок* «це-мент ёки бошқа бирор материалдан тайёрланган катта ғишт шаклидаги қурилиш материали» каби тушунча-лар бериш ёрдамида фикрни ойдинлаштириш мумкин. Бу тур ўзлашмалар қаторига *балка*, *брак*, *бюст*, *бутерброд*, *домкрат*, *дедерон*, *дюкер*, *галстук*, *горн*, *камер-тон*, *клапан*, *колба*, *кран*, *мольберт*, *масштаб*, *плуг*, *ринг*, *ролик*, *шайба*, *шифер*, *шуруп*, *шпindelъ*, *шпунт*,

<sup>4</sup> Чунки *тўпчи* сўзида спорт ўйинига қараганда ҳарбий, артил-лерист ассоциацияси инсон тасавури учун кучлироқдир.

*штаб, штанга, цех, цифферблат* каби немисча, *акваланг, бульдозер, чизель, эскалатор, грейдер, лифт, скрепер, спидометр, танк, теннис, трамвай, троллейбус* каби инглизча ўзлашмаларни киритса бўлади. Бу ўзлашмаларнинг тилимизга кириб келганига анча вақт бўлган. Улар ўзларининг маънолари ва қўлланилиш ўринлари билан халқимиз онги ва тилига чуқур сингиб кетган ўзлашмалардир. Улар кундалик ҳаётимизда ва турмушимизда кўп ишлатилади ва ҳамма учун умумтушунарлидир;

в) айрим ўзлашмалар борки, уларнинг тўлиқ маъноларини бериш учун ўзбек тилидаги уларга эквивалент бўлган сўзга яна битта сифатловчи (эпитет) қўшилмоғи керак. Масалан: *бройлер* — гўштдор жўжа, *камволь* — таралган юнг, *жун, митинг* — катта, оммавий йиғин, *парк* — катта, дам олиш боғи, *сквер* — жамоат боғи, *снайпер* — илмли, моҳир мерган, *рейд* — тўсатдан текширув ва бошқалар. Айрим мисоллар келтирамиз: *Авайлаб манзилга олиб келинган катаклардаги жўжалар самолётдан Урганч бройлер паррандачилик фабрикасига етказиб берилди. ..гўштдорлиги, тез етилиши билан бу зотдор жўжалар маҳаллий паррандалардан сезиларли даражада фарқ қилади* («Совет Ўзбекистони»). *Парижнинг ишчилар яшайдиган чеккасида жойлашган кенг Баяр залида тинчлик, тараққиёт, ривожланиш ва социализм учун курашаётган халқлар билан оммавий бирдамлик митинги бўлиб ўтди* («Совет Ўзбекистони»).

г) айрим ўзлашмалар борки, уларнинг ўзбек тилидаги маънолари умумий характерга эгадир. Бу ўзлашмалар англатаётган нарса ёки тушунчани конкрет ва аниқ билиш учун улар олдида яна битта аниқловчи сўз қўлланилади. Яъни ўзлашма аниқланмишга айланади. Масалан, немис тилидан қабул қилинган *плита* сўзи «ҳар хил мақсадлар учун қўлланиладиган текис материал» маъносига эга. Бу ўзлашма маъносига «ҳар хил мақсадлар» изоҳини конкретлаш учун контекстда аниқловчи сўз қўлланилади. Мисоллар келтирамиз: *Кареталарга юқоридан бетон қуйилади, 14, 16 соат ичида девор плита тайёр бўлади* («Гулистон»). *Ёғочсозлик чиқитларидан қиринди плиталар ишлаб чиқариш ҳисобига ўрта ҳисобда 58 минг кубометр ёғоч-тахта шартли тежаллишига эришилади* («Совет Ўзбекистони»). *Ёдгорликдаги мрамар плиталарда бу қаҳрамонларнинг мангу барҳаёт номлари зарҳал*

харфлар билан битиб қўйилди («Совет Ўзбекистони»). 4 миллионта шартли плита шифер, 11,5 миллион квадрат сопол плита, кўп миқдорда томга ёпиладиган материаллар, газ плиталари... ва бошқалар ажратилиши керак («Совет Ўзбекистони»).

Кўриниб турибдики мисоллардаги девор, қиринди, мрамар, шифер, сопол, газ аниқловчи сўзлари бўлмаганда плита ўзлашмасининг маъноси ноаниқ қолган бўлар эди. Бундай ўзлашмалар қаторига яна лагерь, вахта, вокзал, комбайн, контейнер каби сўзларни киритса бўлади;

д) махсус соҳаларга оид ўзлашмалар. Махсус соҳаларга оид ўзлашмалар деганда, биринчи навбатда, «турли фан соҳалари терминлари»<sup>5</sup> ёки «илмий-техник терминология»<sup>6</sup>га оид сўзлар тушунилади. Тематик группалар рўйхати ва қилинган мисоллар таҳлилидан ҳам билиш мумкинки, ўзлашмалар орасида махсус соҳа сўзлари кўпчиликни ташкил қилади. Улар ичида аксельбант, анкер, анилаг, анилюс, блинт, бурствер, букса, дрессель, фальцовкачи, кайзер, корн, колонитул, лейтмотив, маклер, мергель, нейзильбер, плексиглас, путч, рейсфедер, рольганг, шабер, шенкель, шибер, шлам, шлейф, шлир, шлиц, шмуцтител, шпрот, шпиль, штейгер, штуцер каби немисча ўзлашмалар, АЛГОЛ, барретер, бельтинг, бихевиоризм, блюминг, брокер, шевиот, клиринг, фидер, фитинг, гайморит, инбридинг, аутбридинг, локаут, магнето, монитор, поташ, пульсарлар, румб, сельсин, сляб, слябинг, стайер, сиффон, тик, триггер, тостер каби инглизча сўзлар борки, уларни газета ва журналлар саҳифаларида ўқиб кўрган, махсус маълумоти бўлмаган киши тушуниши қийин. Бу сўзлар, кўпинча мазкур соҳалар бўйича ихтисоси бор бўлган одамлар учун тушунарлидир. Масалан: Кундузги ёруғлик лампалари анча кўпол, дресселнинг овоз чиқариб туриши ва бошқа жиҳатлари сабабли турар жойларда айтарли кўп фойдаланилмайди («Фан ва турмуш»). Янги технология домна, слябинг ва блюминг прокат станлари, металл ишлаш дастгоҳлари ва кўплаб бошқа ускуналарсиз иш олиб борилади («Фан ва турмуш»). Бу мисоллардаги электроникага оид дрессель, металлургияга оид слябинг, блюминг сўзларини умумтушунарли деб бўлмайди;

е) экзотик ўзлашмалар. Маълумки, экзотик сўзлар фақат ўзлари келиб чиққан тилларга оид нарса ва

<sup>5</sup> Riesel E. Stilistik der deutschen Sprache. M., 1963, S. 104.

<sup>6</sup> Iskos A., Lenkova A. Lexikologie. S. 255—258.

ҳодисаларни номлаб келишлари билан характерланади. Ўзлашган тилларида улар номлаб келган, ифода-лайдиган нарсалар бўлмайди. Экзотик сўзлар ўзга тилларга қабул қилинар экан, қабул қилинаётган тилларига манба тилга хос бўлган нарса ва тушунчалар ҳақида муайян информациялар олиб келишади. Улар саёхатномаларда, экскурсия тафсилотларида, таржима қилинган адабиётларда ёки чет мамлакатлар халқларининг турмушлари ҳақида ҳикоя қилувчи катта-кичик материалларда учрайди. Экзотик сўзлар асарда тилга олинаётган халқнинг турмуш тарзи, этнографияси, тил хусусиятлари ва шунга ўхшашлар ҳақида жонли мисоллар асосида маълумот беришади. Масалан: *Пиво, шнапс ва бошқа ичимликлар ичиб, анча вақтгача ўтиришди* (Л. И. Брюханов). *Капитан... Берлин ресторанининг бирида Европа билан брудершафт қилиб хайрлашиш нияти борлигини гапирар эди* (А. Мухтор). *Бундай ҳангома — катта бизнеснинг манфаатли пудратлар олиш эвазига сиёсий арбобларга «хайр-эҳсон» бериш практикаси ҳозирги Японияда илдиз отганлиги — фактнинг яна бир исботидир.*

ё) янги кириб келаётган ўзлашмалар. Матбуот саҳифаларида герман тилларига мансуб бўлган, лекин ҳали ўзбекча луғатларда қайд қилиб улгурилмаган бир қатор сўзлар учрайди. Янги ўзлашмаларнинг<sup>7</sup> айримлари, *бушмен, дизайн, клинкер, перлит, регби, рефрижератор* каби сўзлар янги чиққан икки томлик «Ўзбекча-русча луғат»да қайд қилинган. Аммо айримлари борки, улар бу луғатга тушиб улгурмаган. Луғатларнинг ҳамма янги сўзларни қайд эта олмаслиги табиий. Чунки улар нащрга чиққан кунидан бошлаб эскира бошлайди. Келгусида қандай сўзлар пайдо бўлишини олдиндан билишга ҳар қандай лексикограф олим ҳам ожизлик қилади. Сўз луғатларда қайд этилиши учун, аввало, тилга, тилнинг муайян функционал соҳаларига кириб келган бўлиши керак. Мақола авторлари ёки журналистлар ўзи қўллаётган янги сўз маъноси газетхон ва журналхонларга ҳали маълум эмаслигини сезмоғи ва тилда янги қўлланаётган сўзлар ёнига тегишли изоҳ бермоғи керак. Йиғилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу қоидага матбуот саҳифаларида асосан эътибор берилган, яъни чет сўзларнинг маънолари кў-

<sup>7</sup> Янги ўзлашмалар деганда, 70—80-йиллар орасида ўзбек тилига кириб келган, луғатларда қайд қилиб улгурила олинмаган герман тилларига оид сўзлар эътиборга олинади. Қизиғи шундаки, бу сўзларнинг жуда кўпчилиги инглиз тилига мансубдир.

пинча ўзбекча тавсифланган. Масалан: *Суюқ маҳсулотлардан мотор ёқилғиси ва қимматбаҳо химиявий моддалар — фенол, парафин, пек (смола қайнагандан кейин қоладиган ва тезда совийдиган модда)... ва бошқалар олчнади («Фан ва турмуш»)*. Питтинг (афғон яра ёки нуқта) коррозияси кўпинча пассив металл юзасига таркибида активлаштирувчи моддалар бўлган муҳит таъсир этишидан пайдо бўлади («Фан ва турмуш»). Электрониканинг мислсиз тараққиёти микромодуль ичига мураккаб электрон схемалар жойлаштирилган митти кремний кристали яратилишига олиб келди. Улар жонли инглиз тилида «чипс» деб аталади («Фан ва турмуш»). Бундай ўзлашмалар қаторига бампер, бейсбол, бит, вебер, жет, клинкер, дисплей, перлит, портланд-цемент, риф, слайд, смог, стайлинг, тостер, трюк, флаттер, шельф, шимми кабиларни кириши мумкин. Айрим ўзлашмалар изоҳи турли текстда турли хил ҳам учраб қолади: *Гап шундаки, каскадер хатарли трюклар (ҳолатлар)ни ижро этиши сабабли эҳтиёт чораси сифатида турли хил кийим кийиб олади («Фан ва турмуш»)*. Баъзан янги ўзлашмалар изоҳсиз ҳам учраб туради. Масалан: *Бу ерда дисплей синфи очилди. Ёки... бюросида яратилган флуориметр прибори сув муҳитидаги аралашмаларни шу таҳлитда лазер нури билан эзондлайди.*

Янги ўзлашмаларнинг кириб келиши кишилик жамиятнинг илмий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, ихтиролар, маънавий ва маданий тафаккурнинг ўсиши, объектив борлиқни янада чуқурроқ англаш, унинг ички ва ташқи қонуниятларини сезиш, мушоҳада қилиш каби зарурий омиллар оқибати ва уларнинг тилларда ифодаланиш натижаси, унинг давомийлигидадир.

Ўзлашмаларнинг семантик ўзгаришлари ҳақидаги мулоҳазаларга яқун ясаб шуни айтиш мумкинки, уларнинг маънолари, аввало, рус, ундан кейин ўзбек тилида маълум ва муайян ўзгаришларни бошидан кечирган. Ўзлашмаларда маъно торайиши, кенгайиши, қисман ва тўла ўзгариши, маъно бўёқларининг янги жилоси, маънонинг кўчма характер олиши каби бир қатор ўзгаришлар юз берган. Улар ўзбек тили луғат таркибига таъсир қилибгина қолмай, балки биргаликда янги-янги лексик birlikлар яратишган. Булар ҳаммаси, ўзбек тилининг ўз имкониятларини активлаштиришга, лексик жиҳатдан ривожланишига ва функционал тараққий қилишига катта ҳисса қўшади.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
Сўз ўзлашувининг умумий масалалари . . . . .	5
Ўзбек тилига герман тилларидан кириб келган ўзлашмалар	35
Масалага кириш учун дастлабки мулоҳазалар . . . . .	35
Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмаларининг ҳажми ва характери . . . . .	42
Ўзлашмалардаги морфологик ўзгаришлар . . . . .	53
Ўзлашма сўзларнинг имло ва талаффузи . . . . .	55
Ўзлашган сўзларда суффиксларнинг имло ва талаффузи.	64
Ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар . . . . .	75
Ўзлашмалардаги морфологик ўзгаришлар . . . . .	85

Атабай Джуманиязов

## GERMANSKIE ZAIMSTVOVANIYA V SOVREMENNOM UZBEKSKOM YAZYKE

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва В. И. Ленин номидаги  
Хоразм давлат педагогика институти илмий советлари томонидан  
нашрга тавсия этилган*

Муҳаррир Қ. Парпиева  
Рассом В. Зиновьев  
Техмуҳаррир Л. Тюрина  
Корректор С. Зокирова

ИБ № 3807

Терингга берилди 16.01.87. Босишга рухсат этилди 4.03.87. P03033. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмаҳона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 5,07. Ҳисоб-нашриёт л. 5,6. Тиражи 1000. Заказ 15. Баҳоси 85 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Баҳоси 85 т.